1993 йил 6 майда биринчи марта “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун ҳажми жиҳатдан қисқа бўлиб, 32 моддадан иборат эди. Қонунга мувофиқ, Конституциявий суд Ўзбекистонда конституциявий назоратнинг олий суд органи бўлиб, унинг зиммасига Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Конституциянинг муқаррар устунлигини таъминлаш юклатилган.

Конституциявий суд 11 аъзодан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан Олий Мажлис томонидан Конституциявий суднинг раиси, раис ўринбосари, Конституциявий суднинг котиби ва Қорақалпоғистон Республикасидан вакил бўлган судьяни қўшган ҳолда Конституциявий суднинг 11 аъзосидан иборат таркибда сайланиши белгилаб қўйилди. Сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари жумласидан бўлган, камида 35 ёшга тўлган, қоида тариқасида юридик ихтисоси бўйича иш стажи 10 йилдан кам бўлмаган, Конституциявий суд судьяси вазифасини бажариш учун талаб қилинадиган юксак малакага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси судья этиб сайланиши мумкин.

Бироқ қонун қабул қилинганига қарамай, 1995 йилга қадар Конституциявий суд сайланмади. 1995 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун Конституциявий суднинг асосий ваколатлари, конституциявий назоратни амалга ошириш таъминлаши, судьялар мақоми ва уларни сайлаш тартиби, Конституциявий суд фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалаларини тартибга солишга қаратилган эди.

Қонунда Конституциявий суднинг вазифалари этиб қонунлар ва Олий Мажлис қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Конституцияга мослигини аниқлаш белгиланди.

Сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин. Конституциявий суд суд раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судьяни қўшган ҳолда Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади. Яъни Конституциявий суд судьялари сони ҳамда судьяликка номзод учун ёш цензи аввалги қонундагига нисбатан камайтирилди.

1995 йил 22 декабрда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сайланди. Конституциявий суд раиси этиб Б. Эшоннов, раис ўринбосарлигига О. Эрназаров сайланди. Конституциявий суд судьялари этиб Ғ. Абдумажидов, Ғ. Пиржанов, С. Ҳакимова сайланди [7]. 1998 йил 1 майда бошқа ишга ўтиши муносабати билан вазифасидан озод этилган О. Эрназаров ўрнига Б. Мирбобоев раис ўринбосари лавозимига, Й. Жўраев судья этиб сайланган [8].

Конституциявий суд таркиби сайланиши билан мамлакатда биринчи марта Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, ҳокимиятлар бўлиниши принципини ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга сафарбар этилган конституциявий судлов назорати органи пайдо бўлди.

Умуман олганда, бу давр Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва ривожланган демократик давлатлар тажри-

баси асосида шаклланиши билан характерланади. Бу босқичда Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини кўриб чиқадиган мустақил конституциявий одил судлов институти сифатида қарор топди. Профессор Ю.И. Брежневнинг (Россия) таъкидлашича, “Ўзбекистонда конституциявий одил судловни амалга оширишда вужудга келадиган айрим муаммолар нафақат ушбу давлат, балки постсовет ҳудудидаги бошқа мамлакатлар учун ҳам характерлидир” [9].

Конституциявий назорат институти ривожланишининг *учинчи босқичи (2017 йилдан)* конституциявий назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши билан боғлиқ.

Конституциявий назоратнинг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари

Конституциявий назоратнинг бугунги кундаги ҳолати Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш сиёсати билан узвий боғлиқдир. Чунончи, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида 2017 йил 31 майда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддалари (80, 93, 108 ва 109- моддалари)га ўзгартириш кiritиш тўғрисида”ги қонун ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонун қабул қилинди.

Мазкур қонунларда конституциявий назоратни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги бир қанча принципиал янгилик ўз аксини топган.

Биринчи, Конституциявий суднинг мақомидан келиб чиқиб, Конституциявий суд тўғрисидаги қонун конституциявий қонун сифатида қабул қилинди.

Иккинчи, Конституциявий суд таркибинини шакллантириш янада демократлаштирилди. Конституциявий суд судьялари

Ўзбекистон Президентининг тақдими-га биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланадиган бўлди.

Учинчи, Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд мажлисида унинг судьялари орасидан сайланиши белгилаб қўйилди. Аввалги тартибга кўра, Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьялар номзоди Президент тақдимида кўра Сенат томонидан сайланган.

Тўртинчи, Конституциявий суд судьялигига номзод 35 ёшдан кичик бўлмаслиги белгилаб қўйилди. Сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассиси бўлган, юсак маънавий фазилатларга ва зарур малакага эга бўлган, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

Бешинчи, судьялик лавозимида бўлишнинг чекланган ёши ҳамда икки мартадан ортиқ қайта сайланишга чеклов ўрнатилди. Конституциявий суд судьясининг ваколат муддати – беш йил. Конституциявий суднинг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши қоида тариқасида етмиш ёшни ташкил этади. Айтиб бериш керакки, бир шахс икки мартадан ортиқ Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин эмас.

Олтинчи, Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилиб, бундай субъектлар қаторига Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) киритилди.

Еттинчи, конституциявий назоратнинг янги тури, яъни дастлабки конституциявий назорат киритилди. Конституциявий судга конституциявий қонунларнинг, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Консти-

туцияга мувофиқлигини улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангунга қадар ўрганиш билан боғлиқ қўшимча ваколатлар юклатилди.

Саккизинчи, Конституциявий судда Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларини ҳам кўриб чиқиш белгилаб қўйилди. Аввалги қонун бўйича Конституциявий судга фақат Олий суд Раиси масала киритиш ҳуқуқига эга эди.

Тўққизинчи, Конституциявий судга ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш вазифаси юклатилди. Таъкидлаш жоизки, конституциявий қонунийлик аҳволи тўғрисида ахборот бериш миллий қонунчилигимизда янгилик ҳисобланади.

Шундай қилиб, 2017 йил 31 майда “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда конституциявий назоратни такомиллаштириш, Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш, судьялар мустақиллигини кучайтириш, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида конституциявий одил судловни амалга ошириш жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни бартараф этиш имконини берди.

Ижобий ишлар билан бирга конституциявий назоратни самарали амалга оширишда муайян муаммолар ҳам мавжуд. Конституциявий назорат институти такомиллаштиришга муҳтож. Бунга, асосан, конституциявий назорат субъектларининг фаол эмаслиги, конституциявий шикоят институтининг йўқлиги, конституциявий одил судловни амалга ошириш механизмлари етарлича тартибга солилмагани сабаб бўляпти, дейиш мумкин.

Бугунги кунда фуқаролар Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ бу фуқаролар Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятидан маҳрум қилинган, дегани эмас, албатта. Фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатида кўтарилган масала Конституциявий суд мажлисига судьяларнинг камида уч нафари ташаббуси билан кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин. Бошқача айтганда, фуқаролар Конституциявий судга масала киритишда билвосита ҳуқуққа эгадирлар.

Бироқ Конституциявий суд судьяларининг масала киритиши ва уни кўриб чиқишда иштирок этиши судьянинг ҳолислик принципига зид келади. Хорижий давлатлар конституциявий суд судьяларида бундай ҳуқуқнинг йўқлиги ҳам бежиз эмас.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда конституциявий назоратни ривожлантириш истиқболи конституциявий шикоят институтини жорий этиш билан узвий боғлиқдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида конституциявий назоратни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Давлат дастури ижроси бўйича Конституциявий суд томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинмоқда.

Қонун лойиҳасида Конституциявий судда ўрганиб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик

субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказини киритиш назарда тутилган. Мазкур субъектларнинг конституциявий назорат субъектлари доирасига киритилиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, айниқса, бола ҳуқуқлари ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг асосий янгилиги Конституциявий судда қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига фуқаролар ва юридик шахслар киритилиши билан боғлиқ. Яъни мамлакатда конституциявий шикоят институти жорий этилмоқда.

Ривожланган демократик давлатларда конституциявий шикоят институти ўзини оқлаган ҳуқуқий восита сифатида эътироф этилади ва ҳуқуқий тизимда самарали қўллаб келинмоқда. Айни пайтда хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, конституциявий шикоят институти жорий этилиши конституциявий одил судлов органларида иш ҳажмининг ҳаддан ташқари ошиб кетишига олиб келиши ва ишларни кўриб чиқиш муддатларига риоя қилишда қийинчиликлар келтириб чиқариши эҳтимоли юқори.

Хорижий мамлакатлар амалиёти кўрсатмоқдаки, фуқароларнинг Конституциявий судга қилган мурожаатларининг аксарият қисми асоссиз ёки қонунда белгиланган тартиб ва мезонларга зид бўлади. Шу боис, кўплаб мурожаатлар дастлабки кўриб чиқиш жараёнида сараланиб, кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

Масалан, ҳар йили Германия Конституциявий судига ўртача 5 минг шикоят келиб тушади [10]. Россияда эса бу кўрсаткич 14-15 мингтани ташкил этади [11]. Аини пайтда мурожаатларнинг аксарияти дастлабки тарзда ўрганиш жараёнида рад этилади. Жумладан, Германия Конституциявий судига фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг ўртача 1,5 фоизи суд мажлисида кўриб чиқилади, холос [10]. Словения Конституциявий судида эса 95,6 фоиз ҳолатда мурожаатчиларга уларнинг шикоятини кўриб чиқиш рад этилган [12].

Асосиз ва қонун талабларига жавоб бермайдиган конституциявий шикоятларни Германия Конституциявий суди ходими Феликс Мерт қуйидагича изоҳлайди: “Конституциявий шикоятларнинг талай қисми иғво хусусиятига эга. Улар кўпинча жаҳл устида, ўринли сабабларсиз ёзилган бўлади, уларда қўпол сўзлар ишлатилади. Аммо бундай шикоятларни ҳам текшириш керак, чунки шундан кейингина улар иғво хусусиятида дейиш мумкин” [13].

“Фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаатлари кўпайиши, – деб таъкидлайди Словения Конституциявий суди судьяси М. Крамберг, – суд фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келиши мумкин. Суд мазкур жараёни чеклаш масаласини ўйлаб кўриши керак: ёки ўз ваколатини чеклаш йўли билан, ёхуд судьялар сонини ошириш билан” [13].

Шубҳасиз, фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи бўйича чекловларнинг йўқлиги муайян мезонлар ва тегишли “фильтр тизими”ни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди [13], деб таъкидлайди Литва Конституциявий суди раиси Эгидиус Курис (2002–2008 й.).

“Россия Федерацияси Конституциявий суди тўғрисида”ги федерал қонунга кўра, фуқароларнинг мурожаатлари дастлаб Конституциявий суд котибиятида кўриб

чиқилади. Корея Республикаси Конституциявий судида суд раиси конституциявий шикоятларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни уч нафар судьядан иборат гуруҳга юклайди. Дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижасида ижобий қарорга келинган бўлса, мазкур шикоят Конституциявий судда тўлиқ таркибда кўриб чиқиш учун киритилади. Германияда конституциявий шикоятларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва уни Конституциявий судда кўриб чиқиш учун киритишни ҳал қилиш мақсадида ҳар бир сенат таркибида палаталар ташкил этилган [14].

МДҲ давлатларида конституциявий шикоят институтини жорий қилиш билан боғлиқ амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, айрим давлатларда, шу жумладан, Украина ва Россияда барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эмас, балки фақат қонунларнинг конституциявийлиги юзасидан шикоят бериш тартиби жорий этилган. Хусусан, “Россия Федерациясининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 96-моддасида Конституциявий судга конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги юзасидан шикоят билан яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат қилиш ҳуқуқи муайян ишда қўлланилган қонун билан ҳуқуқлари бузилган фуқаро ва фуқаролар бирлашмаларига берилган.

Украинада 2016 йили конституциявий шикоят институтини жорий қилиш учун Конституция 1511 ва 1512-моддалар билан тўлдирилди. Украина Конституциясига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, 2017 йил 13 июлда “Украина Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонуннинг 9-моддасига биноан, Конституциявий суд фуқаронинг ўзига нисбатан чиқарилган суд қарорида қўлланилган қонун билан конституциявий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаган конституциявий шикояти бў-

йича қонун ёки унинг бир қисмининг конституциявийлигини аниқлайди.

Юқоридаги ҳолатлардан кўришиб турибдики, фуқароларнинг конституциявий шикоят бериш ҳуқуқи муайян ҳуқуқий талаб ва мезонлар билан чегараланмаслиги Конституциявий судда иш ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши, суд жараёнининг чўзилиб кетишига олиб келиши, пировард натижада ишларни кўриб чиқиш сифатига салбий таъсир этиши мумкин. Бинобарин, конституциявий шикоятларнинг ўз вақтида сифатли кўриб чиқилиши ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида қонунда конституциявий шикоятнинг мақбуллиги мезонларини белгилаб қўйиш лозим.

Конституциявий судга фуқаролар томонидан мурожаат қилишда Конституцияга зид бўлган қонун билан ҳуқуқлари бузилганлиги судда кўриб чиқиб тугалланган бўлиши лозим. Яъни фуқаро Конституциявий судга мурожаат қилишдан олдин ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган барча ҳуқуқий механизмлардан фойдаланган бўлиши керак.

Конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши, ўз навбатида, конституциявий судлов ишларини юритишнинг процессуал қоидаларини такомиллаштириш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишнинг аниқ мезонлари ва тартиб-тамоийлларини белгилаб қўйишни талаб қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда конституциявий судлов ишларини юритиш қоидалари Конституциявий суд қарори билан тасдиқланган регламент билан тартибга солинган. Конституциявий судда ишларни кўриб чиқиш жараёнларини такомиллаштириш конституциявий одил судловнинг очиқлигини таъминлашни тақозо қилади. Конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши муносабати билан конституциявий судлов ишларини юри-

тиш тартиб-таомиллари қонун билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ бўлади [15, 16, 17].

Хулосалар

Ўзбекистонда конституциявий назорат институтининг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил этиш конституциявий назоратнинг такомиллаштирилишига, жамиятни демократлаштириш, конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўтган давр мобайнида конституциявий назоратни амалга ошириш, конституциявий судлов ишларини юритишни такомиллаштириш, конституциявий одил судловни самарадорлигини оширишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган.

Ўзбекистонда конституциявий назорат институти тарихан унча кўп бўлмаган даврни босиб ўтган. Ўтган давр мобайнида Конституциявий суд конституциявий назорат институти сифатида шаклланди, конституциявий тузум асосларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Конституциянинг устуворлиги ва тўғридан тўғри амал қилишини таъминлаш, яъни Конституцияда эълон қилинган ва қафолатланган асосий қадриятларни таъминлашга сафарбар этилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда конституциявий назоратни амалга ошириш борасида муайян муаммолар мавжуд. Конституциявий одил судловни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштиришга муҳтож. Фуқароларнинг конституциявий одил судловга билвосита эга бўлиши етарлича самарали эмас ва уларнинг конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш имконини бермайди. Конституциявий суд судьяларининг судга масала киритиши ва уни кўриб чиқишда иштирок этиши судьянинг беғаразлик принципига зид келади.

Конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари-

ни самарали ҳимоя қилиш, конституциявий назорат институтини кучайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур институтнинг самарали бўлиши учун қонунчиликда конституциявий шикоятнинг мақбуллиги мезонларини белгилаб қўйиш тақозо этилади. Жумладан, муайян ишда қўлланилган қонун билан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилгани ҳолати Конституциявий судга мурожаат қилинганга қадар тегишли судларда кўриб чиқилган бўлиши керак.

Конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши муносабати билан Конституциявий суд таркибини кенгайтириш масаласи кўриб чиқилиши зарур. Конституциявий сув девони тузилмаларига фуқаролар мурожаатларини дастлабки тарзда ўрганиш ва уларни қонун талабларига мослиги нуқтаи назардан таҳлил қилиш ваколати берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Конституциявий шикоят институти фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдагина эмас, балки қонунлар сифати ва самарадорлигини ошириш, конституциявийлигини таъминлаш ва пировардида давлат ва жамият ҳаётини демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Конституциявий назорат соҳасидаги таҳлиллар натижасида аниқланган муаммолар, конституциявий назоратни такомиллаштиришнинг концептуал масалалари юзасидан илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг илмий ечимларини топиш зарур. Жумладан, Конституциявий суд қарорларининг юридик табиати, конституциявий назорат органининг бошқа давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилиши долзарб аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Arutyunyan G. Konstitutsionniy kontrol: xarakter funktsionirovaniya i razvitiya sistemi [Constitutional control: the nature of the functioning and development of the system]. Monograph., Moscow, 1997.
2. Ermoshina D.G. Stanovlenie instituta konstitutsionnogo kontrolya v stranax na postsovetском prostranstve. Gosudarstvo i pravo [Formation of the institution of constitutional control in the countries of the post-Soviet space. State and law]. Vestnik Nijegorodskogo gosudarstvennogo universiteta im. N.I. Lobachevskogo – Bulletin of the Nizhny Novgorod State University N.I. Lobachevsky, 2013, no. 3 (2). pp. 58-61.
3. Eshanov B.O. Nezavisimost i deystvennost resheniy Konstitutsionnogo suda Respubliki Uzbekistan [Independence and effectiveness of decisions of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan].
4. Saidov A.X. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi tarixi [History of the Constitution of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent, TASVIR Publ., 2018, 143 p.
5. "O'zbekiston Respublikasida konstitutsiyaviy nazorat to'g'risida"gi qonun loyihasiga oid materiallar. O'zbekiston Milliy arxivi fondi. 1-tom, R-2454. Ro'yxat 6. Yig'ma jild [Materials on the draft law «On constitutional control in the Republic of Uzbekistan». Fund of the National Archive of Uzbekistan]. Vol. 1, R-2454, list 6, Collection Volume, 7379, 95 p.
6. Postanovlenie Verxovnogo Soveta SSSR «Ob izbranii chlenov Komiteta konstitutsionnogo nadzora SSSR» ot 26 aprelya 1990 goda [Resolution of the Supreme Soviet of the USSR on April 26, 1990 «On the election of members of the USSR Constitutional Supervision Committee»].

7. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining 1995 yil 22 dekabrda "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudini saylash to'g'risida"gi qarori [Resolution of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated December 22, 1995 «On election of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan»]. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining Axborotnomasi – Bulletin of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan, 1998, no. 1, 18 p.

8. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining 1998 yil 1 mayda "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudi tarkibiga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori [Resolution of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan of May 1, 1998 «On amendments to the composition of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan»]. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining Axborotnomasi – Bulletin of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan, 1998, no. 1, 18 p.

9. Brejnev O.V. Razvitie instituta konstitutsionnogo pravosudiya v Respublike Uzbekistan: problemi teorii i praktiki [Development of the Institute of Constitutional Law in the Republic of Uzbekistan: problems of theory and practice]. Vestnik tomskogo gosudarstvennogo universiteta – Bulletin of Tomsk State University, 2020, no. 451, 186 p.

10. Germaniya Federal Konstitutsiyaviy sudining rasmiy veb-sayti [Official website of the Federal Constitutional Court of Germany].

11. Rossiya Federatsiyasi Konstitutsiyaviy sudining rasmiy veb-sayti [Official website of the Constitutional Court of the Russian Federation].

12. Kramberg M. Konstitutsionnaya jaloba v yurisprudentsii Konstitutsionnogo Suda Respubliki Sloveniya [Constitutional complaint in the jurisprudence of the Constitutional Court of the Republic of Slovenia]. Konstitutsionnoe pravosudie. Vestnik Konferentsii organov konstitutsionnogo kontrolya stran molodoy demokratiy – Constitutional justice. Bulletin of the Conference of Constitutional Control Organs of the Countries of Young Democracy, Yerevan, 2005, issue 2 (28), 154 p.

13. Mert F. Konstitutsiyaviy shikoyatni ko'rib chiqishga qabul qilish tartibotining sud amaliyoti [Judicial practice of the procedure for admission of constitutional complaints for consideration]. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining Axborotnomasi – Bulletin of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, 1999, issue 3, 34 p.

14. Kuris E. Sub'ekti s pravom obrasheniya v Konstitutsionniy sud [Subjects with the right to appeal to the Constitutional Court]. Konstitutsionnoe pravosudie. Vestnik Konferentsii organov konstitutsionnogo kontrolya stran molodoy demokratiy – Constitutional justice. Bulletin of the Conference of Constitutional Control Organs of the Countries of Young Democracy, Yerevan, 2005, issue 2 (28), 89 p.

15. Konstitutsionniy kontrol v zarubejnix stranax: kollektivnaya monografiya. Pod red.: E.A. Pavlova, E.A. Kremyanskoy [Constitutional control in foreign countries: a collective monograph. Edited by E.A. Pavlov, E.A. Kremyanskaya]. Moscow, MGIMO-University, 2015, 88 p.

16. Mirboboev B.Sh. Konstitutsiyaviy ishlarni yuritish: muammolar va islohotlar [Constitutional case: problems and reforms]. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudi Axborotnomasi – Bulletin of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, 2004, no. 9, 34 p.

17. Muxamedjanov A.Z. Sudebno-pravovaya reforma i razvitie konstitutsionnogo pravosudiya v Respublike Uzbekistan [Judicial and legal reform and the development of constitutional law in the Republic of Uzbekistan]. Magazine «State and law», 2018, no. 2, 91 p.

UDC: 347(043.5)(575.1)
ORCID: 0000-0001-9062-2601

ЎЗБЕКИСТОН АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хужаназаров Азизжон Анварович,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси,
e-mail: a.xujanazarov@tsul.uz

Аннотация. Бугунги кунда турли соҳалардаги муаммоларга тезкорлик билан ечим топиш ва шундай ечимлардан бири сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратиш давр талабидир. Норма ижодкорлиги фаолиятининг маҳсули ҳисобланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни яратиш, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчилик ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига мувофиқлиги ҳамда жамоатчилик фикри устувор масалалардан ҳисобланади. Шунингдек, норма ижодкорлиги соҳаси ва мазкур фаолият билан шуғулланувчи органларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан, адлия органларининг бу борадаги фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Норма ижодкорлиги фаолиятининг назарий-методологик таҳлили ва адлия органлари норма ижодкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини ташкил этишининг янги ва замонавий механизмларини жорий этиш, давлат бошқаруви органлари ва идораларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳада бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда адлия органларининг мазкур соҳадаги вазифа ва функцияларини янада такомиллаштириш тақозо этилади. Қайд этилганлардан келиб чиқиб, ушбу мақолада норма ижодкорлиги соҳаси ва Ўзбекистон адлия органларининг норма ижодкорлиги бўйича фаолият йўналишларини янада такомиллаштириш юзасидан муаллифлик таклифлари илгари сурилган.

Калит сўзлар: адлия, давлат, вазирлик, норма, экспертиза, тузилма, функция, ҳуқуқ, қарор.

НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ НОРМОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ЮСТИЦИИ УЗБЕКИСТАНА

Хужаназаров Азизжон Анварович,
самостоятельный соискатель
Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. Сегодняшние условия требуют быстрого реагирования на проблемы в различных сферах и создания нормативно-правовых документов как одного из решений проблем. Одним из приоритетов являются нормативно-правовые документы – продукты нормотвор-

ческой деятельности, и их создание, в свою очередь, соответствует проводимым в стране реформам, состоянию законодательства и правоприменительной практики, а также общественному мнению. Также проводится ряд научных исследований, направленных на дальнейшее совершенствование нормотворческой деятельности государственных органов, в частности развития органов юстиции в этой сфере. Особое внимание уделяется теоретико-методологическому анализу нормотворческой деятельности и изучению организационно-правовых основ нормотворческой деятельности органов юстиции как важному направлению исследований. В то же время необходимо внедрение новых и современных механизмов организации нормотворческой деятельности органов юстиции, координации нормотворческой деятельности органов и ведомств государственного управления, дальнейшего совершенствования задач и функций органов юстиции. Исходя из вышеизложенного, в данной статье выдвигаются авторские предложения по дальнейшему совершенствованию нормотворческой сферы и деятельности органов юстиции Узбекистана по нормотворчеству.

Ключевые слова: юстиция, государство, министерство, норма, экспертиза, структура, функция, право, постановление.

DEVELOPMENT DIRECTIONS OF REGULATORY ACTIVITIES OF THE JUSTICE BODIES OF UZBEKISTAN

Khujanazarov Azizjon Anvarovich,
Independent Researcher of Tashkent State University of Law

Abstract. Today's conditions require a rapid response to problems in various areas and the creation of regulatory documents as one of the solutions to the problems. One of the priorities is the normative legal documents that are the results of normative activity, and their formation, in turn, corresponds to the ongoing reforms in the country, the state of legislation and law enforcement practice, as well as public opinion. Also, a number of scientific studies are being carried out aimed at further improving the norm-making activities of state bodies, in particular, the development of justice bodies in this field. Special attention is paid to the theoretical and methodological analysis of law-making activity and the study of the organizational and legal foundations of the law-making activity of the justice bodies as an important area of research. At the same time, it is necessary to introduce new and modern mechanisms for organizing the law-making activity of the justice bodies, coordinating the law-making activity of the state administration bodies and departments, and further improving the tasks and functions of the justice bodies. Based on the foregoing, this article puts forward the author's proposals for further improving the law-making sphere and the activities of the justice bodies of Uzbekistan on law-making.

Keywords: justice, state, ministry, norm, expertise, structure, function, law, resolution.

Кириш

Мамлакатимизда норма ижодкорлиги фаолиятида адлия органларининг роли ва самарадорлигини янада ошириш, вазифа ва ваколатларини такомиллаштириш, ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, шунингдек, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-

сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш” [1] давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, мазкур вазифаларни ҳал қилиш ушбу соҳадаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мукаммаллаштиришни долзарблаштирмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 19 майдаги фармони билан тасдиқланган 2020-2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепциясида ягона давлат ҳуқуқий сиёсати сифатини такомиллаштириш ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди [2].

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, мамлакатимиз адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини янада ривожлантириш бугунги кундаги устувор масалалардан биридир. Зеро, адлия соҳаси узоқ тарихий тажрибага эга бўлиб, уни ҳар томонлама таҳлил қилиш натижасида бу соҳа ривожланишининг асосий қонуниятлари очиб берилди [3, 4-б.].

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимида таъкидлаганидек: “Адлия вазирлиги қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича мутлақо янги иш услубига ўтиши зарур. Бунда Конституциямиз нормалари ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши лозим” [4].

Юриспруденция йўналишидаги тадқиқот ишлари натижаси юзасидан талаб этиладиган асосий мезонлардан бири тадқиқ этилган ва аниқланган тизимли муаммоларнинг ечимига қаратилган, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқишдир.

Норма ижодкорлиги амалиётдан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, ҳар қандай соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда илғор хорижий тажриба, албатта, инobatга олиниши лозим. Тадқиқот иши натижаси бўйича соҳани такомиллаштиришга қаратилган таклифларнинг аксарияти бугунги кунда амалиётда мавжуд бўлган ва такомиллаштирилиши талаб этиладиган тизимли муаммолардир.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, мазкур илмий мақоланинг мақсади мамлакатимиз адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятига оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда илмий тавсиялар тақдим этишдир.

Материал ва методлар

Мазкур тадқиқотда илмий билишнинг таҳлил, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик, социологик, тизимли-тузилмавий, формал-юрдик ўрганиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ишда қўлланилган усуллар ва методология, тадқиқот доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар аниқ расмий ҳуқуқий манбалардан олингани, илғор хорижий давлатлар тажрибаси ва миллий қонун ҳужжатлари қоидаларининг таҳлили асосида таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, илмий ва амалий натижаларнинг миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот ишида берилган илмий таклиф ва тавсияларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқлигини ўрганиш мақсадида ҳудудий адлия органи (Жиззах вилояти) амалиётчи-мутахассислари ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Ушбу сўровномани ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимиз адлия органлари норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва тадқиқот натижасида тайёрланган таклифларни амалиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилишдан иборат.

Шунингдек, мақолада берилган таклифларнинг аксарияти илғор хорижий давлатлар тажрибасини қиёслаш орқали ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари

Тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатимиз адлия органлари норма ижодкорли-

ги фаолиятини такомиллаштириш бўйича соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинган ҳолда қуйидаги таклифлар берилади:

1. Адлия органлари ўртасида танлов ўтказиш асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш амалиётини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги фармони билан тасдиқланган 2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепциясида ҳудудий адлия органларининг роли ва фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада ошириш белгиланган [5].

Шундан келиб чиқиб, ҳудудий адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг бу борадаги масъул бўлинмалари функцияларининг самарали ишлашини таъминлаш ҳамда адлия органларининг қонунчилик профилидаги иш услубиётини тубдан ўзгартирган ҳолда натижавийлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Адлия вазирлиги тизимида норма ижодкорлиги фаолиятида ҳудудий адлия органлари ходимларининг марказий аппарат ходимлари билан бирдек иштирок этишларини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Рейтинг тизими муайян давр мобайнида ишлаб чиқилиб, шундан сўнг қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонига қараб ҳудудий адлия органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезони сифатида қаралиши лозим.

Ҳудудий адлия органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида адлия органлари ўртасида танлов ўтказиш асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилиши

натижасида қуйидаги натижаларга эришилади:

– ҳудудий тузилмаларда кундалик амалиётда фаолият юритувчи, ўз соҳасидаги тизимли муаммо ва камчилардан республика давлат бошқаруви органларидаги статистик ҳисоботлар ва хат-ҳужжатлар билан шуғулланувчи мутахассислардан кўра кўпроқ бевосита хабардор бўлган мутахассислардан иборат таркибда тузиладиган ишчи гуруҳлар томонидан амалиёт билан уйғун бўлган сифатли ва истиқболли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишига эришилади ҳамда бу билан қонун ҳужжатлари нормаларининг “ўлик” ва “қотиб қолган” қоидаларга айланишининг олди олинади;

– тизимли муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш, маҳаллий муаммоларни республика даражасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилмасдан ҳал этиш мақсадида бутун мамлакат учун намуна бўлувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ишлаб чиқилади;

– мазкур амалиёт жорий этилиши орқали ҳудудий адлия органлари ходимларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги билим ва тажрибалари ошишига, хусусан, ҳудудий адлия қонунчилик мактаби яратилишига эришилади;

– адлия тизимининг асосий устунларидан бири бўлган норма ижодкорлиги фаолияти самарали йўлга қўйилади ва давлат тизимини ислоҳ этишда адлия органларининг роли янада оширилади.

Бизнингча, адлия вазири буйруғи билан тасдиқланадиган Энг яхши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси учун онлайн-танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва ушбу низом танлов ўтказишнинг қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ўз ичига қамраб олиши мақсадга мувофиқ:

– танлов ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда онлайн ўтказилади;
– танлов ташкилотчиси ва танловда иштирок этувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

– танловда иштирок этувчиларга қўйиладиган асосий талаблар;

– танловнинг ўтказилиш муддатлари;

– танловга қўйиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг шаклига қўйиладиган талаблар (лойиҳа мазмуни танлов ташкилотчиси томонидан ишлаб чиқилади);

– танловга қўйилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини баҳолашнинг аниқ мезонлари;

– танлов комиссиясини шакллантириш мезонлари ва комиссия фаолияти (комиссия фаолиятида шаффофлик ва адолатни таъминлаш мақсадида норма ижодкорлиги фаолиятида кўп йиллик тажрибага эга бўлган ва адлия органлари ходими ҳисобланмаган мутахассислар ва илмий соҳа вакиллари комиссия аъзоллигига таклиф этиш);

– иштирокчи томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, муаллифнинг исм-шарифи кўрсатилмасдан, рақамланган ҳолда электрон тарзда комиссияга юборилади;

– комиссия аъзолари танлов дастурида ўзларига очиб берилган шахсий кабинетга рақамланган ҳолда келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини кўриб чиқиб, мезонлар бўйича баҳолайди;

– электрон дастур (ёки веб-саҳифа)да иштирокчилар ва уларнинг тўплаган баллари эълон қилинади;

– танлов иштирокчилари эгаллаган ўринларига қараб Адлия вазирлиги томонидан бир марталик бериладиган пул мукофоти ёки ойлик иш ҳақларига устамалар қўшиш орқали рағбатлантирилади.

2. *“Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш.*

Ҳозирги кунда мамлакатимиз давлат идоралари фаолиятини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ҳуқуқий мақоми мазкур қонунлар доирасида белгилаб қўйилди. Жумладан, 2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида”ги, 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги, 2018 йил 5 апрелдаги “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги, 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, шу кунга қадар адлия органлари фаолиятини тартибга солувчи жами 143 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат (14.10.2020 йил ҳолатига) қабул қилинган бўлса-да, “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилмаган.

Хорижий давлатлар тажрибасига қарасак, Канадада [6] ва МДХ давлатлари ичида биргина Қозоғистонда [7] адлия органлари тўғрисидаги қонун қабул қилинганини кўришимиз мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши натижасида қуйидагиларга эришилади:

– адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилиши орқали ягона ҳуқуқий асос яратилади ва давлат тизимида адлия органларининг ҳуқуқий мақоми оширилишига эришилади;

– адлия тизимига кирувчи барча тузилмаларнинг функционал вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ягона қонун доирасида бирлаштирилади;

– республика, вилоят ва туман (шаҳар) адлия органларининг ҳуқуқий мақоми (функционал вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари) қонун доирасида ўз ифодасини топади;

– амалдаги қонун ҳужжатларида аниқ механизми белгиланмаган адлия орган-

лари томонидан ўтказиладиган текширишлар (масалан: норма ижодкорлиги бўйича) ва давлат идораларининг норма ижодкорлиги борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш масалалари қонун доирасида ўз ечимини топади;

– қонун билан адлия органлари ва ходимлари фаолиятининг кафолатлари, самарадорлиги ва натижавийлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари ва баҳолаш тартиб-таомиллари белгиланади.

Тадқиқот давомида ўтказилган ижтимоий сўровларда *“Юртимизда адлия тизими фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ягона тизимга келтириш ва соҳанинг давлат бошқаруви тизимидаги ҳуқуқий мақомини янада ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилишини маъқуллайсизми?”* деган саволга респондентларнинг 85 фоизи “албатта, маъқуллайман” деб, 15 фоизи “маъқулламайман” деб жавоб қайтарди.

3. *Давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторингини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш.*

Президентнинг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 10-банди 1-кичик бандида Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилотлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг мониторинги ва таҳлилини амалга ошириши белгиланган [8].

Бироқ амалдаги қонунчилик таҳлили адлия органлари томонидан давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторингини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизми мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

2020 йилда давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисида баён этилган ахборотда “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг ижросини мониторинг қилиш жараёнларига етарлича эътибор қаратилмаётганлиги” давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири сифатида кўрсатиб ўтган [9].

Давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шунингдек, сифатли ва мукамал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари яратилишини таъминлаш ва норма ижодкорлиги соҳасига оид қонунчиликка риоя этилаётганини тизимли ўрганиш мақсадида адлия вазири буйруғи билан Давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Мазкур йўриқномага мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторинги Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги қароридан келиб чиққан ҳолда Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилади. Давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторинги жойларга чиққан ҳолда ва чиқмаган тарзда амалга оширилади.

Давлат органлари ва ташкилотларида норма ижодкорлиги ҳолатини баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун адлия органларига тақдим этишнинг қонунчиликда белгиланган тартибига риоя этилишини ўрганиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда давлат орган-

лари ва ташкилотлари юридик хизматларига услубий ёрдам кўрсатиш, давлат органлари ва ташкилотларига ушбу органларнинг норма ижодкорлиги фаолияти устидан мониторинг олиб бориш жараёнида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш ва тақдимномаларнинг белгиланган тартибда ижро этилиши устидан назорат қилиш норма ижодкорлиги фаолияти юзасидан ўтказиладиган мониторингнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Амалиётда ҳудудий адлия органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларида норма ижодкорлиги бўйича ўтказилган мониторинг натижалари юзасидан киритилган тақдимномалар ҳақида эълон қилинган баёнотда “2020 йилнинг 9 ойида адлия органлари киритган тақдимномаларга асосан, ҳокимларнинг норматив тусдаги жами 170 та, жумладан, Қашқадарёда 44 та, Самарқандда 36 та, Сурхондарёда 21 та, Хоразмда 20 та, Бухоро, Жиззах ва Андижонда 8 тадан, Тошкент вилоятида 3 та, Тошкент шаҳрида 2 та, Фарғонада 1 та, Сирдарёда 1 та қарори қонунчиликка зидлиги сабабли бекор қилингани” кўрсатиб ўтилган [10].

Амалдаги қонунчилик ва амалиётда адлия органлари томонидан давлат идора ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти бўйича мониторинг ўтказилишининг аниқ муддатлари белгиланмаган. Ҳудудий адлия органларининг мониторинг бўйича фаолияти таҳлили кўрсатмоқдаки, хусусан, Жиззах вилояти адлия органлари томонидан 2020 йилнинг 9 ойи давомида (январь — сентябрь) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолияти бўйича атиги 10 та ўрганиш ўтказилган [11].

Шу сабабли таклиф этилаётган мазкур йўриқномада давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолияти бўйича мониторингни йилда 2 марта, яъни

ҳар 6 ойда ўтказиш белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Йўриқнома қабул қилиниши натижасида давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида қонунийлик таъминланади, сифатли ва мукамал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари яратилишига эришилади, давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ҳудудий адлия органларидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга киритилгани учун уларнинг маъмурий жавобгарлигини белгилаш.

Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ҳудудий адлия органларидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга киритилаётгани ҳолатлари учраб турибди.

Хусусан, Олий суднинг статистик маълумотларига кўра, 2019 йилда маъмурий судлар томонидан маҳаллий ҳокимликларнинг қарорларини ҳақиқий эмас деб топишга доир жами 2 992 та иш кўрилган. Уларнинг 1 255 таси ёки 42 фоизи қаноатлантирилган. 2020 йилнинг январь-февраль ойларида эса 552 та иш кўрилган ва уларнинг 248 таси ёки 45 фоизи қаноатлантирилган. Рақамлардан кўриниб турибдики, ҳокимлар қарорларининг қонунийлиги етарли даражада таъминланмаяпти. Бунга қарор қабул қилишнинг айрим тартибларига риоя қилмаслик ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, ҳокимларнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари мажбурий тартибда адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши белгиланган бўлса-да, ушбу тартибга риоя қилинмасдан қарорлар қабул қилиш ҳолатлари мавжуд [10].

Амалиётда маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг қарорлари лойиҳалари ҳоқимликларнинг таркибий бўлинма раҳбари ёки мутахассислари томонидан ишлаб чиқилади ва ҳоқим томонидан тасдиқланганидан кейин ижрога қаратилади. Таркибий бўлинмалар раҳбарлари муайян (лавозимидан озод этилган, меҳнат таътили ва бошқа) сабабларга кўра бўлмаганида, уларнинг мутахассислари томонидан қарор лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалга киритилади.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари мансабдор шахслари ёки бошқа мутахассислари (ходимлари) томонидан ҳудудий адлия органларидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга киритилгани учун уларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қуйидаги мазмундаги модда киритиш таклиф этилади:

“198⁴-модда. Маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари мансабдор шахслари ёки бошқа мутахассислари (ходимлари) томонидан қарорлар қабул қилиш тартибини бузиш

Маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари мансабдор шахслари ёки бошқа мутахассислари (ходимлари) томонидан ҳудудий адлия органларидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

Битим тузувчи томонларга тенг қўйилган шартлардан бири шуки, ақли ва балоғат ёшига етган, муомалага лаёқатли шахслар бўлиши керак. Шайх Муҳам-

мад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Усул ул-фиқҳ” асарида исломда битимлар томонларнинг ўзаро розиликлари асосида тузилишини, томонлар ўз розиликлари ва хоҳишларини эркин билдирадиган ҳолатда бўлишлари лозимлиги, шу билан бирга, мажбурлов остида юзага келган битим ноқонуний ҳисобланишини таъкидлаган [17, 275-б.].

Шунинг учун битим тузиш жараёнида *битим тузишга рози қилиш билан боғлиқ айблар* мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ўрганилган. Розилик билан боғлиқ айблар деганда битим тузиш учун зўрлаш, мажбурлаш ҳолатлари, томонлардан бирининг ёлғон ишлатиб, иккинчисини алдаши, шахс ўз ҳаракатларини тушуна олмайдиган вазиятда бўлиши каби ҳолатлар тушунилади.

Мўътабар тўрт мазҳаб мужтаҳид уламолари томонидан мажбурлашнинг, шахс муомала лаёқатига эга эмаслигининг битимларга таъсири ҳақида кўплаб илмлар баён қилинган. Ҳанафий мазҳаби уломаларининг таъкидлашича, савдо, ижара кабилар билан боғлиқ, кейинчалик бузиш, бекор қилиш мумкин бўлган битимларга битим тузишга рози қилиш билан боғлиқ айблар таъсир қилади. Мисол учун, шахс зўрланиб, ўз ҳаракатларини аҳамиятини тушунмай савдо ёки ижара битими тузган бўлса, кейинчалик шу битимни бекор қила олади. Чунки у мазкур битимни зўрланиб ёки ҳаракатларини бошқара олмай тузган эди. Шу боис, ушбу таҳдид кетгач ёки шахс ўзига келгач, ихтиёрли бўлади. Хоҳласа битимни бекор қилади, хоҳласа давом эттиради. Битим тузишга рози қилиш билан боғлиқ айблар таъсир қилади, дегани шудир.

Никоҳ, талоқ каби бузиш имкони йўқ битимларда эса мажбурлаш ва шахс ўз ҳаракатларини тушунмай қолиши битимга таъсир қилмайди. Қолган уч мазҳабда эса мажбурлашнинг барча битимларга таъсири бор. Яъни барча битимларда ихтиёр ва розилик топилмас экан, у инobatга олинмаслиги айтилган [15, 150-б.]. Савдо би-

тимлари, ижара битимлари билан никоҳ ва талоқ битимларининг фарқи шундаки, савдо, ижара каби битимларда битим объекти ашёлар бўлади. Бундай битимларни бузиш инсон қисмати, унинг шахси ва ҳаётига бевосита таъсир қилмайди. Шу боис, савдо ва ижара битимларини тузгандан сўнг дарҳол уни бекор қилиш, бузиш имкони мавжуд бўлиб, бошқа нарсага боғлиқ бўлмайди. Никоҳ ва талоқ битимларида эса битим объекти қандайдир ашёлар эмас, инсон ва унинг қисмати бўлади. Мисол учун, томонлар ўзаро рози бўлиб, никоҳ битими тузилгач, улар эр-хотинга айланади. Бир-бирига ҳалол бўлади. Энди ушбу никоҳни бузиш имкони йўқ. Чунки унга талоқ керак. Талоқни ҳам бузиш, уни тўхтатиш имкони йўқ. Чунки муомалага лаёқатли мусулмон одам хотини томон талоқ лафзини оғзидан чиқарса, шу онда воқе бўлади. Энди уни бекор қилишнинг имкони йўқ. Чунки бунга янгидан қайтиш ёки янги никоҳ керак.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи вассалам: “Барча талоқ жоиздир, фақат эси йўқнинг – ақлини йиғиштира олмайдиганнинг талоғи мустасно”, дедилар”. Термизий ва Бухорий ривоят қилишган. Туғма ҳолда эсипаст бўлиб, нима қилганини ажрата олмайдиган кишининг талоғи тушмаслиги ушбу ҳадисдан олинган. Аммо бир одамнинг эси ўз ихтиёри билан ила қилган тасарруфи туфайли кетган бўлса, мисол учун, маст қилувчи ичимликлар ичгани учун эсини йўқотган бўлса, талоғи тушади. Уламолар: “Даво учун истеъмол қилинган нарсадан маст бўлиб, қилган ишини, айтган гапини эслай олмайдиган даражага бориб қолган одамнинг оғзидан талоқ чиқса талоғи тушмайди”, деганлар. Қолган ҳолларда эса тушади. Аммо баъзи уламолар, жумладан, ҳанафий фуқаҳолардан имом Зуфар, имом Тоҳовий ва имом Кархий: “Айтган гапини эслай олмайдиган даражадаги мастнинг талоғи тушмайди.

Чунки бундай одам жиннининг ўзидир. Маст бўлгани учун эса шариятда алоҳида жазо белгиланган. Қозининг ҳукми ила кўпчилик ичида унга дарра урилади”, дейишган. Шунингдек, қаттиқ ғазаб туфайли ақли бошидан учган кишининг талоғи тушмайди. Бу ғайриихтиёрий бир ҳолат бўлиб, фуқаҳоларимиз: “Осмон билан ернинг фарқига бормайдиган даражада аччиғи чиққан одамнинг талоғи тушмайди”, деганлар [18, 436-б.].

Ижара битими икки томоннинг розилиги ва ижара қилинган нарса низони ман қиладиган даражада маълум бўлиши шартлиги асосида тузилади [19, 187-б.]. Ботил савдо сиртдан савдога ўхшаб кўринса ҳам савдо бўла олмайди ва асло мулкни ифода қила олмайди. Мисол учун, вояга етмаган ёш бола ёки жинни одамнинг савдоси ёки мол ҳисобланмайдиган ўлимтикнинг гўшти ва ароққа ўхшаш нарсалар савдоси ботил савдо бўлади [19, 92-б.].

Ислом ҳуқуқига кўра, шахс балоғат ёшига етгандан сўнг муомала лаёқатга эга деб топилади. Рим ва англосаксон ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, исломда эркаклар 15 ёш, аёллар 9–10 ёшда (баъзи иссиқ ўлкаларда ушбу ёшда қизлар балоғатга етади) муомала лаёқатига эга ҳисобланади. Аббосийлар халифалиги давридан қуллар ҳуқуқ субъектлари ҳисоблана бошланди. Қуллар хожасининг рухсати билан турли битимларни туза олганлар, ўзларига бўлажак қаллиқ танлай олиш, бундан ташқари, мерос қолдириш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар [20].

Ислом ҳуқуқига шахс ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда битим тузган бўлса, ушбу битимни бекор қилиш учун ҳақиқатда ҳам ушбу ҳолатга гувоҳ бўлган шахсларни қозига тақдим этиши лозим бўлган [21, 253-б.]. Бунда қози қарорини на ички ишончи, на шахсан ўзигагина маълум бўлган маълумотлар билан (гувоҳларни рад этиш масаласидан ташқари) асосламоғи лозим бўлган. Да-

лилларнинг устун турувчилари, атрофлича тартибга солинганлари гувоҳлик кўрсатмалари ҳисобланган, ёзма кўрсатмалар иккинчи даражали бўлган [22].

Ислом ҳуқуқига қози хузурига келган ёки келтирилган томонлардан бири ўз сўзига тўртта гувоҳ келтириши талаб қилинса, иккинчи томоннинг эса ҳеч гувоҳи бўлмаган ҳолда ҳам адолат юзасидан қасам ичиб айтган сўзлари эътиборга олинади. Суд фаолиятида исботнинг учта тури мавжуд бўлган бўлиб, улар иқрор, гувоҳлик ва қасамдан иборат эди [23].

Вояга етмаганлар ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг васиятлари, агар у санъат билан мос келмаса, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар бу улар томонидан болалик даврида ва қобилиятсизлик даврида қилинган бўлса, унда балоғат ёшига ва муомала лаёқатига этишгач, ўзларининг хоҳиш-иродаларини тасдиқлашлари керак, акс ҳолда уларнинг иродалари аҳамиятсиз бўлади [24].

Хулосалар

Рим ҳуқуқи ва ислом ҳуқуқига битимлар ва уларни ҳақиқий эмас деб топиш масалаларини тақоссаш ёрдамида ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, Рим ҳуқуқига ҳам, ислом ҳуқуқига ҳам шахс битим тузиши учун ўз хоҳиш-иродасини ифода эта оладиган ва муомала лаёқатига эга бўлиши лозим.

Иккинчидан, Рим ҳуқуқига битимлар ҳақиқийлигига кўра 2 турга - ҳақиқий ва ҳақиқий бўлмаган битимларга бўлинган. Ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ўзи ҳам мавжуд бўлмаган, мутлақ ҳақиқий эмас ва қисман ҳақиқий бўлмаган битимларга бўлинган. Ислом ҳуқуқига битимлар саҳиҳ ва носаҳиҳ битимларга (ҳақиқий ёки ҳақиқий бўлмаган) ажратилган. Лекин носаҳиҳ битимлар борасида ҳар бир мазҳаб уламолари турлича фикр билдирганлар. Ислом динининг ҳанафий мазҳаби олимлари носаҳиҳ битимларни ботил ва фосид битимлар ташкил этади, деб ҳисоблаган

бўлсалар, қолган уч мазҳаб – шофеъий, моликий ва ҳанбалий мазҳаблар уламолари томонидан ботил ва фосид битимлар бир маънони англатиши айтиб ўтилган.

Учинчидан, ҳар икки ҳуқуқ тизимида ҳам ашёлар билан боғлиқ бўлган икки томонлама битимлар муомала лаёқатидаги нуқсонлар оқибатида тузилган бўлса, кейинчалик бекор қилиниши мумкин бўлган. Лекин ислом ҳуқуқида бир томонлама битим ҳисобланган назр қилиш, талоқ бериш ва қасам ичиш кабилар муомала лаёқатидаги нуқсон оқибатида амалга оширилган бўлса-да, бекор қилинмаган.

Тўртинчидан, Рим ҳуқуқида ҳатто бот (ревматизм) касаллиги билан оғриган шахсларда муомала лаёқати чекланган бўлса, ислом ҳуқуқида бундай қоида мавжуд бўлмаган.

Рим ҳуқуқи ва ислом ҳуқуқини таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси такомиллаштирилиши учун қуйидаги таклифларни берамиз:

1. ФКнинг 121-моддаси (ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги) 3-қисми қуйидаги жумлалар билан тўлдирилиши лозим:

Кейинчалик муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимни, агар битимни тузиш пайтида фуқаро ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаганлиги ёки уларни бошқара олмаганлиги исботланган бўлса, унинг ҳомийси қилган даъвога мувофиқ суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Чунки ушбу моддада кейинчалик муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари инобатга олингани ҳолда кейинчалик муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга эътибор қаратилмаган. Ушбу таклиф моддада мавжуд бўшлиқни тўлдириш учун берилмоқда.

2. ФК 134-1-модда билан тўлдирилиши ва қуйидагича талқин этилиши ло-

зим: *Хоҳиш-ирода, билим, билиш мажбуриятидаги нуқсонлар*

Агар хоҳиш-ирода ифодаланишининг ҳуқуқий оқибатларига муайян вазиятларда хоҳиш-ирода, билим, билиш мажбуриятидаги нуқсонлар таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, ваколат берувчининг эмас, вакилнинг шахси ҳисобга олинади.

Агар ишончнома бўйича ваколат берилган вакил ишончнома берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракат қилган бўлса, ишонч билдирувчи вакилнинг ишонч билдирувчига маълум бўлган ҳолатларни билмаслигига ҳавола қилишга ҳақли эмас.

Сабаби, ишончнома асосида ҳаракат қилаётган вакил ҳар доим ҳам кутилган ва умид қилинган натижани юзага келтирмадлиги мумкин. Бундай ҳолларда эътирозлар билдирилганда ва муайян соҳада етарлича ҳаракат қилмаганлиги, тегишли билим ва малакага эга эмаслиги борасидаги талаблар билдирилганда вакилнинг шахси ҳисобга олиниши лозим. Чунки бу вазиятда вакил ҳаракат қилган ҳисобланади. Бироқ бу ҳолат ишончнома берувчи вакилга нисбатан ўз билган нарсаларни билмаслик бўйича эътироз билдиришга ҳақли эмас. Бундай қоидалар Германия ва Туркманистон қонунчилигида белгиланган.

3. ФК 124-1-модда билан тўлдирилиши ва қуйидагича талқин этилиши лозим: *Битимни услоҳ қилиш*

Агар ҳақиқий бўлмаган битим бошқа битим учун назарда тутилган талабларга мос келса ва битимнинг ҳақиқий эмаслигини билган тарафлар унинг ҳақиқий бўлишини хоҳласа, бундай битимга нисбатан бошқа битим талаблари қўлланилади.

Грузия ФКнинг 60-моддаси, Туркманистон ФКнинг 85-моддасида битимни конверсиялаш, яъни ҳақиқий бўлмаган битим моҳиятан бошқа тизим талабларига мос келганда, уни тарафларнинг хоҳиши билан шу битим талабларида ҳақиқий деб топишга оид қоида белгиланган. Мазкур қоидани ФКга киритиш фойдадан холи бўлмайди.

REFERENCES

1. Dojdev D.V. Rimskoe chastnoe pravo [Roman private law]. Moskow, INFRA M – NORMA Publ., 1997, 704 p.
2. Metus in the Roman law of obligations. Available at: https://www.researchgate.net/publication/29807014_Metus_in_the_Roman_law_of_obligations/ (accessed: 01.02.2021).
3. Kodeks Napoleona. Istoriko-pravavoy aspekt [Code Napoleon. Historical and legal aspect]. V.A. Bogonenko. Minsk, A.N. Varaksin Publ., 2014, 244 p.
4. Xrestomatiya po istorii Drevnego mira [Reader on the history of the Ancient world]. Vol. III, Rim. Acad. V. V. Struve Ed., Moscow, 1953, 420 p.
5. Pamyatniki rimskogo prava: Zakoni XII tablis. Institusii Gaya. Digesti Yustiniana [Monuments of Roman law: Laws of the XII tables. Guy's Institutions. Digests of Justinian]. Moscow, Zertsalo Publ., 1997, 608 p.
6. Rimskoe pravo : kratkiy kurs leksiy [Roman law: short course lectures]. O.M. Pashayeva. Series: I want to pass everything! 2nd ed., Moscow, Publishing House Yurait, 2013, 157 p.
7. Yusovalieva R. Rim huquqi [Roman law. Textbook]. Tashkent, UWED, 2008, 300 p.
8. Omelchenko O.A. Rimskoe pravo [Roman law. Caperites]. Moscow, TON - ostepzhe Publ., 2000, 208 p.
9. The Theory and Institutes of Roman Law from a Historical Aspect. 2018, p. 18.
10. Shomuhamedova Z.Sh. Rim xususiy huquqi [Roman private law. Textbook]. The completed reinstall. Tashkent, TSUI Publishing House, 2010, 140 p.
11. Ioffe O.S., Musin V.A. Osnovi rimskogo grajdanskogo prava [Basics of Roman Civil Law]. Leningrad, Leningrad university Publ., 1975, 156 p.
12. Forgotten Books is a London-based book publisher. Available at: www.forgottenbooks.com/.
13. Rim huquqi [Roman law]. A textbook for higher education institutions of the Ministry of Internal Affairs. S. Iskhakov, V. Topildiev, A. Rakhmanov. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2012, 224 p.
14. "Lison ul-arab", "al-Qomus al-muhit" va "al-Mu'jam al-vasit" [Lison ul-arab, al-Qomus al-environment and al-Mu'jam al-wast] dictionary books.
15. Doktor Aliy Muhiyuddin al-Qoradog'iy. Islomda mol-mulk va bitimlar haqida saboqlar [Lessons on property and transactions in Islam]. Translated by N. Pozilov. Tashkent, Gafur Gulom Publishing House, 2017, 204 p.
16. Dinshunoslik. Islom huquqi [Theology. Islamic Law]. Textbook. A. R. Rakhmanov, A.V. Narbekov, Editor-in-Chief: Yu.f.d. N. P. Azizov. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2019, 284 p.
17. Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. Usul ul-Fiqh. Tashkent, Nilol-Nashr Publishing House, 2019, 592 p.
18. Kifoya [Enough]. 2-juz / Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. tashkent, Sharq, 2011, 536 p.
19. Kifoya [Enough]. 3-juz / Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. Tashkent, Sharq, 2011, 600 p.
20. Marg'inoniy B. "Al-Hidoya fil-furu", 2-juz.
21. Islamskoe pravo [Islamic law]. Tashkent, TSUL Publ, 2003, 510 p.
22. Locating the shari'a : legal fluidity in theory, history and practice. Edited by Sohaira Z.M. Siddiqui
23. Ijma' Mairaj Syed The Oxford Handbook of Islamic Law Edited by Anver M. Emon and Rume Ahmed Subject: Law, Jurisprudence and Philosophy of Law Online Publication Date: Dec 2017. DOI: 10.1093/oxfordhb/9780199679010.013.33/.
24. The Essence of Islamic Law by Robert D. Crane, Esq. Former legal counsel to the American Muslim Council (AMC). This essay was first published in the AMC's 1995-96 Muslim Legal directory. The Journal gratefully acknowledges the permission of AMC to republish this work.

UDC: 347.961(042)(575.1)
ORCID: 0000-0003-2019-8897

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ИНСТИТУТА НОТАРИАТА СТРАН РОМАНО-ГЕРМАНСКОЙ И АНГЛОСАКСОНСКОЙ ПРАВОВЫХ СЕМЕЙ

Каримова Мадина Мирзаджоновна,
методист Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. Статья посвящена сравнительному правовому анализу института нотариата некоторых развитых стран романо-германской (континентальной) и англосаксонской правовых семей, включая Республику Узбекистан. Автор провел параллель с правовыми явлениями и существенными различиями института нотариата таких стран, как Республика Узбекистан, США, Великобритания, Ирландия, Германия, Франция, Бельгия. В статье анализируется современное положение нотариата в указанных выше странах с уклоном на различия и схожесть в правоприменительной практике. Автором были применены как эмпирические (сравнение), так и теоретические (анализ) методы исследования с целью максимального изучения аспектов и феноменов института нотариата. В ходе исследования был выявлен ряд недостатков и специфических особенностей системы нотариата каждой из исследуемых государств. Рассмотренный анализ и исследование могут быть применены для усовершенствования института нотариата, имплементации положительной правоприменительной практики и устранения недостатков, которые могут препятствовать развитию данного феномена как независимого органа в правовой сфере деятельности.

Ключевые слова: институт нотариата, система нотариата, публичный нотариат, романо-германская правовая семья, англосаксонская правовая семья.

РОМАНО-ГЕРМАН ВА АНГЛОСАКСОН ҲУҚУҚ ОИЛАЛАРИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА НОТАРИАТ ИНСТИТУТИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Каримова Мадина Мирзаджановна,
Тошкент давлат юридик университети
услугачиси

Аннотация. Мақола бир қанча ривожланган роман-герман (континентал) ва англосаксон ҳуқуқ оилалари давлатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси нотариат институтининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлиliga бағишланган. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси, АҚШ, Буюк Британия, Ирландия, Германия, Франция, Бельгия каби мамлакатлар нотариат институтининг ҳуқуқий кўринишлари ва мавжуд фарқларини параллел равишда ўрганган. Мақолада юқорида келтирилган давлатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Тадқиқот давомида ҳар бир таҳлил қилинган давлат нотариат тизимининг бир қанча ўзига хосликлари ва камчиликлари аниқланган. Ўтказилган таҳлил ва тадқиқотларни нотариат институтини такомиллаштириш, ижобий ҳуқуқни қўллаш амалиётини имплементация қилиш ва ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мустақил орган сифатида

мазкур феномен ривожига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган камчиликларни бартараф этишда қўллаш мумкин.

Калит сўзлар: нотариат институти, нотариат тизими, оммавий нотариат, романо-герман ҳуқуқ оиласи, англосаксон ҳуқуқ оиласи.

A COMPARATIVE ANALYSIS OF THE NOTARY INSTITUTION OF THE ROMANO-GERMANIC AND ANGLO-SAXON LEGAL FAMILIES

Karimova Madina Mirzajonovna,
Methodist of Tashkent State University of Law

Abstract. *The public notary is, in principle, a public institution that certifies transactions and gives legal effect to various documents. However, is the institution of the public notary treated equally in different states? The article is devoted to a comparative legal analysis of the institution of notaries of some developed countries of the Romano-Germanic (continental) and Anglo-Saxon legal families, including the Republic of Uzbekistan. The author drew a parallel with the legal phenomena and significant differences of the institute of notaries of such countries as the Republic of Uzbekistan, the United States, Great Britain, Ireland, Germany, France, and Belgium. The article analyzes the current situation of the notary in the above-mentioned countries, focusing on differences and similarities in law enforcement practice. The author applied both empirical (comparison) and theoretical (analysis) research methods in order to maximize the study of aspects and phenomena of the institution of notaries. In the course of the study, a number of drawbacks and specific features of the notarial system of each states were identified. The considered analysis and research could be applied to improve the institution of notaries, the implementation of law enforcement practices and the elimination of deficiencies that may hinder the development of this phenomenon as an independent body in the legal sphere of activity.*

Keywords: *notary institution, notary system, public notary, Romano-Germanic legal family, Anglo-Saxon legal family.*

Введение

Весь гражданский оборот, возникающий в процессе правоотношений и предпринимательской деятельности, не может на сегодняшний день существовать без нотариальных действий. Профессия нотариуса восходит к римским временам. Запись решений судей, официальных деловых и коммерческих сделок способствовала появлению класса юридических книжников, иногда называемых нотариусами. Со временем нотариусы познакомились с юридическим процессом и занялись составлением самих юридических документов, а также процессом записи решений и соглашений, доказывания юридических документов.

Институт нотариата является своеобразным «Хароном», а именно тем са-

мым проводником признания юридических документов и действий между участниками гражданского оборота. Однако принимая во внимание тот факт, что нотариусы в настоящее время не входят в систему органов исполнительной власти и не являются должностными лицами или государственными, муниципальными служащими, возникает острая необходимость во внесении изменений в их статус и положение в рамках правовой деятельности.

Исторически сложилось так, что организация и структура нотариата в различных государствах зависит от их правовой системы или правовой семьи [1, с. 87]. Следует отметить, что только в странах романо-германской системы нотариат

как орган является самостоятельным, независимым и беспристрастным. Однако, как отмечается в зарубежной литературе, подобное не прослеживается в англосаксонских правовых семьях. В связи с этим целью нашего исследования является проведение параллели между феноменом, различиями и возможным заимствования достижений иностранного нотариата, если это практически будет соответствовать принципам и задачам законности и справедливости осуществления деятельности.

Методы и материалы

В рамках данного исследования были применены такие методы, как исторический, систематично-структурированный, сравнительно-правовой, логический, а также комплексный анализ научных ресурсов.

Результаты исследования

Прежде всего необходимо начать с изучения практики становления системы нотариата стран общего (англосаксонского) права. В целом следует отметить, что нотариус в странах общего права не имеет такой большой роли и ценности, как это прослеживается в континентальных правовых семьях. Отмечая данный факт, мы можем определить, что это связано прежде всего с тем, что суды или другие правовые инстанции уделяют меньшее внимание юридическим документам, а больше склоняются к «живым» доказательствам. Например, если суд будет иметь нотариально заверенный акт против слова свидетеля, то последнее будет играть более весомую роль на чаше весов правосудия. Кроме того, нотариус в юрисдикциях общего права является профессиональным юристом, а именно осуществляет адвокатскую деятельность. В Великобритании кандидат в нотариусы, претендующий на должность генерального нотариуса, должен быть адвокатом (профессиональным юристом) старших судов Англии и Уэльса, адвокатом или иметь

юридическое образование. Будущий нотариус должен следовать и получить удовлетворительные стандарты в ходе обучения по одиннадцати «основным» юридическим предметам, таким как имущественное право, договорное право, право Европейского союза, завещания о завещании, администрация, римское право, международное частное право и нотариальная практика [2, с. 44-48]. С практической точки зрения, кандидат нотариуса, который является либо юрисконсультантом, либо барристером, либо имеет диплом юриста и удовлетворительно изучил все соответствующие «основные» юридические предметы, проводит два года заочного обучения в Университетском колледже Лондона на курсе нотариальной практики. Приступая к профессии нотариуса в Англии, человек должен сначала получить квалификацию нотариуса общего профиля. Более того, существуют дополнительные образовательные требования, предъявляемые Обществом нотариусов [3, с. 7]. В Ирландии кандидат в нотариусы должен быть адвокатом (профессиональным юристом) высших судов или адвокатом, имеющим не менее чем пятилетний опыт последипломной работы в общей юридической практике, прошедшим аспирантуру по курсу нотариата и сдавшим аспирантский экзамен на факультете нотариата в Ирландии/Институте нотариальных исследований.

Что касается их непосредственной практической деятельности, нотариусом в странах общего права (Великобритания, Австралия) считается должным образом назначенное государственное должностное лицо, на которого, помимо прочего, возложена обязанность привлекать, заверять или сертифицировать (обычно под своей официальной печатью, с возможностью использования в других странах):

– акты и другие документы, в том числе перевозка недвижимого и личного имущества;

– доверенности на недвижимое и личное имущество внутри страны или в других странах.

Кроме того, нотариус может быть уполномочен:

– нотариовать или удостоверить сделки, связанные с оборотными средствами;

– составлять завещания или другие завещательные документы;

– составлять протесты или другие официальные документы, связанные со случаями, касающимися плавания судов и их навигации, а также перевозкой грузов на кораблях [4, с. 57].

Одной из функций профессионального нотариуса по общему праву является известная функция проверки, удостоверения подлинности и подтверждения исполнения актов или других документов, включая доверенности. Общепринято, что профессиональные нотариусы в гражданской сфере пользуются правом администрирования принесения присяги и принятия деклараций для использования в судебных разбирательствах внутри страны и за ее пределами.

Для правовой системы США свойственен традиционный и органичный институт, который называется «публичным нотариусом». Немаловажно, что статус публичного нотариуса в США не схож со статусом латинского нотариуса и категорически отличается от статуса того же института нотариата, присущего Великобритании. Чтобы вести нотариальную деятельность в США, необязательно иметь не только юридическое, но и вообще высшее образование. Необходимо быть гражданином США или иметь вид на жительство и подать запрос государственному секретарю на выдачу соответствующей лицензии [5, с. 225]. В этом случае даже не нужно проходить специальную подготовку. Десять штатов попросят сдать несложный лицензионный экзамен, а в остальных сорока штатах вам не нужно будет сдавать экзамен [6, с. 146].

В результате число нотариусов в Соединенных Штатах в настоящее время достигает почти миллиона человек [7, с. 178].

В противовес существующим устоям практики общего права следует отметить, что нотариусом также является профессиональный юрист и государственный служащий, назначаемый государством для удостоверения подлинности юридических актов и договоров, составляемых нотариусом, и консультирования лиц, обращающихся к нему за услугами. Здесь уместно сослаться на нотариуса по гражданскому праву и его функции в трех системах гражданского права – Франции, Германии и Бельгии.

Главной особенностью работы нотариуса во Франции является аутентификация документов и контрактов, представленных сторонами нотариусу [8, с. 108]. Юридическое посредничество нотариуса придает доказательственную ценность и осуществимость договору или контракту [9, с. 119]. Подлинный документ, составленный нотариусом во Франции, имеет доказательственную ценность, хотя на деле это и опровергается с помощью специальных процедур, одной из которых является исключительная компетенция трибунала высшей инстанции. Нотариальный документ во Франции не требует судебного вмешательства для целей его исполнения. Нотариусы во Франции являются государственными служащими, хотя и практикуют как независимые специалисты [10, с. 41-48]. Иногда их функции описываются как подпадающие под определение «превентивной юрисдикции».

В Германии нотариус является независимым публичным должностным лицом, основной функцией которого является удостоверение подлинности документов [11, с. 378-396]. Как и во Франции, нотариально подтвержденный договор после его исполнения имеет исковую силу и особую дока-

зательную ценность. Нотариус действует в соответствии с инструкциями сторон и обеспечивает сторонам полную правоспособность действовать в конкретной сделке. Немецкий нотариус также консультирует стороны об их правах и обязанностях в отношении рассматриваемого договора.

В Бельгии главной задачей нотариуса (в целом) является установление подлинности документов. Услуги нотариуса в Бельгии могут быть как обязательными, так и необязательными, в зависимости от характера документа. Нотариус подтверждает, что все условия, требуемые законом в отношении соответствующего договора, соблюдены, и стороны обладают правосубъектностью и правоспособностью заключать юридические сделки. Согласно бельгийскому законодательству, нотариальный акт подлежит исполнению на всей территории Бельгии.

Таким образом, важно подчеркнуть, что в данный момент очень четко очерчивается тенденция смещения нотариатов различных моделей и правовых систем, в связи с чем возникают формы нотариата, вбирающие в себя различные элементы и признаки.

Повышение роли нотариата также является общемировой тенденцией и играет

важную роль в гражданском обороте, особенно за счет повышения количества сделок, требующих государственной регистрации, предоставления нотариусам возможности действовать за пределами традиционной сферы полномочий (например, возможности осуществлять медиативную деятельность) [12, с. 89].

Выводы

Как мы можем заключить, природа системы нотариата в разных правовых семьях различается в зависимости от отношения к нотариату как государства, так и обращающихся физических и юридических лиц. Мы считаем, что в данном вопросе следует упростить процедуру становления нотариусом и дать возможность широкому кругу лиц совершать нотариальные действия с четким соответствием законодательству. Однако следует не забывать, что, как и в других странах континентального права, в отличие от общего права, в судебных вопросах большая доля приходится на нотариально заверенные акты. Именно поэтому данная имплементация и переход к публичному нотариату, как, например, в США, должны быть постепенными с разработкой определенных механизмов и процессов.

REFERENCES

1. Ral'ko V.V., Repin N.V., Dudarev A.V., Fomin V.A. Notariat. Uchebnik [Notariat: textbook]. Moscow, Yustitsiya, 2016.
2. Get'man-Pavlova I.V. Mezhdunarodnoye chastnoye pravo. Uchebnik dlya magistrrov [International private law]. Moscow, 2013.
3. Begichev A.V. Notariat. Uchebnik dlya bakalavrov. Moscow, Prospekt, 2018.
4. Medvedev I.G. Mezhdunarodnoye chastnoye pravo i notarial'naya deyatel'nost'. 2-ye izd. [Private International Law and Notarial Activities, 2ed.]. Volters Kluver, 2005.
5. Gongalo B.M., Zaytseva T.I., Krashennikov P.V., Yushkova Ye.YU., Yarkov V.V. Nastol'naya kniga notariusa. 2-e izdaniye, ispravlennoye i dopolnennoye [Notary public's handbook, 2 ed.]. Vol. 1, Volters Kluver, 2004.
6. Kasatkina A.S. Status notariusa v mezhdunarodnom chastnom prave [Status of notaries in private international law]. International law and international organizations – Mezhdunarodnoye pravo i mezhdunarodnyye organizatsii, 2014, no. 3.

7. Goncharov A.I., Shcherbinin A.A. Finansovoye obespecheniye notariata za rubezhom [Financial support for notaries abroad]. Finance and credit – Finansy i kredit, 2009, no. 24 (360).

8. Mizintsev Ye.N. Latinskiy notariat v SSHA [Latin notary in USA]. Notarius, 2012, no. 2.

9. Terekhov Ye.V. Istoriya razvitiya i stanovleniya notariata [History of the development and formation of the notary public]. Topical problems of politics and law. Interuniversity collection of scientific articles – Aktual'nyye problemy politiki i prava. Mezhvuzovskiy sbornik nauchnykh statey. Penza, Inform.-izd. tsentr PGU, 2005, vol. 8.

10. Zaytseva T.I. Nekotoryye organizatsionno-pravovyye voprosy deyatelnosti notariusov i notarial'nykh palat [Certain organisational and legal issues for notaries and chambers of notaries]. Notarial'nyy vestnik – Notarial messenger, Moscow, 2008, no. 10, pp. 41-48.

11. Ferens-Sorotskiy A.A. Notariata i printsipy grazhdanskogo protsesssa. Notariat, gosudarstvennaya vlast' i grazhdanskoye obshchestvo: sovremennoye sostoyaniye i perspektivy [Notaries and principles of civil procedure. Notaries, state power and civil society: current state and prospects.] Materials of the All-Russian scientific-practical conference (February 15-16, 2007). Moscow, FRPK, 2007, pp. 93-98.

12. Kalinichenko T.G. Notarial'nye deystviya: ponyatie, sodержanie i vidy [Notarial acts: concept, content and types]. Notarial messenger. Moscow, 2009, no. 4, pp. 4-16.

13. Lukas D. V chem raznitsa mezhdu notariusom v Velikobritanii i notariusom v Soyedinennykh Shtatah? [What is the difference between a Notary Public in the UK and a Notary Public in the United States?]. Available at: <https://www.quora.com/What-is-the-difference-between-a-Notary-Public-in-the-UK-and-a-Notary-Public-in-the-United-States/>.

14. Piombino A.E. Spravochnik notariusa, printsipy, praktika i primery [Notary Public Handbook, Principles, Practices & Cases].

UDC: 349.6(042) (575.1)
ORCID: 0000-0001-9357-3200

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Узакова Гўзал Шариповна,
Тошкент давлат юридик университети,
“Экология ҳуқуқи” кафедраси мудири,
юридик фанлар номзоди, доцент,
e-mail: g.uzakova@tsul.uz

Аннотация. Мақолада аҳоли пункти тушунчаси илмий-назарий тавсифлар ва амалдаги қонун ҳужжатлари асосида очиб берилган. Муаллиф аҳоли пунктларини турларга бўлишда ўзининг мустақил ёндашувини ишлаб чиққан. Шунингдек, аҳоли пунктларининг юридик тавсифи ва табиати очиб берилган. Шаҳарлардаги асосий экологик муаммолар ўрганилган, уларни ҳал қилиш масалалари БМТнинг Шаҳарларни ривожлантириш бўйича янги дастури (Хабитат III) доирасида кўриб чиқилган. Муаллиф аҳоли пунктларида атроф-муҳит сифатини таъминлаш, экологик меъёрларга қатъий амал қилиш ва шу йўл билан инсоннинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Бунда барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бири сифатида шаҳарлар ривожланишининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари уйғунлигини таъминлаш зарурияти илмий асосланган. Муаллиф ишлаб чиқариш, саноат, қурилиш соҳаларини экологизациялаш, аҳоли пунктларидаги акустик таъсир, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий талаблари, сув ресурслари ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ санитария нормаларига риоя этиш масалаларини илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилган. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан жамоатчилик вакилларини кенг жалб қилган ҳолда шаҳарларнинг “экологик рейтинги”ни юритиш тартибининг жорий этиш зарурати асослаб берилган. Мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқот натижасида илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аҳоли пункти, шаҳар, барқарор ривожланиш, атроф-муҳит, экологизациялаш, саноат, қурилиш фаолияти, табиий ресурслар.

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ОХРАНЫ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ В НАСЕЛЕННЫХ ПУНКТАХ

Узакова Гузал Шариповна,
кандидат юридических наук, доцент,
заведующая кафедрой “Экологическое право”
Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В статье понятие населенных пунктов разъясняется на основе научно-теоретических определений и норм действующего законодательства. Автор разработал самостоятельный подход к делению населенных пунктов по видам. Автор также раскрывает юридическую характеристику и природу населенных пунктов. В статье исследуются основные экологические

проблемы городов, решение которых рассматривается в рамках новой Программы городского развития ООН (Хабитат III). Автор уделяет особое внимание обеспечению качества окружающей среды в населенных пунктах, строгому соблюдению экологических нормативов, тем самым обеспечению права человека на благоприятную окружающую среду. В статье научно обосновано одно из важных условий устойчивого развития – необходимость обеспечения гармонии экологических, экономических и социальных аспектов городского развития. Автор анализирует правовые вопросы экологизации производства, промышленности, строительства, акустического воздействия в населенных пунктах, научно-правовых требований по охране атмосферного воздуха, соблюдения санитарных норм, касающихся водных ресурсов и здоровья населения. В статье обоснована необходимость ведения «экологического рейтинга» городов Государственным комитетом Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды с широким участием общественности. В результате исследований, проведенных по теме, были разработаны выводы, имеющие научное и практическое значение.

Ключевые слова: населенный пункт, город, устойчивое развитие, окружающая среда, экологизация, промышленность, строительная деятельность, природные ресурсы.

LEGAL NATURE OF USE AND PROTECTION OF NATURAL RESOURCES IN SETTLEMENTS

Uzakova Guzal Sharipovna,

Head of the Environmental Law Department
of Tashkent State University of Law,
PhD, Associate Professor

Abstract. The article explains the concept of settlement based on scientific and theoretical concepts and current legislation. The author has developed his own independent approach to the division of settlements into species. The legal description and nature of the settlements are also revealed. The article examines the main environmental problems in cities, the solution of which is considered in the framework of the new UN Urban Development Program (Habitat III). The author pays special attention to ensuring the quality of the environment in settlements, strict adherence to environmental standards and thus ensuring the rights of individual to a comfortable environment. At the same time, the need to ensure the harmony of ecological, economic and social aspects of urban development as one of the important conditions for sustainable development is scientifically justified. The author scientifically and legally analyzes the issues of environmentalization of production, industry, construction, acoustic impact in settlements, environmental and legal requirements for the protection of atmospheric air, compliance with sanitary norms related to water resources and public health. The article substantiates the need for the State Committee for Ecology and Environmental Protection of the Republic of Uzbekistan to introduce a procedure for conducting an «environmental rating» of cities with the broad involvement of the public. Based on the research conducted on the topic, conclusions of scientific and practical significance have been developed.

Keywords: settlement, city, sustainable development, environment, greening, industry, construction activities, natural resources.

Кириш

Бугунги кунга келиб атроф-муҳитнинг ҳуқуқий муҳофазаси янгича мазмун ва аҳамият касб этиб бормоқда. Ўтган асрда экологик-ҳуқуқий муносабатлар, асосан, атроф-муҳитни табиий ҳолатда сақлаш ва келажак авлодга етказиш мазмунига эга

бўлган бўлса, бугунги кунга келиб экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий мақсадларидан бири антропоген ўзгарган ҳудудларда, хусусан, аҳоли пунктларида атроф-муҳит сифатини таъминлаш, бундай ҳудудларда экологик меъёрларга қатъий амал қилиш ва шу йўл билан ин-

соннинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир.

Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти таҳлили аҳоли пунктларида қурилиш фаолиятини экологизациялаш, аҳоли пункти ҳудудларини зоналаштириш, аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши заруратини кўрсатмоқда.

Республикамизда одамларнинг экологик хавфсиз ва қулай муҳитда яшашини таъминлаш мақсадида кенг қамровли дастурий тадбирлар ишлаб чиқилган. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш; қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш; муқобил энергия манбаларини жорий қилувчи, ишлаб чиқаришнинг экологик тоза услубларини йўлга қўядиган субъектларни рағбатлантириш; “яшил ҳудудлар”ни ташкил этиш; энергия тежовчи технологиялар ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш; ҳудудларни ободонлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, Шаҳарсозлик кодексини тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат сифатида янги таҳрирда ишлаб чиқиш, урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, қурилиш қоидалари ва меъёрларини халқаро стандартларга мослаштириш, шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилаш; табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга энг йирик шаҳарларни белгилаш, “йўлдош шаҳарлар” тизимини жорий этиш, аҳоли

пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш, қурилишда замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиш чораларини кўриш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий марказларида, жумладан, Oxford University, Cambridge University, Manchester University, Centre for Environmental Policy Imperial College London (Буюк Британия), Humboldt Universitat, The University of Applied Sciences Mittweida (Германия), The University of Sorbonne (Франция), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Жанубий Корея), IUCN Academy of Environmental Law, Yale Center for Environmental Law and Policy, Odum School of Ecology University of Georgia, Massachusetts Institute of Technology, Indiana University (АҚШ), Warsaw University of Life Sciences (Польша), Uppsala universitet, Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция), Utrecht University, University of Groningen, Maastricht University (Нидерландия), The Centre for Environmental Law (Ҳиндистон), Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), Academy of European Law (Венгрия), Tartu Ülikool, Estonian Environmental Law Centre (Эстония), Москва давлат университети (Россия), Беларусь давлат университетининг Халқаро давлат экология институтида (Беларусь) олиб борилмоқда [1].

Жаҳонда аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: аҳоли пунктларида “яшил ҳудудлар”ни ташкил этиш ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгай-

тириш орқали глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича таъсирчан ҳуқуқий механизмлар таклиф этилган (Yale Center for Environmental Law & Policy (АҚШ), Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция); урбанизациянинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш асосланган (IUCN Academy of Environmental Law (АҚШ), The Centre for Environmental Law (Ҳиндистон); атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш институтини жорий этиш орқали аҳоли пунктларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни замонавий ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ривожлантириш зарурати асосланган (Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), University of Groningen (Нидерландия); шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизимини экологизация қилишнинг заруратини очиб бериш орқали атроф-муҳит сифатига оид халқаро, Европа ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро нисбати аниқланган (Indiana University (АҚШ), Utrecht University (Нидерландия); шаҳар аҳоли пунктларида маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда экологик тоза услубларни, энергия тежовчи технологияларни қўллайдиган субъектларни рағбатлантириш зарурати асослаб берилган (Москва давлат университети (Россия), Беларусь давлат университетининг Халқаро давлат экология институти (Беларусь)).

Материал ва методлар

Мазкур мақолада аҳоли пункти тушунчасининг юридик табиати очиб берилган. Шунингдек, аҳоли пунктларининг турлари амалдаги қонун ҳужжатлари асосида тавсифланган. Муаллиф аҳоли пунктларини эколог-ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари асосида таснифлаган. Шаҳарлардаги асосий экологик

муаммолар ва уларни бартараф қилишда ҳуқуқий механизмларни самарали қўллаш усуллари илмий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳуқуқий ҳолати ўртасидаги фарқли жиҳатлар таҳлил қилинган. Шунингдек, муаллиф хўжалик ва саноат фаолиятини, қурилиш жараёнини экологизациялаш, аҳоли пунктларидаги акустик таъсир, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий талаблари, сув ресурслари ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ санитария нормаларига риоя қилиш масалалари таҳлилига алоҳида эътибор қаратган.

Мазкур мақола доктринал тадқиқот сифатида қонун ҳужжатлари ва илмий-назарий манбалар таҳлилининг ўз ичига олади. Унда соҳага оид илмий тушунчалар, назариётчи олимларнинг қарашлари, хулоса ва фикрлари ўрганилган. Шунингдек, экология соҳасига оид қонун ҳужжатлари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақола мавзуга оид асосий тушунчаларни ўрганишдан бошланган, ушбу тушунчаларни ривожлантириш билан давом эттирилган ҳамда мавжуд механизмларни такомиллаштириш, муаммоларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатишга оид хулосаларга келиш билан якунланган. Мазкур хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилиши инсониятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда аҳоли пунктларида атроф-муҳитни соғломлаштириш ҳисобига фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари

“Аҳоли пункти” тушунчаси Ўзбекистон қонунчилигида нисбатан яқинда – XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Адабиётларда “аҳоли пункти” тушунчаси турли вақтларда учта маънода ишлатилгани кўрсатилади. Хусусан, “аҳоли пункти” атамасининг биринчи маъноси XX аср бошларида маиший нутқда ушбу сўзга киритил-

ган маънога мос ҳолда қўлланилган. Ушбу маънода “аҳоли пункти” атамаси одамлар жойлашган жойларнинг умумий номини белгилаш ва шунга мос равишда турли жойлашув жойларини белгилаш учун уларнинг маъносини тўлдирувчи таърифлар билан биргаликда ишлатилган (масалан, “меҳнат аҳоли пунклари” ва ҳ.к.).

“Аҳоли пункти” атамасининг иккинчи маъноси – бу маъмурий-худудий бирликларнинг турларидан бири, яъни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва (ёки) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларининг ваколатлари берилган ҳудуддир. Ва ниҳоят, “аҳоли пункти” атамасининг учинчи маъноси асосан қурилиш учун мўлжалланган ва фойдаланиладиган, битта тоифадаги ерларнинг мажмуасидир [2, 8-б.]

Профессор М.Б. Усмоновнинг фикрича, аҳоли пункти тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида чегаралари белгиланган, аҳоли яшайдиган, sanoat, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа иншоотлар жойлашган шаҳар, посёлка, қишлоқлар ҳисобланади [3, 348-б.].

Аҳоли пункти тушунчаси бўйича юридик адабиётларда турлича таърифлар берилган. Хусусан, Е.С. Бедованинг таъкидлашича, “аҳоли пункти – расмий номи ва белгиланган чегараларига эга бўлган, аҳоли учун қулай яшаш шароитларини таъминлаш учун одамлар истиқомат қилиши, ижтимоий, транспорт ва бошқа инфратузилмаларни жойлаштириш учун мўлжалланган ҳудуд” [4, 8-б.]. Муаллифнинг ёзишича, аҳоли пунктларининг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат: аҳоли пунктларида қурилиш қилиш ва ривожлантириш; аҳолининг турли турмуш таъминоти объектларини жойлаштириш; объектларни аҳоли пунктлари ҳудудига жойлаштиришда қонунда белгиланган талабларга риоя қилиш; ушбу тоифадаги ерларни белгиланган чегаралар бўйича бошқа ерлардан ажратиш [5, 210-212 б.].

Н.Л. Лисинанинг қайд этишича, “аҳоли пунктларининг ҳуқуқий ҳолати – бу ер ва шаҳарсозлик қонунчилиги нормаларида белгиланган, аҳоли пунктлари чегаралари доирасида ерлардан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш тартиби, шаҳарсозлик режалаштирилиши, ҳудудий зоналаштириш ва қурилишни тартибга солиш орқали ер ҳуқуқлари субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи ва аҳоли пунктнинг қулай яшаш муҳити ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қурилишни тартибга солишдир” [6, 6-б.].

Юридик фанлар доктори Ж.И. Сафаров эса “аҳоли пунктлари аҳоли жойлашган ерлар бўлиб, ушбу ерларда асосан аҳоли яшаш жойларини қуриш ва ривожлантириш, шунингдек, транспорт тизимини ва, умуман, инфратузилмани жойлаштириш, sanoatни ривожлантириш мақсадлари кўзда тутилади”, деб ёзади [7, 285-б.].

Фикримизча, “аҳоли пункти” деганда, ҳуқуқий мақом, ном ва чегара билан белгиланган маъмурий-худудий birlik (шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул) тушунилиши лозим.

Аҳоли пунктлари тушунчаси ва хусусиятларини очиб беришда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини фарқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, А.О. Воронин шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини фарқлаш учун аниқ мезонлар мавжуд эмаслигини таъкидлайди. Унинг ёзишича, шаҳар аҳоли пунктларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий режимини объектив сабабларга кўра, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳуқуқий режимига тўлиқ тенглаштириб бўлмайди. Шаҳарсозлик меъёрларини, ҳудудий режалаштириш ҳужжатларини, аввало, бош режаларни, ердан фойдаланиш ва қурилиш қилиш қоидаларини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, улар шаҳар ёки қишлоқ аҳоли пунктларига нисбатан ишлаб чиқиладиганини ҳисобга олиш керак [8, 7-8 б.].

Дунёда глобаллашув ва урбанизация шароитида аҳоли пунктлари ривожланишида, уларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш тартиби ва қоидаларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ю.С. Жеребненко ушбу тенденция қишлоқ аҳоли пунктлари учун табиий ресурслардан рекреация мақсадларида фойдаланишдан бошқа турларининг қисқариши, масалан, ерлардан фойдаланиш даражасининг пасайиши, табиатдан фойдаланишнинг қатор турларидан воз кечилиши (ўтин ва доривор ўтлар йиғиш) билан ҳамоҳанг кечмоқда, деб ёзади [9, 248-249 б.]. Фикримизча, қишлоқ аҳоли пунктларида табиатдан фойдаланишнинг бошқа хусусиятлари, жумладан, сувдан тежаб фойдаланиш, ердан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш, табиий ресурслардан интенсив фойдаланиш ва бошқа жиҳатларга ҳам эътибор қаратилиши лозим.

Шу ўринда аҳоли пунктлари турлари (тоифалари) масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шаҳарсозлик кодексининг 9-моддасида аҳоли пунктлари шаҳар аҳоли пунктлари (шаҳарлар, шаҳар посёлкалари) ва қишлоқ аҳоли пунктлари (қишлоқлар, овуллар) бўлинади.

Шу билан бирга, шаҳар аҳоли пунктларининг таснифи аҳоли сонига асосланиб ишлаб чиқилган. Мазкур мезон асосида шаҳар аҳоли пунктлари 5 та турга бўлинади: энг йирик аҳоли пункти (аҳоли сони бир миллиондан ортиқ); йирик аҳоли пункти (аҳоли сони икки юз эллик мингдан бир миллионгача); катта аҳоли пункти (аҳоли сони юз мингдан икки юз эллик минггача); ўртача аҳоли пункти (аҳоли сони эллик мингдан юз минггача); кичик аҳоли пункти (аҳоли сони эллик минггача).

Ўз навбатида, қишлоқ аҳоли пунктлари ҳам аҳоли сонига қараб 4 та турга бўлинади: йирик аҳоли пункти (аҳоли сони беш мингдан ортиқ), катта аҳоли пункти (аҳоли сони уч мингдан беш минггача), ўрта-

ча аҳоли пункти (аҳоли сони бир мингдан уч минггача), кичик аҳоли пункти (аҳоли сони бир минггача).

Шаҳарлар аҳоли пунктларининг муҳим туридир. Адабиётларда таъкидланганидек, шаҳар бизни ўраб турган мураккаб ижтимоий воқелик бўлиб, у нафақат аҳолининг яшаш жойи, балки ижтимоий-маданий, маиший, ишлаб чиқариш ва ҳоказоларга мўлжалланган, турли соҳаларда аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган, табиий муҳитнинг таркибий қисмлари билан ўзаро муносабатда мавжуд бўлган, инсон томонидан яратилган объектларнинг бирлашган маконини ифодалайди. Айнан шунинг учун шаҳарларнинг атроф-муҳит сифати одамларнинг таъсирига ва табиий жараёнларга боғлиқ турли омиллар билан белгиланади. Улар сўнгги йилларда жиддий салбий ўзгаришларга, трансформацияга, тарангликларга дуч келмоқдалар [10, 242-б.].

Профессор М.Б. Усмонов таъкидлаганидек, шаҳарлар маданий ва илмий марказ бўлиб, улар аҳолисининг сони, иқтисодий ва саноати ривожланганлиги, маданий, илмий ва ўқув масканлари мавжудлигига қараб фарқланади [11, 348-б.].

Профессор Ж.Т. Холмўминов ва ю.ф.д. Ж.И. Сафаровнинг фикрича, “шаҳарлар деганда аҳолиси асосан саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан ва маданият соҳаларида банд бўлган энг катта аҳоли пунктлари кўзда тутилади. Умумий қоидага кўра, шаҳарлар туман ва вилоятларнинг маъмурий ва маданий марказлари ҳисобланади. Уларнинг характерли хусусияти аҳоли зич жойлашгани ва қурилишларнинг компактлигидир. Шаҳар жамият ҳаётида кўп жиҳатдан ижтимоий организм, мураккаб иқтисодий-географик, архитектура ва қурилиш, шунингдек, маданий мажмуа сифатида ифодаланади” [12, 160-б.].

Л.Н. Чолтяннинг фикрича, “шаҳар – бу маъмурий ва ҳудудий чегараларга эга бўлган, мавжуд ижтимоий ҳаёт тарзига таяна-

диган, муайян ҳудуддаги аҳолининг тарихий барқарор ижтимоий-иқтисодий ташкилоти” [13, 113-116 б.]. Унинг ёзишича, шаҳар аҳоли пунктлари – бу муайян бир ҳудудда ишлаб чиқарувчи кучларнинг юқори даражада тўпланишининг бир қатор белгилари, меҳнатни қўллаш соҳаларининг хилма-хиллиги, муҳандислик коммуникациялари, транспорт йўллари ривожланганлиги, қурилишлар ва аҳоли пунктларининг зичлиги, экологик жиҳатдан ноқулай яшаш муҳити ва бошқалар билан тавсифланган, маъмурий-худудий chegarаларга эга бўлган ва шаклланган ижтимоий ҳаёт тарзига асосланган аҳоли ҳаёт фаолиятининг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий тузилмасига эга бўлган ҳудуддир. Шаҳар аҳоли пунктларини таснифлашда аҳоли сони, ривожланган транспорт коммуникациялари тармоғи, саноат корхоналари, илмий, маданий ва ишбилармонлик марказлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва (ёки) хавfli зоналарнинг мавжудлиги (табиий ёки техноген хусусиятдаги авариялар ва табиий офатлар, саноат, қишлоқ хўжалиги ифлосланиши ва бошқа ифлосланишлар туфайли экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлар ва ҳоказо) каби асосий мезонларга таянилади [14, 10-11 б.].

Урбанизация жадал ўсаётганига ва шаҳар аҳоли пунктларидаги мураккаб экологик вазиятга қарамай, амалдаги қонунчилик ва юридик фанларда “шаҳар”, “аҳоли пункти”, “шаҳар аҳоли пункти” каби тушунчаларнинг аниқ таърифлари ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, айнан шаҳар замонавий жамиятнинг худудий ва ижтимоий-иқтисодий ташкил этилишининг етакчи шакли ҳисобланади. Шунинг учун илмий адабиётларда жамиятни ташкил этишнинг ушбу шаклининг асосий хусусиятларига эътибор қаратилади.

В.В. Таболиннинг ёзишича, ҳудуднинг ҳажмига ва аҳолининг устувор бандлигига қўшимча равишда шаҳар аҳоли пункт-

лари қуйидагилар билан ажралиб туради: қурилиш ва аҳоли жойлашувининг юқори зичлиги; меъморчилик қурилишининг кўп қаватлилиги; шаҳар атрофининг мавжудлиги; шаҳарнинг кўп тармоқли иқтисодиёти; саноатлашган хизмат кўрсатиш соҳасига асосланган шаҳар инфратузилмаси шакли ривожланганлиги; транспорт ва муҳандислик коммуникацияларининг сезиларли узунлиги; транспорт инфратузилмаси катта шакллариининг мавжудлиги; шаҳар иқтисодиёти ва бошқарувининг кўп босқичли ва кенг тармоқли тузилиши; экологик ноқулай турмуш шароити, юқори касаллик ва ўлим кўрсаткичлари; табиатдан ажралганлиги, унинг сунъий шакллар билан алмаштирилганлиги ва бошқалар [15, 9-10 б.].

Айниқса, йирик шаҳарларнинг ўзига хос барқарор хусусиятлари, баъзи муаллифлар фикрича, муайян ҳудудда ишлаб чиқарувчи кучларнинг юқори даражада тўпланиши, меҳнатни қўллашнинг хилма-хил соҳалари ва бунинг натижада фаолиятнинг жадал алмашинуви ва интенсив алоқаларидир. Хусусан, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий табиати – бу амалга ошириш учун чекланган ҳудудни талаб қиладиган бошқариш, маданият, хўжалик-ишлаб чиқаришни тартибга солиш функцияларининг мужассамлашувидир [16, 78-б, 201-б.].

Шаҳарнинг асосий белгилари қаторида Б.В. Ерофеев унинг функционал имкониятлари (саноат маркази, маъмурий-сиёсий, университет, илмий марказларга эгаллиги ва б.қ.) ва аҳолининг устувор бандлигини келтиради [17, 12-б.].

Амалдаги ер ва шаҳарсозлик қонунчилигида шаҳар аҳоли пунктларининг тўлақонли таснифи берилмаган. Таъкидлаш керакки, шаҳар аҳоли пунктлари ҳажми, аҳамияти, аҳолининг ижтимоий ва демографик таркиби, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш табиати ва бошқа белгилар жиҳатидан хилма-хиллиги уларнинг

экологик ҳолатини ўрганиш ва яхшилаш учун уларни таснифлаш заруратини юзага келтиради.

Амалдаги қонунчилигимизда шаҳар аҳоли пунктларининг батафсил таснифи йўқлиги, фикримизча, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиддий камчиликдир. Чунки зарарли экологик оқибатлар одатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви даражасига бевосита боғлиқ. Аҳолининг юқори зичлиги табиий муҳитга ўз-ўзидан жиддий таъсир қилади. Бироқ унга энг катта салбий таъсир аҳоли томонидан эмас, балки саноат, энергетика, транспорт ва бошқа объектлар томонидан кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг энг катта зич жойлашуви ҳам айнан шаҳар аҳоли пунктлари учун хос.

Шу боис, биз шаҳар аҳоли пунктларини таснифлаш учун фақат аҳоли сони бўйича гуруҳлаш етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Бошқача айтганда, саноат, транспорт, маданий, тарихий, илмий, маъмурий ихтисослашув ва бошқа муҳим мезонларни ҳам инобатга олувчи тасниф белгиланиши лозим.

Бу борада Н.Г. Жаворонкованинг шаҳар аҳоли пунктларини уларнинг эколого-урбанистик хусусиятлари асосида таснифлаш таклифи ўринли, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, унинг фикрича, аҳоли пунктларининг эколого-урбанистик хусусиятлари қуйидагилардан иборат: а) атмосфера ҳавосининг тозаллиги; б) сув ресурслари; в) ер ресурслари; д) шовқин муаммолари; э) чиқиндиларни тўплаш, йўқ қилиш ва қайта ишлаш; э) шаҳар атрофи зоналари ва бошқалар [18, 54-б.].

Л.Н. Чолтян ҳам экологик режалаштириш шаҳар аҳоли пунктлари атроф-муҳитини яхшилашда етакчи роль ўйнаши керак, унинг мақсади шаҳарнинг табиий объектларидан фойдаланишнинг умумий тамойилларини аниқлаш ва амалга ошириш, шаҳар аҳоли пунктларида экологик

мувозанатни ўрнатишга ёрдам берадиган аниқ чора-тадбирларни таклиф қилишдир, деб ёзади [19, 113-116 б.].

Фикримизча, шаҳарни хўжалик фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланадиган кўпчилик одамларнинг яшаш жойи сифатида белгилашга ёндашув етарли эмас. Шаҳар таърифини баҳолашда алоҳида хусусиятлардан эмас, балки шаҳар турли функцияларга эга эканига асосланган тизимдан фойдаланиш керак. Шаҳарлар бошқа аҳоли пунктларидан қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради: саноат корхоналари зич жойлашган катта ҳудуд, бинолар ва турар жойларнинг зичлиги, меъморий қурилишларнинг кўп қаватлилиги, шаҳар атрофининг мавжудлиги, транспорт ва муҳандислик коммуникацияларига эгаллиги, экологик жиҳатдан ноқулай атроф-муҳит ва бошқа бир қатор белгилар.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги замонавий қонунлар шаҳар аҳолисининг қулай яшаш шароитлари ва турмуш шароитларини яратиш учун шаҳар аҳоли пунктларига нисбатан техник, иқтисодий ва қонунчилик чораларини самарали, мақсадли амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шаҳарларда маъмурий хўжалик ва коммунал, санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларини ташкиллаштириш, маданий мерос объектларини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология ва табиий захиралардан тўғри фойдаланиш ер ресурсларидан, турар жой фондидан, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаларидан оқилона тарзда фойдаланишга ёрдам беради [20, 3-4 б.].

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги урбанизация жараёнлари аҳоли ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларнинг барқарор ривожига путур етказмоқда. Хусусан, атмосфера ҳавоси, тупроқ, сув объектлари ва атроф-муҳитнинг бошқа таркибий қисмлари ифлосланиши, аҳоли-

нинг экологик муҳитдан ажралиши шаҳарларнинг кўпайиши оқибати бўлиб, баъзи олимлар фикрича, бу йирик шаҳарларнинг асосий камчилиги ҳисобланади [21, 23-б.].

Тадқиқот натижалари таҳлили

БМТ маълумотларига кўра, 2020 йилда дунё аҳолиси 7,8 миллиард кишига етди ва 2050 йилга бориб яна 2 миллиарддан ошиқроқ кишига кўпаяди [22]. Келгуси ўн йилликларда Африка ва Осиё аҳолиси сезиларли даражада кўпаяди. Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларда яшайди, шаҳар агломерациялари сони ўсиб бормоқда. БМТ прогнозига кўра, XXI асрнинг ўрталарига келиб шаҳар аҳолиси ҳар куни ўртача 200 минг кишига кўпаяди, ҳар ўн кишидан еттитаси шаҳар ҳудудларида яшайди [23].

Аҳолининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири даражаси ва табиати шаҳарлардаги экологик вазиятни, табиий муҳит таркибий қисмларининг ҳолати кўрсаткичларини акс эттиради. Шаҳарларнинг жадал ўсиши аҳолининг экологик хавфсизлигини ва шаҳар муҳитининг табиий таркибий қисмларини, аҳолининг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатини мураккаблаштиради.

Хўжалик ва бошқа антропоген фаолият таъсири остида шаҳарлардаги табиий муҳит муқаррар равишда ўзгаради, кўп ҳолларда ифлосланади ва бу атроф-муҳитни тиклаш бўйича зарур чораларни кўришни талаб этади. Шаҳар муҳити экологик ноқулайлигининг сабабларидан бири самарали ҳудудий экологик сиёсатнинг йўқлиги бўлиб, антропоген таъсирга дуч келмаган табиий ландшафтлар ҳам, табиий-техноген ландшафтлар ҳам ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида инobatга олиниши лозим. Шаҳар агломерацияларининг фаол шаклланиши ва ўсиши шароитида турли ландшафтларни ҳисобга олиш зарур. Чунки уларни йўқ қилиш охир-оқибат шаҳар аҳолиси турмуш шароити ёмонлашишига олиб келади [24, 105-б.].

Табиий ва табиий антропоген ландшафтларни муҳофаза қилишда ландшафтни режалаштириш муҳим восита сифатида хизмат қилиши керак. Бундан ташқари, шаҳар ландшафтининг ажралмас қисми бўлган, ҳар доим шаҳарлар ҳаётида муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган кўкаламзорларни ҳимоя қилиш долзарб масаладир. Чунки айнан улар шаҳарлар аҳолисининг турли эҳтиёжларига хизмат қилади (коммунал-маиший, рекреация, атроф-муҳитни муҳофаза этувчи, санитария, урбанистик ва бошқалар) [25, 104-б.].

Шаҳар муҳитининг долзарб муаммоларидан бири шовқин таъсири ҳисобланади. Бундан ташқари, шаҳарлардаги шовқин таъсири объектларга (табиий, табиий-антропоген, аҳоли) комплекс таъсир қилиш хусусиятига эга. Чунки илмий-техник тараққиётнинг аксарият ютуқлари бундай таъсирнинг манбалари (автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти, хўжалик, одамларнинг қурилиш ва ишлаб чиқариш фаолияти ва бошқалар) бўлиб, барчаси бир вақтнинг ўзида таъсир қилиши мумкин.

Ҳар бир манбадан шовқин чиқариш даражаси белгиланган меъёрлар доирасида бўлса-да, умумийлашганда улар ўта кучайиб, инсон соғлиғига (асаб бузиши, қон босими ошиши, эшитишнинг йўқолиши) ва атроф-муҳит таркибий қисмларига (масалан, ҳайвонот дунёси объектлари баланд шовқинларда ўз мўлжалини йўқотади) салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шовқин таъсирини аниқлаш давлатнинг экологик ва урбанизация бўйича сиёсатидаги устувор йўналишларидан бири ҳисобланади ҳамда шаҳарларнинг “акустик” барқарорлигини таъминлаш учун бир қатор техник (технологик), шаҳарсозлик ва санитария-эпидемиологик чоралар кўрилади.

Атроф-муҳитни шовқин таъсиридан ҳуқуқий ҳимоя қилиш унинг мезонларини белгилаш орқали, шунингдек, ишлаб чиқариш кучларини, технологик жараёнларни

ва ҳудудларда қурилишни режалаштиришни шовқиндан ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан жойлаштиришни тартибга солувчи акустик муҳитнинг сифатини тартибга солувчи чора-тадбирлар мажмуасидир [26, 153-154-б.].

Шаҳар аҳоли пунктлари атроф-муҳитининг сифати бевосита шаҳар муҳитининг табиий объектларига боғлиқ. Шаҳар аҳоли пунктлари одамлар томонидан деярли барча атроф-муҳит объектлари сезиларли даражада ўзгартирилган ҳудуддир. Таъкидлаш жоизки, ривожланган саноат ишлаб чиқаришига эга бўлган шаҳар аҳоли пунктлари сув ресурсларининг асосий истеъмолчилари ҳисобланади. Бироқ шаҳар жойларда сув ресурсларидан фойдаланиш нафақат миқдорий, балки сифат мезонларига ҳам боғлиқ. Р.И. Белецкаянинг фикрича, сув объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, сув объектларини сақлаш ва қайта тиклаш сув-ҳуқуқий муносабатлар нормалари билан тартибга солинади [27, 114-б.].

Шаҳар аҳоли пунктларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши турли салбий оқибатларга олиб келади. Бу иқлим ўзгариши ва шаҳарлардаги биноларнинг барвақт емирилиши каби салбий оқибатлар билан бирга, инсон саломатлигига жиддий зарарли таъсир кўрсатади. Шу сабабли шаҳар аҳоли пунктларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши зарур ташкилий ва ҳуқуқий чораларни кўришни талаб қилади [28, 111-112 б.].

Шундай қилиб, атроф-муҳит ҳолати ва шаҳарлар аҳолиси саломатлиги ўртасидаги яққол боғлиқликни кузатиш мумкин. Шаҳарларда табиий объектлар ва ресурсларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш зарур. Чунки айнан уларнинг барқарор ҳолати бошқа омиллар (турмуш тарзи, ижтимоий омиллар ва

бошқалар) билан бир қаторда инсон саломатлигига ҳал қилувчи таъсир этади.

Бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам экологик муаммоларни ҳал қилиш жуда мураккаб жараён дир. Табиатнинг ифлосланиши, емирилиши, йўқ қилиниши орқали унга етказиладиган салбий таъсир табиат томонидан амалга ошириладиган экологик функция таркибига салбий элементларни киритади [29, 133-б.]. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш учун табиий ресурслардан фойдаланиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий манфаатлар қондирилиши, муқаррарравишда, табиатнинг ўз функциясини бажариши сифатида намоён бўладиган табиий муҳитга салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги шароитда мамлакатимиз экологик сиёсатида қулай атроф-муҳитни сақлашни таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш долзарб вазифа сифатида кўрилмоқда. Хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида ҳам шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Масалан, шаҳарлардаги асосий экологик муаммо сифатида транспорт воситаларидан фойдаланишдан ҳосил бўладиган ис газини муаммосини ҳал қилиш мақсадида 2020 йил 1 январдан бошлаб “Евро-4”дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш, 2022 йил 1 январдан бошлаб “Евро-3”дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини, 2023 йил 1 январдан бошлаб эса “Евро-4”дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини “вақтинча олиб кириш” ва “эркин муомала (импорт) учун чиқариш” божхона режимига жойлаштириш ҳамда 2022 йил 1 январдан бошлаб заҳарлилик даражаси “Евро-4” экологик тоифа талабларига мос келмайдиган газ, бензин ва

дизель двигателлари билан жиҳозланган “М” ва “N” тоифаларидаги ғилдиракли транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни сотиш мақсадида “вақтинча олиб кириш” ва “эркин муомала (импорт) учун чиқариш” божхона режимига жойлаштириш ман этилди.

Умуман олганда, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида мамлакатдаги экологик вазият бўйича давлат сиёсатининг стратегик мақсади сифатида ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш кўзда тутилади. Бу ҳужжат иқтисодиётнинг экологик жиҳатдан ўсишини, қулай атроф-муҳитни, ҳозирги ва келажак авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш учун биологик хилма-хилликни ва табиий ресурсларни сақлашни, ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида қонун устуворлигини мустақамлашни таъминлайди.

Ушбу мақсадга эришиш учун давлат анъанавий равишда муайян вазифаларни қўяди ва экологияни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг муайян механизмларини (меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, табиатни муҳофаза қилувчи, ахборот-таҳлилий, мафкуравий) таъминлайди, тегишли соҳада давлат сиёсатининг йўналишини белгилаб, ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳам экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидан бошлаб, экологик тарбия ҳамда таълимни ривожлантириш соҳаларигача бўлган давлат бошқарувининг самарали тизимини шакллантиради.

“Яшил ўсиш” йўлига ўтиш, энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикландиган энергия манбаларини кўпайтириш чиқинди, оқова сувларнинг пайдо бўлиши ва йўқ қилинишининг камайишини иқтисодий рағбатлантириш чораларини жорий этишга уларни таъминловчи ҳуқуқий

ва институционал тадбирлар мажмуини амалга ошириш орқали эришилади.

Сўнги йиллар ичида иқтисодий фаолиятнинг айрим йўналишларини экологиялаштиришга уринилган, барқарор ривожланишга ўтиш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида кўпгина масалалар ҳануз ўз ечимини топмаган. Ушбу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солишнинг мураккаблиги шундан иборатки, қонун, бир томондан, экологик муносабатлар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини шаҳар аҳолиси учун мақбул йўналишга айлантириши, иккинчи томондан, прогноз ҳужжатларда белгиланган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиши керак [30, 128-129 б.].

Шаҳарларда қулай муҳитни таъминлашда экологик тартибга солиш, экологик экспертиза, давлат экологик назорати ва экологик мониторинг каби ҳуқуқий институтлар муҳим аҳамият касб этади [31, 242-243 б.]. Мазкур ҳуқуқий институтлар шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш тадбирлари қаторида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши керак. Шу билан бирга, шаҳарлар учун долзарб муаммолар шаҳарлар “ифлосланиши” даражасига асосланган ижтимоий муносабатларга таъсир қилишнинг замонавий усуллари ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши керак. Шу маънода, ҳар йили Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан жамоатчилик вакиллари кенг жалб қилган ҳолда шаҳарларнинг “экологик рейтинги”ни юритиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шаҳарларнинг атроф-муҳити ҳолати экология ҳамда аҳоли учун номақбул бўлиб қолмоқда. Урбанизация, худуднинг ўзлаштирилиши, одамларнинг табиий жараёнларга аралашishi фаоллиги даражаси атроф-муҳит сифатини белгиловчи асосий омиллардир.

Иқтисодий ривожланишда асосий ролни sanoat сектори ўйнайди. Шу боис, атроф-муҳит ифлосланишининг асосий омили sanoat ишлаб чиқаришининг ривожланиши бўлиб қолмоқда. Анъанавий sanoat (кимё, металлургия, тоғ-кон sanoati ва бошқалар) билан бир қаторда замонавий технологияларни қўллаш билан боғлиқ янги тармоқлар кенг тарқалиб, ушбу соҳалар атроф-муҳитни заҳарли оғир металллар каби чиқиндилар билан ифлослантиришга сабаб бўлмоқда.

Бу борадаги халқаро ҳужжатлар, хусусан, 1976 йилги Аҳоли пунктлари тўғрисидаги Ванкувер декларацияси ҳам аҳоли пунктларидаги салбий экологик вазиятдан огоҳ этган ҳолда одамлар ҳаёти сифати нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилишга боғлиқ эканини белгилаб беради [32].

Барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бири ҳам айнан шаҳар ривожланишининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари уйғунлигини таъминлашни назарда тутати. Ушбу тамойил шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосини ташкил этади. Хусусан, 1987 йилда БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссияси томонидан жорий этилган “барқарор ривожланиш” атамаси (ингл. “sustainable development” – мувозанатли, доимий қўллаб-қувватланадиган, ўзини ўзи таъминлайдиган, мақбул ривожланиш) келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини хавф остига қўймаган ҳолда ҳозирги пайтдаги эҳтиёжларни қондирадиган тараққиётни назарда тутати.

Бу ҳозирги ва келажак авлодларнинг тенг манфаатлилиги ғоясига таянадиган, экологик жиҳатдан асосланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдир. Шу билан бирга, кўпгина олимлар барқарор ривожланиш концепциясининг пайдо бўлишини тараққиёт ва атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш ўртасидаги боғлиқликнинг умумий хусусиятларини белгилаб берган БМТнинг Инсон атроф-муҳити масалалари бўйича Стокгольм конференцияси (1972) натижалари билан боғламоқдалар. Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган халқаро конференцияда (1992) муайян бир давлат, минтақа ёки субминтақа учун хос бўлган муайян тарихий, маданий, иқтисодий, этник, ижтимоий ва экологик шароитларда барқарор ривожланиш нима эканини ҳар хил тушунган ҳолда, барқарор ривожланиш “иқтисодий фаолият, табиий захиралардан фойдаланиш, инвестициялар йўналиши, илмий ва технологик ривожланиш йўналиши, шахснинг ривожланиши бир-бири билан мувофиқлаштирилган ва инсон эҳтиёжларини қондириш учун мавжуд ва келажакдаги потенциални мустаҳкамлайдиган атроф-муҳитнинг ўзгариши жараёни” сифатида якуний ҳужжатга киритилди.

Кейинги йилларда барқарор ривожланишга оид тамойиллар жаҳон миқёсида муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилди. Аммо Рио конференциясида таъкидланганидек, жамият ва табиат муносабатларини уйғунлаштириш, ҳозирги ва келажак авлодлар манфаати учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришда давом этиш керак.

Шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий экологик муаммолари масалалари БМТнинг уй-жой ва барқарор шаҳар ривожланиши бўйича конференцияси (Хабитат-III, 2016 йил 17–20 октябрь, Киото, Эквадор) қатнашчилари томонидан ҳам кўриб чиқилган. Кун тартибидаги мақсадни (шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги, пухталиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш) амалга ошириш доирасида янги шаҳарсозлик дастури қабул қилинди (Экологик барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктларга бағишланган Киото декларацияси) [33].

Шаҳарда экологик талабларни ҳисобга олмасдан туриб, одамларнинг хилма-хил

эҳтиёжларини қондириш мумкин эмас. Шу билан бирга, шаҳардаги экологик тоза муҳит инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши учун имконият яратади. Инсон нафақат психологик жиҳатдан соғлом шаҳар муҳитига, балки экологик жиҳатдан зарарсиз муҳитга ҳам муҳтож. Табиий муҳит ҳам инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратиб, ўзига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади.

Жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасидаги инсон фаолияти жамият ва табиат қонунларидан келиб чиқадиган экология ҳуқуқи нормалари билан белгиланадиган талаблар асосида аниқланади [34, 13-б, 198-б, 49-50 б.]. Инсон фаолиятида экологик талаблар табиат (атроф-муҳит), шунингдек, уларнинг манбаи бўлган алоҳида табиий объектлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назарда тутиши керак. Экологик талаблар хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлиб, инсоннинг экологик аҳамиятли фаолиятининг асослигини таъминлаш учун расмий мезон ҳисобланади.

Экологик талаблар, аввало, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. Таъкидлаш лозимки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича экологик ва ҳуқуқий чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва охир-оқибат атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги ҳолати экологик талабларнинг қонунчиликда тўлиқ ва аниқ ифодаланиши билан узвий боғлиқ. Афсуски, экологик талабларни ўз ичига олган қонун меъёрларининг аксарияти мукамал эмас, умумий хусусиятга эга. Гарчи юридик техника ва улар томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти нуқтаи назаридан уларни қонунларда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлса-да, қўпинча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

ўзига хос экологик ва ҳуқуқий талабларни қамраб олмайди.

Фикримизча, барқарор ривожланиш концепцияси доирасида шаҳарлар ҳудудини ривожлантиришни ва қуришни режалаштиришда қўлланилиши керак бўлган аниқ экологик ва ҳуқуқий чоралар комплекс тизимини яратиш лозим. Хусусан, шаҳарларни ривожлантириш ва қуришни режалаштиришда бир қатор омилларни ҳисобга олиш керак: атроф-муҳитнинг ҳолати (физикавий, кимёвий, биологик кўрсаткичлар ва табиий муҳит таркибий қисмлари бўйича атроф-муҳитга бўлган босим; атроф-муҳитда тўпланган зарар ва бошқа омиллар); шаҳар аҳолисининг саломатлик ҳолати (меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз; ёш гуруҳлари бўйича аҳоли) ва унинг (аҳоли) маълумот даражаси; шаҳарлар тури ва аҳоли сони; шаҳарнинг ихтисослашуви (иқтисодиёт, фан, техниканинг устувор тармоқлари ёки бу ўз ҳудудида ноёб тарихий, маданий ва ҳ.к. ёдгорликларга эгаллиги); табиий ва географик омиллар (атроф-муҳит ҳарорати, сув объектларининг мавжудлиги, қуёшли ёки ёмғирли кунлар сони, энг кўп учрайдиган, жумладан, прогноз қилинадиган табиий ҳодисалар, ҳудуднинг сейсмик фаоллиги, сув тошқини зоналари ва бошқалар); шаҳарсозлик омиллари (мавжуд қурилишнинг табиати, шаҳарда устувор бўлган капитал қурилиш лойиҳаларининг хусусиятлари, жамоат жойлари, кўча ва йўл тармоқлари тизимини ривожлантириш ва бошқалар).

Ушбу ёндашув БМТнинг Шаҳарларни ривожлантириш бўйича янги дастурини (Хабитат III) амалга ошириш режасига тўла мос келади.

Аҳоли пунктларининг муҳим турларидан бири қишлоқ аҳоли пунктларидир. Юқорида айтилганидек, Ўзбекистон Республикасида аҳоли пунктлари шаҳар ва қишлоққа бўлинади. Белгиланган мезонларга жавоб берадиган аҳоли пунктлари қишлоқ аҳоли пунктлари деб тан олинади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг асосий хусусияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми қатнашишидир. Қишлоқлар – шаҳар ҳудудига кирмайдиган, муайян аҳоли сонига эга бўлган, қишлоқ марказлари ва муайян саноат объектлари атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш жойларидир. Аҳоли сонига қараб, қишлоқ аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади: йирик аҳоли пункти – аҳоли сони 5 минг кишидан ортиқ бўлган; катта аҳоли пункти – аҳоли сони 3 мингдан 5 минг кишигача бўлган; ўртача аҳоли пункти – аҳоли сони 1 мингдан 3 минг кишигача бўлган; кичик аҳоли пункти – аҳоли сони 1 минг кишигача бўлган.

Шу ўринда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида ердан фойдаланиш бўйича ҳам фарқ мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Агар шаҳар аҳоли пунктларида асосий мақсад ерлардан турар жой, жамоат-бизнес объектларини ва бошқаларни жойлаштириш учун фойдаланиш бўлса, қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилана фойдаланиш ҳисобланади.

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини ажратиб турувчи санаб ўтилган хусусиятлар билан бирга, аҳоли пунктларини қишлоқ деб таснифлашнинг қўшимча мезонлари қаторида муҳандислик ва транспорт инфратузилмаларининг, ҳудуднинг ободонлаштирилиши ва аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатилишининг ривожланиш даражасини кўрсатиб ўтиш керак.

Қишлоқ аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш тармоқлари тобора хавфли ифлослантирувчи манбаларга айланмоқда. Қишлоқ хўжалиги атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий омиллардан бири сифатида тан олинган. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ушбу ишлаб чиқариш соҳасининг атроф-муҳитга таъсири, биринчи навбатда, кимёвий восита-

лардан фойдаланиш ва йирик чорвачилик мажмуаларини қуриш ва генетик модификацияланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига оширмоқда [35, 100-б.].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги барча мазкур салбий ҳолатлар шу даражада муҳимки, улар қишлоқ хўжалигидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизимини, жумладан, ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда, қонунда белгиланган, инсон ҳаёти ва фаолияти, атроф-муҳит шароитларини сақлаш ва яхшилашга, табиий кўриқланадиган фонд объектларини сақлашга ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнида табиий ресурслардан оқилана фойдаланишга қаратилган давлат ва жамоат тадбирлари тушунилади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг етакчи омилларидан бири агрокимёлаштиришдир. Минерал ўғитлар, пестицидлардан кенг фойдаланиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади.

Шу сабабли иқтисодиёт ривожланишининг оқибатларидан бири ҳаво, сув, тупроқни ифлослантирувчи заҳарли чиқиндиларнинг улкан миқёсда ишлаб чиқарилиши ҳисобланади. Атроф-муҳитнинг кимёвий ифлосланиши, жумладан қишлоқ аҳоли пунктлари ифлосланиши муаммоси глобал аҳамиятга эга [36].

Ушбу ҳолат қишлоқ аҳоли пунктларида заҳарли чиқиндиларга бўлган муносабатни тартибга солиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Тарихан заҳарли моддаларни экологик жиҳатдан оқилана бошқаришни ҳуқуқий тартибга солиш сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида саноат қонун-

чилиги доирасида ишлаб чиқилган [37, 23-б.]. Шу боис, атроф-муҳитни заҳарли моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳуқуқий тартибга солиш мавзуси жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсирланиш жараёнида заҳарли моддаларга экологик жиҳатдан оқилона муносабатда бўлишга оид ижтимоий муносабатларининг йиғиндиси ҳисобланади.

Хулосалар

Мазкур илмий ишланма доирасида муаллиф томонидан қуйидаги асосий хулосаларга келинди:

1. Шаҳарлар бизни ўраб турган мураккаб ижтимоий воқелик бўлиб, у нафақат аҳолининг яшаш жойи, балки ижтимоий-маданий, маиший, ишлаб чиқариш ва ҳоказоларга мўлжалланган, турли соҳаларда аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган, табиий муҳитнинг таркибий қисмлари билан ўзаро муносабатда мавжуд бўлган, инсон томонидан яратилган объектларнинг бирлашган маконини ифодалайди.

2. Амалдаги ер ва шаҳарсозлик қонунчилигида шаҳар аҳоли пунктларининг тўлақонли таснифи берилмаган. Шаҳар аҳоли пунктларини фақатгина аҳоли сонини эмас, балки саноат, транспорт, маданий, тарихий, илмий, маъмурий ихтисослашув ва бошқа муҳим мезонларни ҳам инобатга олиб таснифлаш лозим.

3. Шаҳар муҳитининг долзарб муаммоларидан бири шовқин таъсиридир. Шаҳарлардаги шовқин таъсири объектларга (табиий, табиий-антропоген, аҳоли) комплекс таъсир қилиш хусусиятига ҳам эга. Чунки илмий-техник тараққиётнинг аксарият ютуқлари бундай таъсирнинг манбалари (автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти, хўжалик, одамларнинг қурилиш ва ишлаб чиқариш фаолияти ва бошқалар) дир. Шовқин таъсирини аниқлаш давлатнинг экологик ва урбанизация бўйича сиёсати устувор йўналишларидан бири бўлиб, шаҳарларнинг “акустик” барқарорлигини

таъминлаш учун бир қатор техник (технологик), шаҳарсозлик ва санитария-эпидемиологик чоралар кўрилади.

4. Атроф-муҳит ҳолати ва шаҳарлар аҳолиси саломатлиги ўртасидаги яққол боғлиқликни кузатиш мумкин. Шаҳарларда табиий объектлар ва ресурсларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш зарур. Чунки айнан уларнинг барқарор ҳолати бошқа омиллар (турмуш тарзи, ижтимоий омиллар ва бошқалар) билан бирга инсон саломатлигига ҳал қилувчи таъсир этади.

5. Шаҳарлар учун долзарб муаммолар шаҳарлар “ифлосланиши” даражасига асосланган ижтимоий муносабатларга таъсир қилишнинг замонавий усуллари ни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак. Шу маънода, ҳар йили Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан жамоатчилик вакиллари кенг жалб қилган ҳолда шаҳарларнинг “экологик рейтинги”ни юритиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

6. Шаҳарларнинг ҳал қилиниши керак бўлган асосий экологик муаммолари сифатида атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ ифлосланиши, шовқин таъсири, шаҳарлар ва уларга туташ ҳудудлар “яшил” майдони ўлчамининг камайиши; шаҳарлар экологик ривожланиши бўйича ягона давлат сиёсатининг йўқлиги; мегаполисларни яратиш орқали шаҳарларни катталаштиришга интилишнинг атроф-муҳитга жиддий босим кўрсатиши; шаҳарларнинг экологик сифатини таъминлаш учун давлат бошқаруви асосий функцияларининг ноумувофиқлиги (мослашмаганлиги); ҳудудий режалаштириш ва шаҳарсозлик зоналаштирилиши каби бошқарув фаолиятини экологиялаштирилиш зарурати кабиларни кўрсатиш мумкин.

7. “Аҳоли пунктини барқарор ривожлантириш” тушунчаси мувозанатли, доимий қўллаб-қувватланадиган, ўзини ўзи таъминлайдиган, мақбул, шунингдек, ке-

лажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини хавф остига қўймаган ҳолда ҳозирги пайтдаги эҳтиёжларни қондирадиган ривожланишни англалади.

8. “Экологик асосланган фаолият” тushунчаси экологик жиҳатдан йўналтирилган, экологик нуқтаи назардан оқланган ёки экологик талабларга мос келадиган фаолиятни, шунингдек, шаҳарлар ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштираётганда ёки ушбу фаолият натижасида табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплашда муайян чора-тадбирлар мажмуасини назарда тутди.

9. Барқарор ривожланиш концепцияси доирасида шаҳарлар ҳудудини ривожлантиришни ва қуришни режалаштиришда қўлланилиши керак бўлган аниқ экологик ва ҳуқуқий чоралар комплекс тизимини яратиш лозим. Хусусан, шаҳарларни ривожлантириш ва қуришни режалаштиришда қуйидаги бир қатор омилларни ҳисобга олиш керак: атроф-муҳитнинг ҳо-

лати (физикавий, кимёвий, биологик кўрсаткичлар ва табиий муҳитнинг таркибий қисмлари бўйича атроф-муҳитга бўлган босим; атроф-муҳитда тўпланган зарар ва бошқа омиллар); шаҳар аҳолисининг саломатлиги ҳолати (меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз; ёш гуруҳлари бўйича аҳоли) ва унинг (аҳоли) маълумот даражаси; шаҳарлар тури ва аҳоли сони; шаҳарнинг ихтисослашуви (иқтисодиёт, фан, техниканинг устувор тармоқлари ёки бу ўз ҳудудида ноёб тарихий, маданий ва ҳ.к. ёдгорликларга эгаллиги); табиий ва географик омиллар (атроф-муҳит ҳарорати, сув объектларининг мавжудлиги, қуёшли ёки ёмғирли кунлар сони, энг кўп учрайдиган, жумладан, прогноз қилинадиган табиий ҳодисалар, ҳудуднинг сейсмик фаоллиги, сув тошқини зоналари ва бошқалар); шаҳарсозлик омиллари (мавжуд қурилишнинг табиати, шаҳарда устувор бўлган капитал қурилиш лойиҳаларининг хусусиятлари, жамоат жойлари, кўча ва йўл тармоқлари тизимини ривожлантириш ва бошқалар).

REFERENCES

1. Available at: <http://www.ox.ac.uk/>; <https://www.cam.ac.uk/>; <http://www.manchester.ac.uk/>; <http://www.hu-berlin.de/>; www.hs-mittweida.de/; <http://www.sorbonne-university.com/>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en/>; <https://www.useoul.edu/>; <http://web.mit.edu/>; <https://www.ecology.uga.edu/>; <https://www.indiana.edu/>; <http://www.sggw.pl/>; <http://www.uu.se/>; <https://www.uu.nl/en/>; www.rug.nl/; <http://www.wfindia.org/>; <http://www.mq.edu.au/>; <https://www.era.int/>; <https://www.ut.ee/>; <https://www.k6k.ee/>; <https://www.msu.ru/>; www.iseu.bsu.by/.
2. Aleksandrova A.Yu. Pravovoe regulirovanie ispolzovaniya zemel poseleniy dlya zastroyki v Rossii: Avtoref. diss. kand. yurid. nau [Legal regulation of the use of lands of settlements for building in Russia. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 2008, 28 p.
3. Usmonov M.B. Yer huquqi. Darslik [Land law. Textbook]. Tashkent, HTI, 2019, 348 p.
4. Bedova Ye.S. Pravovoy rejim zemel naselenix punktov. Avtoref. diss. kand. yurid. nauk [Legal regime of lands of settlements. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 2012, 28 p.
5. Bedova Ye.S. Planirovanie ispolzovaniya zemel naseleennykh punktov: ekologicheskiy aspekt. Materiali kruglogo stola [Land use planning in settlements: environmental aspect. Legal support of the unified state environmental policy of the Russian Federation]. Moscow, 2011, pp. 210-212. (In Russ.)

6. Lisina N.L. Pravovoy rejim zemel poseleniy: Avtoref. diss. ... kand. jurid. nauk. [Legal regime of settlement lands. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 2003, 28 p.
7. Ekologiya huquqi. Darslik. Mas'ul muharrir: prof. J.T. Xolmo'minov [Environmental law. Textbook. Responsible editor: prof. J.T. Xolmo'minov]. Tashkent, TSUL Publ., 2019, 285 p.
8. Voronin A.O. Predostavlenie zemel naselennyykh punktov dlya stroitelstva khozyaystvennykh i inyykh ob'ektov. Avtoref. diss. ... kand. jurid. nauk. [Provision of lands of settlements for the construction of economic and other facilities: Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Tver, 2009. 30 p.
9. Jerebnenko Yu.S. Sotsialno-ekologicheskie problemy upravleniya territorialnym razvitiem selskix poseleniy [Socio-ecological problems of managing the territorial development of rural settlements]. Geologiya, geografiya i globalnaya energiya. Geology, geography and global energy, Belgorod, 2012, no. 2, pp. 248-249.
10. Lisina N.L. Sovremennoe sostoyanie i problemi okrujayushey sredi v gorodax [Lisina N.L. Current state and environmental problems in cities]. Vestnik Kemerovskogo gosudarstvennogo universiteta – Bulletin of the Kemerovo State University. Kemerova, 2015, no. 4-2, 242 p.
11. Usmonov M.B. Yer huquqi. Darslik. [Land law. Textbook]. Tashkent, HTI, 2019, 348 p.
12. Yer huquqi. Darslik. [Land law. Textbook]. Tashkent, TDYU, 2019, 160 p.
13. Choltyan L.N. Voprosi klassifikatsii i pravovoy oxrani gorodskix naselyonnix punktov [Issues of classification and legal protection of urban settlements]. Pravo i gosudarstvo: teoriya i praktika. Law and state: theory and practice. Moscow, 2007, no. 9, pp. 113-116.
14. Choltyan L.N. Pravovoe obespechenie oxrani okrujayushey sredi v gorodskix naselennix punktax. Avtoref. diss. ... kand. jurid. nauk [Legal support of environmental protection in urban areas: Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 2009, pp. 10-11.
15. Tabolin V.V. Samoupravlenie v krupnykh gorodax [Self-government in large cities]. Moscow, Akademiya upravleniya MVD Rossii, 1999. pp. 9-10.
16. Zulfugarzade T.E. Zemelnoe prav. Uchebnoe posobie [Land Law: Study Guide]. Moscow, REU im. G.V. Plexanova, 2011, 78 p.
17. Erofeev B.V. Pravovoy rejim zemel gorodov [Legal regime of land of cities]. Moscow, 1996, 12 p.
18. Javoronkova N.G. Pravovie osnovi biznesa v sfere prirodopolzovaniya. Uchebnoe posobie [Legal foundations of business in the field of environmental management. Tutorial]. Moscow, Prospect, 2017, 54 p.
19. Choltyan L.N. Voprosi klassifikatsii i pravovoy oxrani gorodskix naselyonnix punktov [Issues of classification and legal protection of urban settlements]. Law and state: theory and practice – Pravo i gosudarstvo: teoriya i praktika, 2007, no. 9, pp. 113-116.
20. Baydjanov I.S. Aholi punktlari va jamoat markazlarini me'moriy rejalashtirish. O'quv qo'llanma [Architectural planning of settlements and community centers. Study guide]. Tashkent, 2019, pp. 3-4.
21. Persik Ye.N. Goroda mira. Geografiya mirovoy urbanizatsii [Cities of the world. The geography of world urbanization]. Moscow, Mejdunarodnie otnosheniya, 1999, 23 p.
22. Population of the earth. Available at: www.countrymeters.info/.
23. State of world's cities 2012/2013. Prosperity of Cities. United Nations Human Settlements Programme, 2012.
24. Vipxanova G.V. Landshaftnoe razvitie gorodskix i drugix territoriy: informatsionno-pravovie problemi [Landscape development of urban and other territories: information and legal problems]. Agrarnoe i zemelnoe pravo – Agrarian and Land Law Agrarian and Land Law, Moscow, 2008, no. 6, 105 p.
25. Evdokimova T.V. Pravovaya ohrana esteticheskix svoystv landshaftov [Legal protection of the aesthetic properties of landscapes]. Moscow, Yurlitinform, 2012, 104 p.
26. Moskova D.B., Lebedeva A.P., Chursina E.A. Problemi shumovogo zagryazneniya okrujayushey sredi. Sovremennye problemi geografii: mejvuzovskiy sbornik nauchnix trudov [Problems of noise pollution of the environment. Modern problems of geography: interuniversity collection of scientific papers]. Astrahan, 2019, pp. 153-154. (In Russ.)

27. Beleskaya R.I. Pravovaya oxrana vodnix obektov po novomu Vodnomu kodeksu RF [Legal protection of water bodies according to the new Water Code of the Russian Federation]. Agrarian and Land Law – Agrarnoe i zemelnoe pravo, 2007, no. 1, 114 p.
28. Choltyan L.N. Osobennosti i prinsipi pravovoy ohrani okrujayushey sredi v gorodskix naselyonnih punktah [Features and principles of legal environmental protection in urban settlements]. Agrarian and Land Law – Agrarnoe i zemelnoe pravo, 2008, no. 10, pp. 111-112.
29. Petrov V.V. Konsepsiya vzaimodeystviya obshestva i prirodi – nauchnaya osnova ekologicheskogo prava [The concept of interaction between society and nature – the scientific basis of environmental law]. Methodological problems of jurisprudence – Metodologicheskie problemi pravovedeniya, Moscow, Publishing house of Moscow University, 1994, p. 133.
30. Lisina N.L. Istoriya razvitiya rossiyskogo zakonodatelstva po ohrane okrujayushey sredi v gorodah [The history of the development of Russian legislation on environmental protection in cities]. Bulletin of the Udmurt University – Vestnik Udmurtskogo universiteta, 2017, no. 27, pp. 128-129.
31. Lisina N.L. Sovremennoe sostoyanie i problemy okrujayushey sredi v gorodax [Current state and environmental problems in cities]. Bulletin of the Kemerovo State University. Kemerova – Vestnik Kemerovskogo gosudarstvennogo universiteta, 2015, no. 4-2, pp. 242-243.
32. Vancouver Declaration on Settlements. Adopted by the United Nations Conference on Settlements. Vancouver, Canada, 1976 May 31 – June 11. Available at: www.un.org/ru/documents/decl_conv/decl_habitat.shtml/.
33. New Urban Development Program (Kyoto Declaration on Sustainable Cities and Human Settlements for All). Adopted at the UN Conference on Housing and Sustainable Urban Development Habitat III (17-20 October 2016, Kyoto, Ecuador). Available at: www.habitat3.org/.
34. Brinchuk M.M. Zakoni prirodi i obshestva [The laws of nature and society]. Moscow, 2015, 13 p.; Teoriya gosudarstva i prava. Uchebnik. [Theory of state and law. Textbook]. Moscow, 2007, 198 p.; Brinchuk M.M. Pravovoy mexanizm podgotovki i prinyatiya ekologicheskix znachimyx resheniy [Legal mechanism for the preparation and adoption of environmentally significant decisions]. State and Law – Gosudarstvo i pravo. 2000, no. 9, pp. 49-50.
35. Kozyr O.M. Pravovaya ohhrana okrujayushey sredi v selskom xozyaystve [Legal protection of the environment in agriculture]. Agrarnoe i zemelnoe pravo. Agrarian and Land Law, 2006, no. 10, 100 p.
36. Demidovich V.D. O pravovom obespechenii ohrani okrujayushey sredi v selskom xozyaystve Respubliki Belarus [On the legal support of environmental protection in agriculture of the Republic of Belarus]. Electronic library of BSEU. Available at: www.edoc.bseu.by/.
37. Ilyasova M.T., Akimjanova T. Pravovie voprosi ohrani okrujayushey prirodnoy sredi ot zagryazneniya toksichnimi veshchestvami [Legal issues of environmental protection from pollution by toxic substances]. Bulletin of KazNU – Vestnik KazNU, 2008, no. 8, 23 p.
38. Biological resources – COVID-19. Legal support of biological resources for scientific purposes and biological safety. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 2020, vol. 7, issue 2, pp. 714-724. Available at: https://ejmcm.com/article_2125.html/.
39. Skripnikov N., Kenjaev R. Sovershenstvovanie agrarnogo zakonodatelstva v usloviyax izmenyayushegosya klimata: na primere Uzbekistana [Improvement of agrarian legislation in a changing climate: on the example of Uzbekistan]. Bulletin of legal sciences – Vestnik yuridicheskix nauk – Bulletin of legal sciences, 2018, no. 4, pp. 58-61. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-agrarnogo-zakonodatelstva-v-usloviyah-izmenyayushegosya-klimata-na-primere-uzbekistana/>.
40. Skripnikov N., Mirzaabdullaeva M. Pravovoe obespechenie nauchnix issledovaniy v agrarnom sektore [Legal support of scientific research in the agricultural sector]. Bulletin of legal sciences – Vestnik yuridicheskix nauk, 2018, no. 2, pp. 67-72. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-obespechenie-nauchnyh-issledovaniy-v-agrarnom-sektore/>.

UDC: 343.3(314.7)

ORCID: 0000-0001-9249-1238

МИГРАЦИЯ СОҶАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ БЕЛГИЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Джолдасова Сахипжамал Джалгасовна,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси
мустақил тадқиқотчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент,
e-mail: sakhipjamal.djoldasova@gmail.com

Аннотация. *Миграция жараёни жаҳон мамлакатлари ривожланиши ҳамда инсон манфаатларига таъсир қилувчи мукамал ва кўп қиррали ҳодисадир. Бир томондан, миграция Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан барқарор ривожланиш мақсадларининг бири сифатида олиб қараладиган бўлса, иккинчи томондан, миграцияни қабул қилувчи ривожланган давлатлар учун ноқонуний миграцияга қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни жиловлаш каби муаммоларни бартараф этиш масалаларининг долзарблигини оширади. Миграция, асосан, дунёнинг айрим ҳудудларидаги нотинч ҳолатлар, иқтисодий инқирозлар, ижтимоий ҳимояланмаганлик натижасида келиб чиқмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш жараёнида ҳар доим ҳам қонунларга риоя этилмаслиги, шунингдек, жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида қонунни четлаб ўтишлар ноқонуний миграцияни келтириб чиқармоқда. Шу боис давлатлар миграция жараёнини самарали бошқариш мақсадида ўзларининг жиноят қонунчиликларида миграция соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари белгиланган. Мазкур мақолада миграция жараёнини самарали бошқариш учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш масалалари ҳамда бу борада миллий ва хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинди. Натижада миллий қонунчилигимизда миграция соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни белгиловчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурияти асослантирилди.*

Калит сўзлар: *миграция, ноқонуний миграция, миграция соҳасидаги жиноятлар, жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик, либерализация, миграция соҳасидаги қонун ҳужжатлари.*

ВОПРОСЫ УСТАНОВЛЕНИЯ УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НАРУШЕНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ МИГРАЦИИ

Джолдасова Сахипжамал Джалгасовна,

кандидат юридических наук,
доцент, соискатель Академии Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан

Аннотация. *Миграционный процесс является сложным и многогранным явлением, которое влияет на развитие мира и государств, а также затрагивает интересы человека. С одной стороны, Организация Объединенных Наций рассматривает миграцию через призму человеческого развития, с другой стороны, для развитых стран, принимающих мигрантов, актуальное значе-*

ние приобретают борьба с незаконной миграцией, обеспечение общественного порядка, ликвидация преступлений. В отдельных регионах мира нестабильная ситуация, экономические кризисы, социальная незащищенность населения приводит к их переселению с одного места на другое, обходя правовые предписания, также во избежания ответственности за совершенное преступление пересекают границы незаконным способом, что приводит к незаконной миграции. Поэтому государства в целях эффективного управления миграционным процессом определяют вопросы ответственности за нарушение миграционного законодательства в своих уголовных законах. В настоящей статье для успешного регулирования миграционного процесса определены вопросы установления уголовно-правовой ответственности и в данном направлении проведен сравнительно-правовой анализ национального и зарубежного законодательства. В результате обоснована необходимость совершенствования законов, устанавливающих уголовно-правовую ответственность за нарушение законодательства в сфере миграции.

Ключевые слова: миграция, незаконная миграция, преступления в сфере миграции, уголовно-правовая ответственность, либерализация, законодательство в сфере миграции.

ISSUES OF ESTABLISHING CRIMINAL LIABILITY FOR VIOLATION OF LEGISLATION IN THE FIELD OF MIGRATION

Djoldasova Sakhijamal Djalgasovna,

Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor,
Applicant for the Academy

of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Abstract. The migration process is a complex and multifaceted phenomenon that affects the development of the world and states, as well as human interests. On the one hand, the United Nations considers migration through the prism of human development, on the other hand, the fight against illegal migration, ensuring public order, and eliminating crime are of urgent importance for the developed countries that accept migration. In some regions of the world, the unstable situation, economic crises, social insecurity of the population leads to their relocation from one place to another, bypassing legal regulations, as well as in order to avoid responsibility for the crime committed, they cross borders in an illegal way, which leads to illegal migration. Therefore, in order to effectively manage the migration process, States define the issues of liability for violations of migration legislation in their criminal laws. In this article, for the successful regulation of the migration process, the issues of establishing criminal liability are identified, and a comparative legal analysis of national and foreign legislation is carried out. As a result, the necessity of improving the laws establishing criminal liability for violation of legislation in the field of migration was substantiated.

Keywords: migration, illegal migration, crimes in the field of migration, criminal liability, liberalization, legislation in the field of migration.

Кириш

Миграция жараёни халқаро, давлатлараро ва шахслар ўртасида муносабатлар ҳамда алоқаларни ривожлантириш билан бирга, айрим ҳолатларда давлат ва жамият хавфсизлигига салбий таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Асосан, миграция оқимини қабул қилувчи давлатларда бу жараёнларнинг

фаоллашуви жиноятчилик кўрсаткичлари ўсишига таъсир қилаётгани, жумладан, мигрантлар томонидан (қасддан, зўравонлик ишлатиш йўли билан) аҳоли саломатлиги ва ахлоққа (ғийҳвандлик моддаларини ноқонуний тарқатиш, фоҳишаликни ташкиллаштириш, порнографик маҳсулотларни тарқатиш ва бошқалар), давлат ва жамият хавфсизлигига қарши

(*диний экстремизм ва халқаро терроризм*) жиноятлар содир этилаётгани кузатишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айрим ҳудудларда нотинч ҳолатлар, иқтисодий инқирозлар, ижтимоий ҳимояланмаганлик оқибатида, шунингдек, жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида қонунни четлаб ўтиш йўллари билан ноқонуний миграция келиб чиқмоқда.

Чет эл давлатлари қонунчилигида ноқонуний миграция учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг таҳлили уларни қуйидагича таснифлаш имконини беради.

Биринчидан, ноқонуний миграция жиноий қилмиш сифатида шу ном билан жиноят қонунчилигида киритилган. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 322¹-моддаси [4], Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 335²-моддаси [5], Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 394-моддаси [6], Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 371¹-моддаси [7], Туркия Республикаси Жиноят кодексининг 79¹-моддаси [8] “*Ноқонуний миграцияни ташкил этиш*” деб номланиб, уни бузганлик учун тегишли жавобгарлик чоралари белгиланган.

Иккинчидан, мазкур жиноий қилмиш жиноят қонунчилигида белгиланмаган, бироқ ноқонуний миграцияга олиб келувчи омиллардан ташкил топган ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган. Масалан, Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 329-моддаси [9], Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 318, 318¹, 318²-моддалари [10], Туркманистон Республикаси Жиноят кодексининг 214-моддаси [11], Грузия Жиноят кодексининг 344-344¹-моддалари [12] ва Украина Республикаси Жиноят кодексининг 332, 332¹, 332²-моддаларида [13] ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларга давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, чегара назорати тар-

тиб-қоидаларини бузиш каби қилмишлар киритилган.

Шу билан бирга, одамларни давлат чегарасидан ноқонуний олиб ўтиш мазкур давлатларнинг Жиноят кодексларида назарда тутилган бошқа турдаги жиноятлар (*одам ўғирлаш, терроризм ва бошқалар*)ни содир этиш усули сифатида кўрсатилганини кўришимиз мумкин.

Миллий қонунчилигимизда ҳам миграция соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, юқорида қайд этилган давлатларнинг қонунчилигидан ўзининг либераллиги билан фарқланади.

Хусусан, миллий жиноят қонунчилигимизда “*ноқонуний миграция*” атамаси мавжуд эмас. Бироқ миграцияни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган тақиқларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Миллий қонунчилигимизда миграция соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун *жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни либераллаштириш* йўлидан борилмоқда. Бундай ёндашувни қуйидаги омиллар таъсири билан изоҳлашимиз мумкин:

биринчидан, дунёда Ўзбекистон меҳнат мигрантлари билан таъминловчи донор давлат ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиз сиёсатида хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини яратиш муҳим ўрин тутаяди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда юбориш ишлари йўлга қўйилган;

иккинчидан, Ўзбекистон иқтисодиётида туризм стратегик аҳамиятга эга соҳа бўлиб, унда туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш билан бирга, мамлакатга кириш ва унда бўлиш тартибини соддалаштиришга қаратилган ислоҳотлар давом этмоқда. Хусусан, ушбу ислоҳотлар доирасида 2019

йил 5 ноябрда қабул қилинган тегишли қонунга асосан, Жиноят кодексининг чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи 224-моддаси ўз кучини йўқотган деб топилди;

учинчидан, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда яшаш гувоҳномаси асосида яшаб турган фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон фуқаролигини олиш имкониятини берди. Хусусан, 2017–2019 йилларда 9 минг 632 нафар шахс Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилди [15]. Бу, ўз навбатида, фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳар хил сабабларга кўра Ўзбекистонда бўлиш қоидаларига мувофиқ яшаш гувоҳномаларини ўз вақтида расмийлаштирмаганлик учун жавобгарликка тортиш ҳолатлари камайишига олиб келди;

тўртинчидан, Президентнинг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб хорижга чиқиш учун рухсат ёзув стикерини расмийлаштириш тартиби бекор қилиниши натижасида Ўзбекистон фуқароларининг эркин ҳаракат қилишига ҳалақит бераётган айрим омиллар бартараф этилди.

Миллий қонунчилигимизда миграция соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳамалоҳида жиноят сифатида, ҳам бошқа жиноятлар объектив тарафининг белгилари сифатида кўрсатилган.

Хусусан, Жиноят кодексига “Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш” деб номланган алоҳида модда мавжуд бўлиб, “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” тартибига киритилган. Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги давлат органлари ва ташкилотлари бошқарув фаолияти-

нинг нормал бажарилишини таъминловчи ижтимоий муносабатларнинг бузилишида кўринади.

Ўз навбатида, мазкур жиноятнинг субъекти қуйидагилар ҳисобланади:

– *давлат чегарасини бузувчи шахс (Ўзбекистон фуқароси, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар).* “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, давлат чегарасини давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидан бошқа жойдан ёки ўтказиш пунктлари орқали бўлса-да, лекин чегарани кесиб ўтиш қоидаларини бузган ҳолда ҳар қандай усул билан кесиб ўтган ёки кесиб ўтишга ҳаракат қилаётган шахслар, чет элга кетаётган транспорт воситаларига Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда чиқиб кетиш мақсадида чиқиб олган ёки чиқиб олишга уринаётган шахслар давлат чегарасини бузувчилар ҳисобланади;

– *чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги қарори билан хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президенти билан махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахсларнинг, хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тегишли хизматлари билан махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатлари тасдиқланган бўлиб, унга кўра, давлат сири ёки ҳарбий сирни ташкил этувчи маълумотлардан хабардор мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиши белгиланган тартибда махсус келишувга асосан амалга оширилади;

– *Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс.* Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартибининг 22-бандида чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаган, вақтинчалик ёки доимий рўйхатдан ўтиш, ҳаракатланиш ёки яшаш жойини танлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилмаган, бўлиш муддати тугаганидан кейин чиқиб кетишдан бўйин товлаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит ўтиш қоидаларига риоя этмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юбориб, кейинчалик унинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бир йилдан уч йилгача чекланиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этган жинояти учун суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган ёки ўтаб бўлганидан кейин ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилиб, бундан кейин унинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи: катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлик учун – беш йилга, оғир жиноятларни содир этганлик учун – ўн йилга, ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун – умрбод чекланиши белгиланган.

Жиноят кодексида миграция соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик бошқа турдаги оғир ва ўта оғир жиноятларнинг *объектив тарафи белгилари* сифатида кўрсатилган. Хусусан:

– Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми “з” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор жабрланувчини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки унинг ҳудудига давлат чегараси орқали (қонуний ёки қонунга хилоф тарзда) ёки бошқа тарзда ўтказди ёхуд шахсни унинг эркига зид равишда хорижий давлат ҳудудида ушлаб туради. Жабрланувчини чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиш ёки Ўзбекистон Республикаси дипломатик ёки консуллик муассасалари билан алоқа боғлаш имкониятидан маҳрум қилганида;

– Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор жабрланувчини қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек, жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда одам савдоси жиноятини содир этганда.

Миграция соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни белгилашга оид хорижий ва миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, миграция оқимини қабул қилувчи давлатларда мазкур жиноятни содир этганлик учун жазони оғирлаштириш тенденцияси [17] кузатилса, миллий қонунчилигимизда, аксинча, мазкур ҳаракатларни жиноий таркибидан маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибига ўтказиш ва жазони енгиллаштириш сари йўл тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг алоҳида таркибини босқичма-босқич жиноий юрисдикциядан чиқариш сиёсатини давом эттириш ҳамда жиноий жазоларнинг санкцияларини жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва харак-

тери билан қатъий мувофиқлаштириш давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгиланган.

Миллий қонунчилигимизда миграция соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик жиноят сифатида фақат Жиноят кодексининг 223-моддасида белгиланган бўлса-да, ушбу модданинг биринчи қисми диспозициясида белгиланган ҳаракатларни биринчи марта содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш долзарб ҳисобланади.

Ушбу моддага оид жиноятларнинг статистик таҳлили ундаги кўрсаткичларнинг йилдан йилга пасайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2018 йилда ушбу йўналишда жами тергов қилинган ишлар сони 1216 тани, 2019 йилда 637 тани, 2020 йилда 106 тани ташкил этган. Тергов қилинган ишлар натижасига кўра, 2018 йилда 125 та (10%), 2019 йили 281 та (44%), 2020 йилда 73 та (68%) жиноят иши тугатилган/тўхтатилган [18].

Шу боис, либераллаштириш нуқтаи назаридан Жиноят кодексининг 223-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс юрисдикциясига қисман ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу ерда Жиноят кодексининг 223-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун биринчи марта маъмурий жавобгарлик белгилаш, бир йил давомида иккинчи марта ушбу ҳаракатларни содир этганлик учун Жиноят кодексининг 223-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жинойий жавобгарлик келиб чиқиши кўзда тутилмоқда.

Бу борада чет эл давлатларининг қонунчилик тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, қонунга хилоф равишда чегарадан ўтиш Беларусь Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 23.29-моддаси [19], Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар

тўғрисидаги кодексининг 514-моддаси 1-қисми 2-банди [20] билан тартибга солинганини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 223-моддаси санкцияларини ҳам ушбу ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, жазони оқилона ва мутаносиб равишда қўллашни таъминлаш мақсадида биринчи қисмининг санкциясидан “*уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш*” жазо турини чиқариб ташлаш, иккинчи қисмининг санкциясида “*беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш*” жазоси муддатини “*уч йилдан беш йилгача*” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

МДХ давлатларининг бу борадаги қонунчилик тажрибаси таҳлили қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки давлатга кирганлик учун жазони қўллашда енгиллаштириш нуқтаи назардан ёндашилганини кўрсатади.

Хусусан, Россия Федерацияси Жиноят кодексида давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки зўрлик ишлатиб ёхуд қўрқитиб содир этилган бўлса, олти йилгача [21], Қирғиз Республикаси Жиноят кодексида эса беш йилгача муддатга [22] озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Украина Жиноят кодексида давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат қурол ишлатилса [23] қўлланилади. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида қасддан давлат чегарасини кесиб ўтиш чет эллик фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан қўлланилади ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди, айбланувчи фақат жарима ёки муайян муддатга давлатга кириш ҳуқуқидан маҳрум қилинади [24].

Жиноят кодексининг 223-моддасига тақлиф этилаётган ўзгартиришлар мамла-

катимизда жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза этилишини таъминлашга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Statisticheskie i analiticheskie dannie po napravleniyu protivodeystvie nezakonnoy migratsii Glavnogo upravleniya po bor'be s terrorizmom i ekstremizmom [Statistical and analytical data of the Main Directorate for Combating Terrorism and Extremism of the Ministry of Internal Affairs in the fight against illegal migration].
2. Ugolovniy kodeks Rosisskoy Federatsii. Prinyat Federalnim zakonom № FZ-63 ot 13 iyunya 1996 goda [Criminal Code of the Russian Federation. Approved by Federal Law No. 63-FZ of June 13, 1996]. Available at: https://www.consultant.ru /document/cons_doc_ LAW_10699/.
3. Ugolovniy kodeks Respubliki Tadjikistan. Prinyat Zakonom № 574 ot 21 maya 1998 goda [Criminal Code of the Republic of Tajikistan. Approved by Law No. 574 of May 21, 1998]. Available at: <http://ncz.tj/content/уголовный-кодекс-республики-таджикистан/>.
4. Ugolovniy kodeks Respubliki Kazaxstan. Prinyat Zakonom № 226-V ot 9 iyunya 1999 goda [Criminal Code of the Republic of Kazakhstan. Approved by Law No. 226-V of June 3, 2014]. Available at: https://online.zakon.kz/m/document?doc_id=31575252/.
5. Ugolovniy kodeks Respubliki Belarus. Prinyat Zakonom № 275-3 ot 9 iyulya 1999 goda [Criminal Code of the Republic of Belarus. Approved by Law no. 275-3 of July 9, 1999]. Available at: <https://уроловный-кодекс.бел/>.
6. Ugolovniy kodeks Turtsii. Prinyat zakonom .№ 5237 ot 12 oktyabrya 2004 goda [Turkish Criminal code. Law Nr.№ 5237. Official Gazette No. 25611 dated 12.10.2004]. Available at: <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/tr/tr171en.pdf/>.
7. Ugolovniy kodeks Respubliki Armeniya. Prinyat Zakonom № 528 ot 29 aprelya 1999 goda [Criminal Code of the Republic of Armenia. Approved by Law No. 528 of 29 April 2003]. Available at: <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus/>.
8. Ugolovniy kodeks Respubliki Azerbayjan. Prinyat 30 dekabrya 1999 goda [Criminal Code of the Republic of Azerbaijan. Approved December 30, 1999]. Available at: <http://e-qanun.az/code/11/>.
9. Ugolovniy kodeks Respubliki Turkmenistan. Prinyat Zakonom № 104-IV ot 10 maya 2010 goda [Criminal Code of the Republic of Turkmenistan. Approved by Law No. 104-IV of May 10, 2010]. Available at: <http://www.minjust.gov.tm/mcenter-single-ru/5/>.
10. Ugolovniy kodeks Gruzii. Prinyat Zakonom № 2287 ot 22 iyulya 1999 goda [Criminal Code of Georgia. Approved by Law No. 2287 of July 22, 1999]. Available at: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426/>.
11. Ugolovniy kodeks Ukraini. Prinyat Zakonom № 2341-III ot 5 aprelya 2001 goda [Criminal Code of Ukraine. Approved by Law No. 2341-III of April 5, 2001]. Available at: <https://meget.kiev.ua/kodeks/ugolovniy-kodeks/>.
12. Rashitov L.R. Ugolovno-pravovie meri protivodeystviya prestupleniyam v sfere nezakonnoy migratsii [Criminal legal measures to counter crimes in the field of illegal migration. Russ. ed.: Rashitov L.R.]. Bulletin of Economics, Law and Sociology, 2015, no. 4, p. 223.
13. Po dannim Ministerstva vnutrennix del Respubliki Uzbekistan 2019 godu v Uzbekistane projivali 95 857 lits bez grajdanstva, chto sostavlyalo 78,5 protsentov vsekh lits bez gtajdanstva v Tsentralnoy Azii [According to the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, in 2019, 95,857 stateless persons lived in Uzbekistan, which is 78,5 % of the total number of stateless persons in Central Asia].

14. Informatsiya, poluchennaya s doklada Prezidenta Respubliki Uzbekistan Shavkata Mirziyoyeva, posvyashennaya 27-letiyu prinyatiya Konstitutsii Respubliki Uzbekistan [Information taken from the speech of President Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the 27th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan]. Available at: <http://president.uz/uz/lists/view/3119>.

15. Poslanie Prezidenta Respubliki Uzbekistan Shavkata Mirziyoyeva Oliy Majlisu [President Shavkat Mirziyoyev's Address to the Oliy Majlis]. Available at: <http://president.uz/uz/lists/view/4057/>.

16. V pravovoy literature zarubejnix stran nablyudaetsya rekomendatsii, napravlennie na ujestochenie ugovnoy otvetstvennosti za narushenie zakonodatelstva v sfere mifratsii [The legal literature of foreign countries also contains recommendations aimed at aggravating criminal liability for violations of the legislation in the field of migration].

17. Andryushenko V.A. Ugolovnaya otvetstvennost' za organizatsiyu nezakonnoy migratsii. Avtoreferat dissertatsii na soiskanie uchenoy stepeni kandidata yuridicheskikh nauk [Criminal liability for organizing illegal migration. Abstract of a dissertation for the degree of candidate of legal sciences]. Omsk, 2016, 19 p.

18. Rashitov L.R. Otvetstvennost' za prestupleniya v sfere migratsii po ugovnom zakonodatel'stvu zarubezhnykh stran [Responsibility for crimes in the field of migration under the criminal legislation of foreign countries. Gaps in Russian legislation]. 2016, no. 6, pp. 289-293.

19. Akimenko P.A. Sravnitel'nyy analiz ugovno-pravovykh norm Rossiyskogo i zarubezhnogo zakonodatel'stva, predusmatrivayushchikh otvetstvennost' za prestupleniya v sfere migratsionnykh otnosheniy [Comparative analysis of criminal law norms of Russian and foreign legislation providing for liability for crimes in the field of migration relations]. Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of the Russian Federation, 2018, no. 4, pp. 185-193.

20. Analiz rassleduemix del po stat'e 223 Ugolovnogo kodeksa Sledstvennim departamentom pri MBD i ix territorialnymi podrazdeleniyami (2018-2020) [Analysis of crimes investigated under Article 223 of the Criminal Code by the Investigation Department and sub-investigation units under the Ministry of Internal Affairs (2018-2020)].

21. Kodeks ob administrativnoy otvetstvennosti Respubliki Belarus. Prinyat Zakonom № 194 ot 21 aprelya 2003 goda [Administrative Responsibility Code of the Republic of Belarus. Approved by Law No. 194 of April 21, 2003]. Available at: https://kodeksy-by.com/koap_rb.htm/.

22. Kodeks ob administrativnoy otvetstvennosti Respubliki Kazaxstan. Prinyat Zakonom № 235-V ot 13 iyunya 1996 goda [Administrative Offenses Code of the Republic of Kazakhstan. Approved by the Law of the Republic of Kazakhstan dated July 5, 2014 no. 235-V]. Available at: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31577399/.

23. Ugolovniy kodeks Rosisskoy Federatsii. Prinyat Federalnim zakonom № FZ-63 ot 13 iyunya 1996 goda [Criminal Code of the Russian Federation. Approved by Federal Law no. 63-FZ of June 13, 1996]. Available at: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/.

24. Ugolovniy kodeks Respubliki Kirgizstan. Prinyat Zakonom № 19 ot 2 fevralya 2017 goda [Criminal Code of the Kyrgyz Republic. Approved by Law No. 19 of February 2, 2017]. Available at: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111527/>.

25. Ugolovniy kodeks Ukraini. Prinyat Zakonom № 2341-III ot 5 aprelya 2001 goda [Criminal Code of Ukraine. Approved by Law no. 2341-III of April 5, 2001]. Available at: <https://meget.kiev.ua/kodeks/ugolovniy-kodeks>.

26. Ugolovniy kodeks Respubliki Kazaxstan. Prinyat Zakonom № 226-V ot 9 iyunya 1999 goda [Criminal Code of the Republic of Kazakhstan. Approved by Law no. 226-V of June 3, 2014]. Available at: https://online.zakon.kz/m/document?doc_id=31575252/.

UDC: 2 (042)(575.1)

ORCID: 0000-0003-1844-5289

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР МАСАЛАЛАРИ

Иброҳимова Зулхумор Солих қизи,
Тошкент давлат юридик университети
таянч докторанти,
e-mail: zulxumor2021@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада ислом ҳуқуқида оила ва оилавий муносабатларга қарши жиноятлар масалалари батафсил кўриб чиқилган. Хусусан, муаллиф томонидан ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий йўналтирилган давлат сифатида Ўзбекистон моҳиятан диний мамлакат эмаслигига қарамай, бу ерда ҳозирги пайтда анъанавий жаҳон динларининг деярли бутун спектри мавжудлиги қайд этилади. Айни чоғда мамлакатда оила инсонга бутун ҳаёти давомида йўлдош бўлиб борадиган энг муҳим ижтимоий институт экани алоҳида таъкидланади. Мазкур институтнинг шахсга таъсирининг аҳамияти, мураккаблиги, кўп қирраллиги ва муаммоли табиати оилани ўрганишда кўплаб илмий ёндашувлар ҳамда илмий таҳлиллар бўлишини тақозо этиши, шу муносабат билан мусулмон оилаларида пайдо бўладиган криминоген ҳолатларни эр ва хотин, ота ва болалар ўртасидаги муносабатлар, умуман, оила институтини тартибга солувчи шариат қонунлари орқали кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги, шариатда жиноят ҳуқуқи нисбатан кам ривожланган қисм экани, ундаги нормалар архаик тусга эга бўлиб, нисбатан паст даражадаги юридик техникани акс эттириши, ислом жиноят ҳуқуқида зино, зино ҳақида ёлғон хабар бериш, жиноий аборт каби оилага қарши жиноий қилмишлар тушунчаси, ушбу жиноятлар учун жазолар, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳамда бошқалар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Ислом, шариат, Куръон, зино, оила, эр-хотин, никоҳ, ажрим, жиноят, жазо, жиноятлар таснифи.

ВОПРОСЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ СЕМЬИ И СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ

Иброҳимова Зулхумор Солих қизи,
базовый докторант
Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В данной статье подробно рассматриваются вопросы преступлений против семьи и семейных отношений в исламском праве. В частности, автор отмечает, что хотя Узбекистан как правовое, светское, демократическое и социально ориентированное государство не является по сути религиозной страной, в настоящее время в стране существует и действует практически полный спектр традиционных мировых религий. Важность института семьи, его сложность, многогранность и проблемный характер его воздействия на человека требуют исследования множества научных подходов и научного анализа при изучении семьи, криминогенной ситуации в мусульманских семьях, взаимоотношений между мужем и женой, отцом и детьми,

законов шариата, регулирующих семью в целом, отмечается, что уголовное право является относительно неразвитой частью шариата, поскольку его нормы архаичны по своей природе, оно отражает относительно низкий уровень юридической техники. Рассмотрены имеющиеся в исламском уголовном праве понятия таких преступлений, как прелюбодеяние, ложное сообщение о супружеской неверности, преступный аборт и иные уголовные преступления против семейных институтов, наказания за эти преступления, смягчающие и отягчающие обстоятельства и т. д.

Ключевые слова: ислам, шариат, Коран, прелюбодеяние, семья, супруги, брак, развод, преступление, наказание, классификация преступлений.

ISSUES OF CRIMES AGAINST THE FAMILY AND FAMILY RELATIONS IN ISLAMIC LAW

Ibrokhimova Zulhumor Solih kizi,

Base doctoral student Tashkent State University of Law

Abstract. *This article reveals in detail the issues of crimes against the family and family relations in Islamic law. In particular, the author notes that although Uzbekistan, as a legal, secular, democratic and socially oriented state, is not essentially a religious country, at present, almost the entire spectrum of traditional world religions exists and operates in the country. The importance of the institution of the family, its complexity, versatility and the problematic nature of its impact on an individual require the study of many scientific approaches and scientific analyzes in the study of the family, the crime situation in Muslim families, the relationship between husband and wife, father and children, Sharia law governing the family as a whole, it is noted that criminal law is a relatively undeveloped part of Sharia law, since its norms are archaic in nature, it reflects a relatively low level of legal technology, the concepts of such crimes as adultery, false reporting of adultery, criminal abortion and other criminal offenses against family institutions, as well as punishments for these crimes, mitigating and aggravating circumstances, etc.*

Keywords: *Islam, Sharia, Koran, adultery, family, spouses, marriage, divorce, crime, punishment, classification of crimes.*

Кириш

Ўзбекистон суверен тараққиёти давомида ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий йўналтирилган давлат сифатида ҳақиқий плюрализм учун шароит яратмоқда ва жамият моҳиятан диний эмаслигига қарамай, ҳозирги пайтда бизда жаҳондаги анъанавий динларнинг деярли бутун спектри мавжуд. Фуқароларнинг динга бўлган муносабатини белгилашга давлат ҳалақит бермайди. Ҳеч кимни динига қараб камситиш мумкин эмас. Давлат ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг ўз эътиқодларига мувофиқ болаларни тарбиялашга аралашмайди, болалар хавф остида бўлган ёхуд уларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолатлар бундан мустасно.

Оила инсонга бутун ҳаёти давомида йўлдош бўладиган энг муҳим ижтимоий институтдир. Шахсга таъсирининг аҳамияти, мураккаблиги, кўп қирралилиги ва муаммоли табиати оилани ўрганишда кўплаб илмий ёндашувларни ҳамда илмий таҳлиллар бўлишини тақозо этади.

Материал ва методлар

Тадқиқот предмети – оила ижтимоий институт, кичик гуруҳ, муносабатлар тизими сифатида.

Ҳозиргача дин, фалсафа ва фан инсоният учун муҳим, асосий, ҳаётий масалаларда умумий алоқа нуқталарини топа олмайди. Шарқий маданий анъана диний ва фалсафий негизга асосланади, Ғарб эса фалсафанинг фанга тортишиш кучи билан ажралиб

туради. Бугунги кунда инсоният тарихида дунёқараш парадигмаларининг ўзгариши, динни, фалсафани, уларнинг бир-бирини тўлдириш ва бойитиш орқали дифференциациядан интеграция ва синтезга ўтиши аллақачон янги сифат даражасида эътироф этилган.

Ислом дастлаб Ўзбекистонга араблар орқали кириб келган ва шу сабабли унинг аксарият қонунлари айнан шу этник гуруҳ ҳаёти ва анъаналарини акс эттирган. Исломни жорий этишда сиёсий аркон ҳам муҳим роль ўйнаган, аммо кўчманчи халқларнинг исломни қабул қилиши учун муҳим шарт динни маҳаллий урф-одатлар ва эътиқодларга оқилона мослаштириш эди. Айнан шу ҳолатларнинг бирлашиши сунний мазҳабда исломнинг дунёни интеллектуал идрок этиш, аждодларимиз онги ва қалбида ўз ўрнини топишига имкон берди. Айнан шу мазҳабга хос бағрикенглик ва фикр эркинлиги кўплаб динлар вакилларининг ўлкамизда асрлар давомида яшашини осонлаштирди. Ҳар бир халқ ўз миллий урф-одатларига яқин бўлган эътиқод шаклини танлаган.

Ислом ўзбек халқининг муқаддас дини сифатида ўз ўрнига эгаллиги шак-шубҳасиз. Шу боис, исломда оила институтининг ўрни, мазмуни ва аҳамияти, оилавий муносабатларга путур етадиган қилмишларни жазолаш масалаларини ўрганиш зарур.

I. Оилавий муносабатларни тартибга солиш масалалари

Исломда никоҳ. Мусулмон оилаларда пайдо бўладиган криминоген ҳолатларни эр ва хотин, ота ва болалар ўртасидаги муносабатлар, умуман, оила институти тартибга солувчи шариат қонунлари орқали кўриб чиқиш мумкин. Шариатга кўра, никоҳ аёл эркак учун “тақиқланган”, бегона бўлишни бекор қиладиган ва келин «мен ўзимни муайян бир маҳрга кўра сизнинг хотинингиз деб биламан», дейи-

ши ва куёвнинг «ўз никоҳимга қабул қилдим», деган жавобидан иборат формулага асосланади [15, 130-б.]. Никоҳни ишончли шахслар орқали ҳам амалга оширса бўлади, яъни никоҳга розилик куёв ёки келиннинг отаси ёки васийси орқали олиниши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, никоҳ шартномаси тузилгунга қадар келин ва куёвнинг бир-бирини кўриши тақиқланади. Бундай қаттиқ тақиқлар асрлар давомида мавжуд бўлиб, ўрта асрнинг машҳур асари бўлмиш “Лайли ва Мажнун”нинг асосини ташкил этган 1.

Шариат турмуш қурган аёлларга кўплаб талабларни юклайди: улар эрларининг руҳсатисиз уйдан чиқиб кетишга ҳақлари йўқ; улар уй сақлаши, овқат пишириши, эрининг кийимларини ювиши шарт; хотин эри билан жинсий алоқани асосли сабабсиз рад эта олмайди. Агар турмуш қурган аёл ўз вазифаларини бажаришдан бош тортса, у ҳолда эр уни овқат, уй-жой, нарсалар билан таъминлашдан бош тортишга ҳақлидир ва итоатсизлиги учун хотинини жазолаши мумкин. Никоҳ ва оилага оид бошқа турли қоидалар мавжуд, уларнинг тавсифи жуда кўп жойни эгаллайди, аммо уларни тушуниш бизга мусулмон оиласидаги аёлнинг ижтимоий-психологик ҳолатини билишга имкон беради.

Ўрта асрда исломга эътиқод қилган халқларда уйланиш учун катта тўлов – қалин пули муаммоси кескин бўлган. Кексалikka қадар одамлар оила қура олмасдилар, ёш йигитлар қизларни олиб қочиши сабабли уруғлар ўртасида қонли жанжал келтириб чиқарардилар. Шунинг учун ислом уламолари қалин пулининг белгиланган ҳажмини жорий қилган ва тарафлар келишуви билан бу миқдор чексиз камайтирилиши мумкин эди [26, 3-б.].

Ёшларнинг уйдан қочиб кетиши ҳам тақиқланган ва уларга никоҳ ўқиш эса муллалар учун қамоқ, ҳатто ўлим жазоси билан тугаши эҳтимоли бор эди [33, 78-б.].

¹ Лайли ва Мажнун тарихи араб эпоси ҳисобланган. Араблар истилоси натижасида у форс адабиётига ўтган. Низомий Ганжавий ўзининг машҳур “Панж ганж” асарида бу муҳаббат тарихини келтириб, катта шухратга эришган.

Жамиятнинг ахлоқий саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиб, ислом арконлари “зинодан қочиш учун” қизларга иложи борича эрга тегишни фарз қилган, шунингдек, ота-оналарга никоҳни таклиф этишни асоссиз рад этмаслик буюрилган.

Шариат, шунингдек, отанинг оиладаги устун ролини белгилайди, ҳатто гуноҳкор фарзандини ўлдирган ота қаттиқ жазоланмайди. Таъкидлаш лозимки, ушбу қоида ҳозирги кунда ҳам бир қатор ислом давлатлари қонунчилигида мавжуд бўлиб, унда айбланувчи томонидан ўз қарамоғидаги яқин қариндошини ўлдириш жазони енгиллаштирувчи ҳолатларда содир этилган жиноят сифатида белгиланган. Мисол учун, Яман Жиноят кодекси (59-модда) бундай жиноят учун жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилайди [1, 90-б.]. Судан жиноят қонунчилигида фарзандини ўлдиришга ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қаралади [4, 13-б.].

Ажрим

Ислом ҳуқуқида ажрашиш сабаблари ва унинг тартиби батафсил белгилаб берилган. Рухсат берилган тўртта никоҳнинг ҳар бирини бузиш мумкин, кейинги никоҳлар ва ажралишлар сони тартибга солинмаган. Шариат ажримнинг бир нечта турини белгилайди, улар ўз тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари билан ажралиб туради. Масалан, вақтинча ажрашиш мумкин, бу муайян синов муддатини назарда тутаяди. Ажрим сабаблари аниқ белгилаб қўйилган бўлса-да (исломдан қайтиш ва ҳ.к.), эр хотинидан ажралиш сабабларини соддалаштирилган шаклда тушунтириб ўтирмасдан, белгиланган иборалардан бирини айтиш – “талоқ қилдим” ёки “уруғингизга қайтинг” дейиш орқали никоҳни бузиш имконияти бўлган. Ажрашган тақдирда одатда эр хотинини зарур мол-мулк билан таъминлаши керак эди. Ажрашган аёл ҳомиладорлигини аниқлаш учун уч ой давомида собиқ эрининг уйида бўлган.

Агар бола туғилса, уни отасининг уйида қолдириш керак эди.

Аёл киши фақат қуйидаги қатъий белгиланган асосларга кўра, қозилик суди орқали ажрашишни талаб қилиши мумкин эди:

- эрнинг жисмоний ногиронлиги;
- оилавий мажбуриятларини бажармаганлиги;
- хотинига ёмон муносабатда бўлганлиги;
- оилани боқиш учун маблағ ажратмаслиги.

Ўрта асрларда эгасининг қулига айланган асиранинг аҳволи жуда қийин эди. Агар эгаси унга уйланган бўлса ҳам, у бошқа хотинлар каби ҳуқуқларни олмаган; у умуман ажрашиш ҳуқуқига эга эмас эди. Агар ўртада фарзанд бўлмаса, эгаси хотинини сотиши, хайр-эҳсон қилиши ва ҳатто ўлдириши мумкин эди, асирадан туғилган болалар эса меросхўрларнинг ҳуқуқларидан маҳрум эдилар. Эри вафот этганидан сўнг асиранинг аҳволи оғирлашиши мумкин эди. Агар эри ўлимидан олдин унга эркинлик бермаган ёки бу борада васият қолдирмаган бўлса, асира уни қул сифатида сотиши мумкин бўлган қариндошларнинг тўлиқ ихтиёрида бўлган.

Ислом уламолари хотин-қизларнинг жамиятдаги ва оиладаги мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида ажрим ҳолатларини батафсил тартибга солган. Никоҳ ва ажрашиш ташаббуси асосан эркакларга тегишли бўлиб, улар кўпинча бу ҳуқуққа жуда енгил муносабатда бўлишган. Ажримларнинг олдини олиш учун аёлларга қалин пули тўла қолдириладиган, отасининг уйдан ўзлари билан олиб келган барча нарсалари қайтариладиган бўлди. Агар никоҳдан фарзандлар туғилган ёки хотин ҳомиладор бўлса, эри фарзандини вояга еттунига қадар, собиқ хотинини эса янгидан турмуш қургунига ёки ҳомиладорлик тугагунига қадар қўллаб-қувватлаши шарт эди.

II. Ислом ҳуқуқида жиноятларни таснифлаш

Жиноят ҳуқуқи илк шариат қонунчилигининг нисбатан кам ривожланган қисми эди. Ундаги нормалар архаик тусга эга бўлиб, нисбатан паст даражадаги юридик техникани акс эттирган. Жиноят қилмишининг умумий тушунчаси бўлмаган, жинойи суиқасд, иштирокчилик, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар каби институтлар яхши ривожланмаган.

Вақт ўтиши билан ислом жиноят қонунчилиги жуда кўп сонли прогрессив нормалар ва институтларни қабул қилди. Масалан, фақат жисмоний шахснинг жинойи жавобгарлиги ва шунга мувофиқ ҳайвонлар, жонсиз нарсалар ва вафот этганларнинг жинойи жавобгарлиги мумкин эмаслиги қоидаси, шахслар жинойи жавобгарлигининг минимал ёши белгиланиши, шунингдек, кейинчалик Европа қонунчилигида пайдо бўлган чекланган ва тўлиқ жинойи жавобгарлик ёшининг фарқланиши, одамни ўғирлик учун жинойи жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган мол-мулкнинг минимал қийматини (нисоб) белгилаш [31, 44-б.] шулар жумласидандир.

Ўрта асрлардаги фикҳшунос олимлар барча жиноятларни уч гуруҳга бўлишган. *Улардан биринчиси*, ислом таълимотига кўра, Муҳаммад (САВ)нинг ўзи шахсан кўрсатмаларида қайд этган жиноятлардан иборат эди. Улар “Аллоҳнинг ҳуқуқлари”га тажовуз сифатида талқин қилиниб, кечиринга йўл қўйилмаган. Бунга, аввало, ўлим билан жазоланадиган исломдан қайтиш (муртадлик) киради. Ҳокимиятга қарши энг жиддий жиноятлар – исён ва давлат ҳокимияти органларига қаршилиқ ҳам шу даражада қаттиқ жазоланган. Ўғрилик, ичкиликбозлик, зино ва зинода ёлғон айблаш ҳам худди шундай жиноятлар гуруҳига киритилган [19, 51-б.].

Иккинчи гуруҳ жиноятлари ноқонуний хатти-ҳаракатлардан иборат бўлиб, улар бутун мусулмон жамиятига эмас, балки

алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларига тажовуз сифатида баҳоланди. Уларни тартибга солувчи нормалар уруғ-қабила тизимининг урф-одатлари негизида шаклланган бўлиб, жабрланувчининг жиноятчидан тўғридан-тўғри қасос олиш удумларини сақлаб қолган эди. Хусусан, қасддан одам ўлдириш ёки ўлимга олиб келувчи жароҳатлар жабрланувчининг қариндошлари томонидан қонли ўч олиш учун сабаб бўлган [21, 18-б.].

Шариат агар қурбоннинг қариндошлари қотилни кечирса, қонли хусуматни тўлов билан алмаштириш имкониятини тақдим этган. Инсонларни ўлдириш учун хун белгиланади, ундан ташқари, икки ойлик рўза ва мусулмон динидаги қулни озод этиш шарт бўлган. Ушбу гуруҳга оид бошқа жиноятлар, хусусан, тан жароҳати учун жинойи жавобгарлик талион принципи асосида вужудга келган. Ушбу таъмоийл Қуръонда аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра: «жон учун – жон, кўз учун – кўз ва бурун учун – бурун, қулоқ учун – қулоқ, тиш учун – тиш ва яралаш учун қасос олиш шарт» [10, 49-б.].

Учинчи гуруҳ жиноятлар халифалик давлатини ташкил этишда жазога сазовор ҳисобланмаган ва шу сабабли шариатнинг асосий манбаларида тилга олинмаган хулқ-атворлардан иборат бўлган. Ислом ҳуқуқий доктринаси ривожланиши ва ҳукмрон элитанинг мавжуд давлат ва жамият тартибини кучайтириш истаги натижасида закот бермаслик, рўза тутмаслик, баданга озгина шикаст етказиш, ҳақорат, безорилик, алдаб сотиш ва фирибгарлик каби ҳаракатлар, порахўрлик, давлат маблағларини исроф қилиш, қимор ўйнаш ва ҳоказо ҳаракатлар жинойи жавобгарлик сифатида кўриб чиқиладиган бўлди. Бундай ҳолатлар учун жазо мужтаҳидлар билдирган фикрга ва алоҳида қозиларнинг қарорига боғлиқ эди [24, 29-б.].

Ислом жиноят қонунчилиги одамларнинг жинси, дини ва бошқалар асосида

тенгсизлигини белгилайди. Хусусан, ислом жиноят ҳуқуқига биноан, инсон ҳаётига тажовуз қилинган тақдирда, аёлнинг ҳаёти учун товон (дия) эркак ҳаёти учун тўланадиган товоннинг ярмига тенгдир. Ушбу қоида ҳозирги кунда ҳам баъзи мусулмон давлатлари қонунларида мустаҳкамланган.

Баъзи ҳуқуқшунослар, жумладан, шиа мазҳаби ҳуқуқшунослари жиноятларни кабира – жиддий ва сағира – майда турларга ажратадилар. *Сағира* жиноятлар қуйидагиларни ўз ичига олади: қотиллик, судхўрлик, зино, бесоқолбозлик, қўшмачилик, ичкиликбозлик, туҳмат, жиҳоддан (муқаддас уруш) бўйин товлаш, ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилиш, ўғилнинг итотсизлиги, куфр, ўлчов ва тортишда алдаш, пайғамбар таълимотларини ёлғон талқин қилиш, ҳаж зиёратига боришни асосиз кечкиртириш, мусулмонларга тан жароҳати ва азоб бериш. Бундан ташқари, гувоҳлик беришдан бош тортиш, порахўрлик, зolimларга ёрдам бериш, закотни тўлашдан бош тортиш, ғийбат қилиш, жиноят ҳақида ёлғон хабар бериш, аборт қилиш, етимларнинг мол-мулкни талон-тарож қилиш, зихар, чўчқа гўшти ейиш, босқинчилик, жодугарлик, қимор ўйинлари ва бошқалар ҳам сағира жиноятлар сирасига киради.

Иккинчи гуруҳ – *кабира* жиноятлар давлат ҳокимияти органлари номидан жиноий жавобгарликка тортиладиган энг оғир жиноятларни кўзда тутлади. Ушбу жиноятлар содир этилгани учун Қуръонда муайян жазолар белгиланган. Жабрланган тараф бу жиноятларни кечириши мумкин бўлмаган. Буларга қуйидагилар киради: зино, ичкибозлик ичимликлар ичиш, ўғирлик, талончилик, туҳмат, ҳукуматга қаршилик кўрсатиш (исён) [5, 22-б.]. Ушбу жиноятлар учун жазо сифатида Қуръон тош билан уришни, жисмоний жазони (қамчи ёки таёқ билан савалаш), қўл ва оёқларини кесиб ташлаш, қамоқ ва сургун жазосини буюради.

(Сағира ва кабира жиноятлар орасида иккаласига ҳам киритилган жиноятлар саналган. Буни аниқлаштириш керак)

Юқорида қайд этилган жиноятлар таснифи ўзбек хонликларидаги жиноятларнинг таснифига мутлақо зид бўлган. Масалан, шариатда давлат ҳокимияти органлари номидан жиноий жавобгарликка тортиладиган энг оғир жиноятлар орасида биринчи ўринда кўриладиган *турмуш қурган киши содир этган зино* хонликларда фақат оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноий жавобгарликни келтириб чиқарган. Никоҳ белгилаган садоқатни бузган эр, қоида тариқасида, жиноий таъқиб қилинмаган ва умуман жазога тортилмаган, фақат бутпараст (исломга кирмаган) жория қонуний рафиқаси билан битта уйда яшаган ҳолати бундан мустасно. Хотин томонидан никоҳ садоқати бузилиши одатда оиланинг ўзида зўравонлик билан ечимини топган [12, 11-б.]. Ўзбек хонликлари даврида ҳам кўчманчи халқлар орасида қонли ўч олиш удуми сақланиб қолган. У одат ҳуқуқида жуда батафсил тартибга солинган [16, 141-б.]. Ўзаро келишувга биноан, уни хун тўлаш билан алмаштириш мумкин эди [17, 199-б.].

Туркманларда [18, 171-б.] хонликлар даврида қотиллик ва баданга жароҳат етказиш учун қонли ўч олиш одати мавжуд бўлган. Қонли ўч олиш пул ва чорва молларидан иборат тўлов билан алмаштирилиши мумкин эди. Замонавий тадқиқотчилар ҳам ислом ҳуқуқидаги жиноятларни таснифлаш борасида фикрлар билдирган. Жумладан, О.Г. Большаков ва М. Ваҳобова исломдаги жиноятларни муҳокама қилганда фақат учта ҳуқуқбузарликни кўриб чиқадилар: зино, аёлни зинода ёлғон айблаш ва ўғирлик [8, 126-б.]. Д.Е. Еремеев санаб ўтилган жиноий қилмишлар таркибига қотилликни ҳам қўшган [9, 138-б.].

Қуръонда барча тартибга солувчи нормалар тизимсиз ва институтларга деярли бўлинмаган ҳолда жойлашганига қа-

рамай, ислом ҳуқуқшунослари, шарқшунос олимлар ва ҳуқуқшунослар қўплаб жиноятлар таснифини ишлаб чиққан [25, 183-б.]. Жумладан, Р. Шарль жинсий-ҳуқуқий характердаги барча шариат нормаларини уч тоифага ажратади. У қотиллик, жароҳат етказиш ва ўғирликни биринчи тоифага, зино ва муртадлик кабиларни иккинчи тоифага, ижтимоий тузумга қарши жиноятларни учинчи тоифага киритади. Ушбу таснифни қуриш мезони сифатида тажовуз объекти қабул қилинган эди [31, 41-б.].

Тадқиқотчи М.С. Ҳайдарова тажовуз объектини мезон сифатида ҳисобга олган ҳолда қизиқарли тизимни таклиф этади. У ҳам шариат жиноят ҳуқуқи жиноятларини уч гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳга дин ва давлатга қарши жиноятлар киради. Уларга, унинг фикрича, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, муртадлик, талончилик каби жиноятлар кирган. Шахсий мулкка тажовуз жиноятларини у иккинчи гуруҳга киритади. Бироқ ушбу ҳаракатлар аниқ кўрсатилмайди. Учунчи гуруҳга инсонга қарши жиноятлар (шикаст етказиш, қотиллик, зино) киради [28, 55-б.].

III. Ислом ҳуқуқида оила муносабатларига қарши жиноятларнинг ўзига хос жиҳатлари

Ислом инсон тақиқланган чизикдан ўтмаган ҳолда барча соғлом истак-хоҳишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деган ақидадан келиб чиқади. Хусусан, Қуръонда бундай дейилган: “Эй одамлар! Ер юзида ҳалол ва пок бўлган нарсаларни истеъмол қилинг ва шайтоннинг изидан эргашманг. Дарҳақиқат, у сиз учун очиқ-ойдин душман! Дарҳақиқат, у сизга ёмонлик ва жирканчлик қилишни ва Аллоҳга билмаган нарсангизга туҳмат қилишни буюради” [27, 151-б.]. Ф.Л. Касторский ёзганидек, “ислом ҳеч қачон айбдорнинг аъзосини кесиб ташлашни, аёлни зино қилгани учун тошбўрон қилишни буюрмаган” [14, 56-б.].

Исломда оила ўта муҳим ўринга эга. Шунга кўра, ушбу ижтимоий институтга

қарши энг асосий жиноят – бу *зино*.

Мусулмон қонунларига кўра, зино жамият ва Аллоҳга қарши жиноятдир. Зино – никоҳдан ташқари жинсий алоқа. Исломда зино яҳудийлар ва бошқа Шарқ халқларидаги сингари энг оғир жиноятлардан бири ҳисобланади. Қуръон таълимотига кўра, зино қилганларга раҳм-шафқат ва енгиллик берилмаслиги керак. Ушбу жиноятнинг ислом қонунчилиги учун ижтимоий хавфи унинг қонун билан ҳимоя қилинадиган асосий қадриятлардан бири – наслнинг бузилиши, шу билан бирга, ахлоқасослари ва оила манфаатларига таҳдид солиши билан боғлиқ. Қуръон оятларининг сезиларли қисми оилавий муносабатларни тартибга солишга оид. Ислом фақат оиладагина инсон уйғунликни топишини таъкидлайди [2, 138-б.]. Ислом динининг оилавий муаммоларга диққат билан қараши оиланинг жамият пойдевори экани билан изоҳланади. Қуръон мусулмонларга ушбу гуноҳдан қочиш учун қатъий талаб қўяди: “Зинога яқинлашманг, чунки бу жирканч ва ёмон йўлдир!” [6, 38-б.].

Боиси, айнан оила фарзандларда ахлоқий ва маънавий қадриятлар, жамият ва Худо олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги дастлабки ғояларни шакллантиради. Фарзандлар ота-оналарини намуна сифатида кўришади. Қуръон зинони нафақат оилага, балки бутун жамият саломатлигига ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатадиган энг хавfli жиноятлардан бири, деб ҳисоблайди [13, 151-б.].

Дунёдаги учта йирик монотеистик дин ҳам никоҳдан ташқари жинсий муносабатларни ман этади, чунки улар энг олий гуноҳдир. Ҳар қандай жамият ўзаро турли муносабатларда бўлган шахслардан иборат. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларда жамият нафақат улар ўртасидаги боғлиқликни тан олиши, балки ўзи ҳам унинг кафили сифатида ҳаракат қилиши муҳимдир. Шу сабабли никоҳ давлат ҳимоясидан фойдаланадиган энг қадимий

ижтимоий институтлардан биридир. Шу билан бирга, турли даврларда оиланинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши турли шаклларда бўлган: никоҳдан ташқари ҳар қандай жинсий муносабатни тўлиқ тақиқлашдан тортиб то ҳозирги замонда айрим давлатларда мавжуд бир жинсли шахслар никоҳига, уларнинг болаларни асраб олишига рухсат бериш ҳуқуқига.

Ислом дин меъёрларига зид бўлган ҳар қандай жинсий алоқага йўл қўйилмаслигини доимий равишда қўллаб-қувватлаб келади. Қуръонда мўминлардан нафақат бу гуноҳни қилиш, балки уни гуноҳ қилишга ундаши мумкин бўлган нарсалардан сақланиш ҳам талаб қилинади [32, 45-б.]. Ҳадисда қатъий эътиқод ва зино бир-бирига мос келмаслиги ҳақидаги фикр тасдиқланган: “Иймонли бўлган зино қилмайди” [32, 64-б.]. Ушбу жинойт фактини аниқлаш учун фақат икки хил далил қабул қилинади: гувоҳларнинг кўрсатмалари ва айбни тан олиш. Бундан ташқари, агар бошқа жинойтлар содир этилганини исботлаш учун иккита гувоҳ етарли бўлса, бу жинойтда зинонинг ўзини бевосита кўрган тўртта гувоҳнинг кўрсатмалари зарур.

Бу ҳолат гувоҳлар ёрдамида зинони исботлашни деярли имконсиз қилади, чунки бошқаларнинг жинсий аъзоларини кўришнинг ўзи гуноҳ ҳисобланади. Гувоҳлар кўрсатмаларини қабул қилишнинг шартларидан бири бу уларнинг солиҳлигидир. Ваҳоланки, агар гувоҳлар зино ҳаракатини кўришган бўлса, унда улар ўзлари гуноҳкор бўлишади ва уларнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Суд уларнинг кўрсатувларини қабул қилишнинг ягона имконияти улар зинони айнан судда гувоҳлик бериш учун кўрганлигини айтишдир.

Жинойт содир этиш фактини аниқлашнинг иккинчи усули – айбдорнинг ақли расо бўла туриб, ихтиёрий равишда айбига иқрор бўлиши. Иқрорликни расмий қабул

қилиш масаласида турли мазҳаблар вакиллари ўртасида келишмовчиликлар мавжуд. Жумладан, ҳанбалийлар ҳар қандай шаклда тўрт марта тан олишни жоиз, деб билишади. Ҳанафийларнинг таъкидлашича, тўрт карра тан олиш лозим вақт оралиғида бўлиши керак ва вақт давомийлиги шундай бўлиши жоизки, у ўз қадамнинг оқибатларини тушуниб, ундан воз кечиш имкониятига эга бўлиши лозим [22, 154-б.]. Ҳанафий мазҳабининг энг йирик олимларидан бири Абу Юсуф “Китоб ал-Хараж” китобида ёзади: “Агар бирор киши имомнинг олдига келиб, зино қилганини тан олса, имом бундай эътироф тўрт карра такрорлагунига қадар қарор қабул қилмаслиги шарт. Агар у ўз иқрорида давом этса ва ҳар сафар такрорласа, унда имом уни шахсан биладиган одамлардан унинг ақли расолиги тўғрисида сўраши керак» [23, 72-б.]. Шу билан бирга, бугунги кунда шарият нормаларидан ўз жинойт қонунчилигининг манбаси сифатида фойдаланадиган аксарият мусулмон давлатларда зино пайтида хотинини, яқин қариндошини ёки ўйнашни ўлдириш жазони енгиллаштирувчи ҳолатларда содир этилган жинойт сифатида таърифланади².

Казаф – ҳалол аёлни зино қилганликда айблаш мусулмон қонунчилигига биноан оғир жинойтлар рўйхатига киритилган. *Казаф* Аллоҳга қарши жинойт ҳисобланади. Жинойтчи агар кечирим сўраса ҳам, жабрланувчи билан ярашса ҳам жавобгарликдан озод қилинмайди. Ушбу жинойт объекти – виждонли аёлнинг шаъни-шарафидир. Шофеъийлар ва моликийлар таълимотига кўра, зинокорлик ҳақидаги ҳақорат тўғридан-тўғри сўзлар билан ифодаланиши шарт эмас, балки имо-ишора орқали ифодаланиши мумкин [20, 17-б.]. Ҳақорат жабрланувчининг ўзига ёки унинг қариндошларига – эрига, ака-сига, отасига ва бошқаларга қаратилган бўлиши мумкин. Жинойт ишини кўзғатиш

² Мисол учун, Сурия ва Ливан жинойт қонунчилиги аёл томонидан ўз эрининг зино вақтида ўлдиришини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этади.

жабрланувчининг ўзи ёки ҳақоратли муносабатда бўлган шахсининг яқини – хотини, синглиси ёки онасининг ҳуқуқидир.

Бундай ҳолда айблов ҳақиқатга зид дегани эмас, балки зино ҳақиқатдан содир бўлган бўлса ҳам у исботланмаган бўлади. Шунинг учун суд жараёнида зинога гувоҳ бўлганлар, агар гувоҳларга қўйиладиган талаблардан камида биттасига мос бўлмаса, гувоҳлардан туҳмат қилган айбланувчига айланиши мумкин. Масалан, агар талаб қилинган тўртта гувоҳ ўрнига учтаси бўлса. Шунини таъкидлаш керакки, агар жабрланувчининг эри қораловчи вазифасини бажарадиган бўлса ва тўртта гувоҳнинг кўрсатмалари билан зинони тасдиқлай олмаса, туҳмат учун жазодан қочиш учун айбловини тўрт марта ҳар сафар қасам ичган ҳолда такрорлаши лозим. Яқинда агар у ёлғон гапирётган бўлса, Аллоҳ уни лаънатлаши ҳақида қасам бериши керак. Бундай ҳолда хотин жазо таҳдиди остида қолади. Эрини ёлғонда айблаган ҳолда тўрт карра қасам беришгина уни жазодан халос қилиши мумкин. Шунингдек, у ҳам ўз сўзларини, агар ёлғон гапирган бўлса, Аллоҳнинг уни лаънатлаши ҳақидаги қасам билан мустаҳкамлайди. Ушбу таомил тугагандан сўнг эр-хотин жазодан қутулишади, аммо никоҳ бузилиб, қайта никоҳланиш мумкин бўлмайди.

Зино жинояти кенг талқин қилинганда, қуйидаги ҳолатларда мавжуд бўлади: 1) жиноятга бевосита гувоҳ бўлганида; 2) гувоҳ жинсий алоқани ўзи кўрмаган бўлса-да, лекин бу алоқа яқинда ёки ҳозиргина содир бўлгани тўғрисида аниқ далил мавжуд бўлса; 3) гувоҳ жинсий алоқани ўзи кўрмаган бўлса-да, лекин унинг яқин орада содир этилишини тахмин қилиш учун жиддий далиллар мавжуд бўлса.

Қизиғи, Иордания ЖК (533-модда) ва Ливан ЖК (547-модда) оддий қотиллик учун 20 йил озодликдан маҳрум қилиш, Миср ЖК (234-модда) ва Марокаш ЖК (392-модда) умрбод қамоқ жазосини бел-

гилайди. Ваҳоланки, зино қилгани учун хотинини ёки яқин қариндошини қасддан ўлдириш учун Яман ЖК (232-модда) жазо тариқида жазо тайинлайди, холос. Тадқиқотчи Абдулла Али Аҳмад Муқбил ўз асарига таъкидлашча, айрим шахслар бу хусусиятлардан баъзан ўз хотинидан ёки исталмаган яқин қариндошларидан қутулиш учун фойдаланади [1, 87-б.].

Афғонистон ЖКнинг 427-моддасида жазони оғирлаштирувчи шартлар рўйхати келтирилган. Бунга қуйидагилар киради: 1) жабрланувчи ўн саккиз ёшгача бўлса; 2) айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги қариндошлик муносабатлари (қонун ҳатто учинчи даражали қариндошларни назарда тутуди) бўлса; 3) устозлар, ўқитувчилар, ҳокимият ва расмий ваколатларга эга бўлган шахслар ўз мавқеидан фойдаланган бўлса; 4) айбдорнинг жабрланувчига бўйсунувчи муносабати – хизматкор бўлса; 5) жабрланувчи турмушга чиқаётган бўлса; 6) жабрланувчи бокира бўлса; 7) жиноят бир нечта шахс томонидан содир этилган бўлса; 8) жиноятчи жабрланувчига касаллик юқтирган бўлса, шунингдек, жабрланувчини ҳомиладор қилган бўлса.

Агар зино жабрланувчининг ўлимига олиб келган бўлса, жиноятчига умрбод қамоқ ёки ўлим жазоси берилиши мумкин (428-модда) [34, 127-б.]. Қонуний никоҳсиз ҳомиладор бўлган аёл томонидан хижолат бўлмаслик учун жинсий аборт қилиш ҳам енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади [4, 21-б.].

IV. Ислом ҳуқуқида оилага қарши жиноятлар учун жазолар

Ислом жиноят қонунчилигидаги жазолар қасос олишнинг ҳам архаик, ҳам давлат ажримигача бўлган усулларини ҳамда аниқ ишлаб чиқилган жиноят-ҳуқуқий репрессия чораларини акс эттиради. Шарият қонуни шундан асрларга хос бўлган шафқатсиз ва қўрқинчли жазоларни назарда тутган.

Биринчи (ҳад) ва иккинчи (қасос) гуруҳ жинойтлари қатъий ва ўта қаттиқ жазоларни талаб қилди. Учинчи гуруҳ (тазир) билан боғлиқ жинойтлар учун жазолар жуда хилма-хиллиги ва эгилувчанлиги билан ажралиб турарди (бундай жазоларнинг 4 дан 11 тагача тури мавжуд), шунингдек, аниқ жазоловчи хусусиятига эга эди.

Биринчи гуруҳ (ҳад), яъни Аллоҳга ва жамиятга қарши жинойтлар орасида етита энг хавfli ижтимоий қилмиш мавжуд: муртадлиқ, ҳукуматга қарши жинойт (исён), *зино*, ўғирлик, босқинчилик, спиртли ичимликлар ичиш, *зинода ёлғон айблаш*. Уларни содир этганликда айбдор бўлганлар қаттиқ жазоланиши керак ва уларни кечириш мумкин эмасди. Ҳад жазоси бир нечта турдан иборат: ўлим жазоси, оёқ-қўлларни кесиш, дарралаш, қамоқ, сургун ва мол-мулкни мусодара қилиш [20, 130-б.]. Ўлим жазоси *зино* қилиш, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш учун ҳам қўлланилади.

Қатл одатда халифа ёки султон ва барча зодагонлар ҳузурида амалга оширилган. Бунда жаллод бир зарба билан айбдорнинг бошини кесиб ташлар эди. Ғайриинсоний жазонинг яна бир тури тошбўрон қилиш – радам эди. Қуръон таълимотига кўра, бу жазо *зино* қилганлик учун қўлланилган. Қози ҳукми ёки ҳокимнинг буйруғи билан одамлар олдиндан йиғилиб, ўзлари билан тош олиб келишган. Белгиланган жойда жинойтчини тошбўрон қилишган.

Сургун ва бадарға ислом ҳуқуқида жазонинг мустақил шакли ёки қўшимча чоралар сифатида қўлланилган. Масалан, сургун турмуш қурмаган аёл билан *зино* қилганлиги учун ёлғиз эркакка нисбатан қўшимча жазо сифатида ишлатилган. Бу ҳолатда асосий жазо 100 дарра уриш, соқолни олдириш эди.

Айтиш лозимки, исломда *зино* учун икки хил жазо мавжуд бўлган: юз дарра уриш ёки тошбўрон қилиш. Биринчиси қонуний никоҳга кирмаган шахслар, иккинчиси тур-

муш қурган эркак ва аёл киши учун белгиланган. Қуръонда *зино* учун фақат биринчи жазо тури зикр қилинган [7, 78-б.]. Суннат Қуръонда кўрсатилган меъёрга иккита муҳим тузатиш киритди. Биринчидан, юз дарра уриш ҳақида оятларда белгиланган жазога бир йиллик сургун қўшилади.

Таъкидлаш керакки, олимлар ўртасида ушбу суннат мажбурийлиги тўғрисида яқдил фикр мавжуд эмас. Жумладан, ҳанафийлар жазо Қуръонда белгилангани, уни ўзгартириш ёки тўлдириш учун тенг кучли важ зарурлиги сабабли сургун жазосини рад этишмоқда. Ушбу меъёр билан боғлиқ ҳадислар саҳиҳ эмас деб таснифланади, шунинг учун уларни далил сифатида қабул қилиш мумкин эмас. Шу билан бирга, агар улар бундай эҳтиёж сезилса, қўшимча жазо сифатида қози томонидан сургун тайинланиши мумкинлигини тан олишади [25, 184-б.].

Иккинчи гуруҳ (қасос) жинойтларга, яъни шахслар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларида жазонинг асосий мезони талион принципи бўлган. Булар ичида бизни қизиқтирадиган жинойтлар туркумига, масалан, жамиятда (жамоат жойларида) ўзини тутиш қоидаларини бузиш, айниқса, аёллар ахлоқи, давлатга ва унинг хавфсизлигига қарши жинойтлар билан боғлиқ жинойтлар киради.

Қасос туркумига кирадиган жинойтлар учун жазо ҳаёт ва соғлиққа қарши жинойт содир этганлик учун қўлланилади. Ўлим жазоси айбдор ёки унинг оиласи томонидан жабрланувчига ёки унинг оиласига пул компенсацияси (дия) тўлаш билан алмаштирилиши мумкин: “Эй иймон келтирганлар: ўлдирилганлар учун сизга жазо тайинланди, эркин учун – эркин, қул учун қул ва аёл учун аёл. Ва кимдир ўз биродарини кечирса, у Аллоҳдан раҳмат олади. Ва бундан кейин ким тажовуз қилса, унга аламли азоб бордир. Сиз учун ҳаёт қасосдир, эй ақл эгалари – балки Сиз худодан кўрқарсиз” [5, 22-б.].

Тазир жинойтлари учун жазо борасида фикҳшунос тадқиқотчилар ўртасида бир-

дамлик йўқ; масалан, “Ҳидоя”да (мусулмон ҳуқуқи шарҳлари [29, 130-б.]) ушбу жазонинг 4-11 тури санаб ўтилган. Бундан ташқари, уларнинг орасида оғзаки танбеҳ (масалан, сохта гувоҳларга нисбатан қўлланилган) ёки шунчаки жамиятдан четлатиб қўйиш ёки уйдан чиқариб юбориш (“Нопок аёлларингизни ташлаб кетинг”) каби ўзига хос санкциялар кўрсатилган [30, 121-б.]. Қуръон зинкорларга гуноҳкор эрига (хотини)га ҳақоратомуз муносабатда бўлишни тавсия қилади: масалан, жиноятчининг сочини устарада олдириш (лекин соқолини олиш эмас), юзини қорага чаплаш ёки ярим яланғоч ҳолда шаҳарнинг кўчаларида олиб юриб, гуноҳи ҳақида эълон қилиш, уч кунга хочга михлаш (бунда унга овқат бериш тақиқланади)

Қонли хун олишни дия (пулли тўлов) билан алмаштириш қуйидаги ҳолларда мажбурий эди: агар қотил ўлдирилган одамнинг қариндоши бўлса; агар қотил ҳомиладор аёл бўлса, унда қонли ўч олиш туғруққа қадар қолдирилган.

Агар зарар ҳомиладор аёлга етказилган бўлса, у ҳолда дия ҳар хил усулда ҳисобланади. Эрта туғишда тирик бола туғилса, унинг яшаб кетиши ёки яшамаслигидан қатъи назар, ҳуқуқбузар тўлиқ дия тўлайди. Агар бола ўлик туғилган бўлса, дианинг суммаси тўлиқ дианинг ½ га тенг белгиланган.

Хулосалар

Ислом ҳуқуқида оила ва оилавий муносабатлар аҳамияти, моҳияти, жамиятдаги ўрни ҳамда ушбу институтга қарши жиноятларни ўрганиш асносида қуйидаги тўхтамларга келинди:

биринчидан, архаик ва ортодоксал исломда аёл кишининг ўрни эркак кишига нисбатан пастроқ поғонада бўлган бўлса (мисол учун, мерос олиш, гувоҳлик бериш, никоҳ ва ажрашишда), кейинчалик турли мазҳабларда, хусусан, ҳанафийликда аёлнинг ҳуқуқий мақоми анча юксалтирилган; иккинчидан, ислом ҳуқуқида жиноятлар таснифи турлича бўлишига қарамай, барча қарашларда зино Аллоҳга қарши жиноят сифатида энг олий жиноятлардан бири деб тан олинган;

учинчидан, ислом ҳуқуқида оилага қарши жиноятлар, асосан, иккита жиноят таркибидан иборат эди (зино ва зино ҳақида ёлғон гувоҳлик бериш), кейинчалик бунга ота-онани боқишдан бош тортиш, жинойий аборт ҳам киритилган;

тўртинчидан, ҳозирги кунда ислом ҳуқуқи (шариат) манба сифатида фойдаланилаётган айрим мамлакатларда (Афғонистон, Яман, Судан ва бошқалар), зино жинояти таркиби енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар билан бойитилган;

бешинчидан, юқорида келтириб ўтилган хулосалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Фоҳишалик билан шуғулланиш” деб белгиланган 190-моддасини криминализация қилган ҳолда Жиноят кодексига 131¹-модда тариқасида жинойий жазога сазовор, маъмурий преюдицияга эга қилмиш тариқасида киритиб, жамиятда илдиз отиб бораётган бундай иллат учун маъмурий ҳамда жинойий жавобгарлик масалаларини кучайтириш таклифини илгари сурамиз.

REFERENCES

1. Mukbel Abdulla Ali Axmed. Prestupleniya protiv jizni I zdorovya po ugovnomu pravu [Crimes against life and health under criminal law]. Yemen, diss. Moscow, University of Russia, 2000, 90 p.
2. Muxammad Abu az-Zaxra. Al-jarima va al-ukuba fi al-fix al-islami [The Fix the Islamic] Cairo, 2006, 138 p.
3. Mukbel Abdulla Ali Ahmed. Prestupleniya protiv jizni I zdorovya po ugovnomu pravu Yemenskoj Respubliki [Crimes against life and health under criminal law in Yemen Republic]. Yemen, 87 p.

4. Ahmed Amir Omar. Razvitiye ugolovno zakonodatelstva Sudana [Development of criminal law in Sudan. The main institutions of the general part: diss. cand. leg. sciences]. Moscow, Peoples Friendship University of Russia, 1999, 85 p.
5. Artemov V. Musulmanskoye pravo [Muslim law]. Historical sketch. Russian justice, 1997, no. 10, 22 p.
6. Ahadov A.F. Asrlar osha Islom [Islam in pursuit of the century]. Tashkent, XMXK, 1988, 38 p.
7. Kader Auda Abdel. Musulmanskoye ugolovnoye pravo [Muslim criminal law]. 2015, 78 p.
8. Bolshakov O.G. Istoriya Xalifata [The history of caliphate]. Vol. 2 Muslim in Arav. Moscow, 1989, 126 p.
9. Eremeev D.E. Islam: obraz jizni i stil mishleniya [Islam: lifestyle and thinking style]. Moscow, 1990, 138 p.
10. Eremeev D.E. Musulmanskoy post [Muslim fasting]. Asian и Africa today, 1985, no. 5, 49 p.
11. Elayan G.F. Osnovi musulmanskogo ugolovnogo prava [Basics of Muslim Criminal Law]. Makhachkala, 2002, pp. 44-45.
12. Dingelstadt N. Nevedomiy mir [Unknown world]. Central Asian Herald, 1896, April, p. 11.
13. Ibn Abd al-Bar. Al-Kafi fi fikh ahl al-Madina [The Kafi in the jurisprudence of Axel the city]. Vol. 2, 151 p.
14. Kastorskiy G.L. Ugolovno-pravovoy i kriminologicheskiy analiz ispol'zovaniya kontseptsiy mirovih religiy v protivodeystvii prestupnomu povedeniyu [Criminal legal and criminological analysis of the use of the concepts of world religions in countering criminal behavior]. Bissertation of the candidate of legal sciences, St. Petersburg, 2002. 56 p.
15. Kerimov G.M. Shariat: Zakon jizni musulman [Sharia: The law of life for Muslims]. St. Petersburg, 2012, 130 p.
16. Kerimov G.M. Shariat I yevo sotsialnaya sushnost [Sharia and its social essence]. Moscow, 1978, 141 p.
17. Karashkan ogli. Bitoviye osobennosti turkmen [Features of the Turkmen]. News of the Central Asian Committee on Museum Affairs. 1928, 199 p.
18. Lomakin A. Obichnoye pravo turkmen (adat) [Turkmen customary law]. Ashhabad, 1897, 174 p.
19. Meyer M.S. O sootnoshenii svetskoy i duhovnoy vlasti v politicheskoy sisteme Osmanskoy imperii [On the relationship between secular and spiritual power in the political system of the Ottoman Empire]. Islam in the history of the peoples of the East. Moscow, Sciences Publ., 1981, pp. 51-62.
20. Sadagdar M.I. Osnovi musulmanskogo prava [Foundations of Islamic law]. Moscow, 1968, 56 p.
21. Sagadeyev A.V. Jixad [Jihad]. Science and religion, 1986, no. 6, pp. 18-20.
22. Smirnov A.V. «Blago» i «zlo» v islamskoy traditsii i filosofii [Good and evil in Islamic tradition and philosophy] Vip. 8. M., 2008, 154-193 pp.
23. Solovyev V.S. Magomet. Yevo jizn i religioznoye ucheniye [The life and religious teaching] Moscow, Builder, 1992, 72 p
24. Syukiyaynen L.R. Musul'manskoe pravo kak ob'ekt obshhej teorii prava [Islamic law as an object of the general theory of law]. Soviet state and law, 1979, no. 1, pp. 29-34.
25. Syukiyaynen L.R. Musulmanskoye pravo [Muslim law]: Questions theory and practice. Moscow, 1986, 183 p.
26. Halilov A.M. Vosstanavlivaya pravdu istorii [Restoring the truth of history]. Round table. Dagestan truth., 1988, 6 November, p. 3.
27. Halikov A.G. Xadis kak istochnik musulmanskogo prava [Hadith as a source of Islamic law]. Dushanbe, 1998, 151 p.
28. Haydarova M.S. Pravoviye normi Korana и Shariata [Legal regulations Koran and Sharia]. Academy of Sciences news, no. 4, 1986, 55 p.
29. Hidayat. Kommentarii musulmanskogo prava [Muslim law commentaries]. Vol. 2, Tashkent, 1893, 124 p.
30. Tusi Sh. Krovnaya mest v musulmanskome prave [Blood feud in Muslim law]. Kazan, Iman, 1994, 143 p.
31. Sharl R. Musulmanskoye pravo [Muslim law]. Moscow, 1959, pp. 41, 43.

UDC: 343 (075)

ORCID: 0000-0002-0207-1369

АМНИСТИЯ АКТИ АСОСИДА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Акрамова Муаззам Турдикул қизи,
Тошкент давлат юридик университети
таянч докторанти,
e-mail: muazzamxon93@gmail.com

Аннотация. Тадқиқот объектини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан тартибга солинадиган, амнистия асосида жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Тадқиқот предметида Жиноят кодексининг амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил қилувчи нормалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ушбу масалага оид назарий асосларни белгилаб берувчи илмий асарлар киради. Тадқиқот ишининг долзарблиги шундаки, глобаллашув жараёнида жаҳоннинг илғор мамлакатлари юридик тажрибасидан фойдаланиб, қонунчиликни ўз миллий қадриятларимизга мос равишда ривожлантириб, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаб боришнинг илмий методологик асосларини амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтларига нисбатан қўллаш ва ўрганиш замон талабидир. Тадқиқотни амалга оширишда анализ, синтез, диалектик, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий ёндашув, индукция, дедукция, жорий қонунчиликни таҳлил этиш, тизимлаштириш ва илмий билишнинг бошқа усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот натижасида амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод этишда белгиланган нормаларни таҳлил қилиш, уларнинг амалиётда қай тартибда қўлланилишини ўрганиш, юзага келаятган муаммоларни аниқлаш ва шу асосда ушбу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар тайёрланди. Хулоса сифатида амнистия актини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишда синов муддатини жорий этиш лозимлиги билдирилди.

Калит сўзлар: маҳаллий амнистия, умумий амнистия, инсонпарварлик тамойили, жиноятнинг такрор содир этилиши, амнистия тўғрисидаги қарор, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, афв, синов муддати.

ОСОБЕННОСТИ ОСВОБОЖДЕНИЯ ОТ ОТВЕТСТВЕННОСТИ НА ОСНОВАНИИ АКТА ОБ АМНИСТИИ

Акрамова Муаззам Турдикул қизи,
докторант Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. Объектом исследования являются общественные отношения, связанные с освобождением от ответственности по амнистии, регулируемые Уголовным кодексом Республики Узбекистан. Предметом исследования являются нормы Уголовного кодекса, составляющие правовую основу освобождения от ответственности на основании акта об амнистии, нормативно-правовые документы и научные труды, определяющие теоретические основы по данному вопросу. Актуальность исследования состоит в том, что в процессе глобализации, используя правовой опыт развитых стран, разработка законодательства в соответствии с нашими национальными ценностями, укрепление верховенства закона – это современное требование к применению и изучению научно-методических основ институтов освобождения от уголовной

ответственности на основании закона об амнистии. В исследовании использовались анализ, синтез, диалектический, сравнительно-правовой, логический подход, индукция, дедукция, анализ действующего законодательства, систематизация и другие методы научного познания. В результате исследования проведен анализ установленных норм освобождения от уголовной ответственности по акту амнистии, изучен порядок их применения на практике; были подготовлены законодательные предложения для выявления возникающих проблем и решения этих вопросов на их основе. В заключении указано, что необходимо ввести испытательный срок для освобождения от уголовной ответственности по закону об амнистии.

Ключевые слова: местная амнистия, общая амнистия, гуманитарный принцип, рецидив, решение об амнистии, нормативный правовой акт, помилование, испытательный срок.

SPECIFIC FEATURES OF EXEMPTIONS FROM LIABILITY BASED ON AMNESTY ACT

Akramova Muazzam Turdikul kizi,

Doctoral student of Tashkent State University of Law

Abstract. The object of the research is the public relations associated with exemption from liability under amnesty, regulated by the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. The subject of the research is the norms of the Criminal Code, which constitute the legal basis for exemption from liability based on an act of amnesty, regulatory documents and scientific works defining the theoretical foundations on this issue. The relevance of the study is seen in the fact that in the process of globalization, using the legal experience of developed countries, the development of legislation in accordance with our national values; strengthening the rule of law is a modern requirement for the application and study of the scientific and methodological foundations of institutions of exemption from criminal liability on the basis of the amnesty law. The study used analysis, synthesis, dialectical, comparative legal, logical approach, induction, deduction, analysis of current legislation, systematization and other methods of scientific knowledge. As a result of the study, the analysis of the established norms of exemption from criminal liability under the amnesty act was carried out, to study the procedure for their application in practice; legislative proposals were prepared to identify emerging problems and address these issues on their basis. In conclusion, it was announced that it is necessary to introduce a probationary period for exemption from criminal liability under the amnesty law.

Keywords: local amnesty, general amnesty, humanitarian principle, relapse, decision on amnesty, normative legal act, pardon, probationary period.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизими-ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизими-ни тубдан такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу концепциянинг II қисми “Жиноий жавобгарлик ва жазо

тизимини такомиллаштириш” деб номланиб, 6-бандида “Рағбатлантирувчи нормаларни, жумладан, жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш” лозимлиги белгиланган.

Конституциямизнинг 80-моддасига кўра, Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан ам-

нистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш киради [1, 18-б.]. Конституциянинг 93-моддасида Ўзбекистон Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлис Сенатига тақдимнома киритиши ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиши белгиланган. Жиноят кодексининг 69-моддасига кўра, жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин [2, 21-б.].

Амнистия акти билан жавобгарликдан озод қилиш асосларини жавобгарликдан озод қилишнинг бир тури сифатида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш муаммолари М. Усмоналиев [3], М.Х. Рустамбоев [4], А.С. Якубов [5], И.А. Васильева [6], К.В. Кокотова [7], О.В. Семенова [8], К.В. Казарян [9] каби олимлар томонидан ўрганилган.

Материал ва методлар

Тадқиқот ишида ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини, шунингдек, махсус усулларни ўз ичига олган умумий илмий усуллардан фойдаланилган. Хусусан, диалектика, тизимни таҳлил қилиш, анализ ва синтез қилиш, мантиқийлик, тарихийлик, қиёслаш-чоғиштириш, формал-ҳуқуқий усулларга мурожаат этилган.

Тадқиқот натижалари

“Амнистия” атамаси урушдан ёки ички низолардан кейин “ярашиш”, “кечириш”ни англатган. Амнистия муайян шахслар доирасига нисбатан раҳм-шафқат ҳаракати сифатида тушунилган. Амнистия кечирим ва раҳм-шафқатни ифодалаб, келиб чиқиши учта асосий динга: насронийлик, ислом ва шарқий динлар (индуизм, буддизм ва бошқалар)га бориб тақалади. Амнистия дастлаб тасодифий характерга эга бўлган. Жиноий адлия билан бевосита боғлиқ бўлиб, жиноят ҳуқуқи ҳодисаси сифатида амнистия ҳақидаги дастлабки маълумотлар

қадимги Юнонистон тарихида кузатилади. Афина қулдорлик демократияси даврида жиноятчиларни кечириш институти жорий этилган.

Амнистиянинг ривожланиш тарихи бешта босқични ўз ичига олади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият эга.

Биринчи давр – жиноят қонунчилигида “амнистия” атамаси шаклланмаган давр. Афв этиш турларидан бири бўлган амнистиянинг таърифи фанда мавжуд эмаслиги совет инқилобигача бўлган даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири эди.

Иккинчи давр – “амнистия” атамасининг қонунчиликда пайдо бўлиши, амнистия ҳужжатлари маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ҳуқуқбузарликларга нисбатан амал қилиши, уни умумиттифоқ миқёсида ҳам, республикалар миқёсида ҳам эълон қилиш имконияти мавжудлиги, амнистия эълон қилиш ҳуқуқи СССР ва иттифоқ республикаларининг иккита энг юқори давлат органи – Советларнинг Бутуниттифоқ қурултойи ҳамда Олий Советга тегишли бўлган давр. Сиёсий сабаблар туфайли амнистия эълон қилинган. Амнистия фақат маҳкумларга нисбатан қўлланилгани совет инқилобидан кейинги даврда ва Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан олдинги даврга хос хусусиятлар эди.

Учинчи давр уруш йиллари тартиби, иттифоқ армияси сафларини тўлдириш ва мудофаа саноати салоҳиятини ошириш зарурати муносабати билан кўплаб фуқароларга амнистия қўлланилиши ва мавжуд тартибнинг муҳолифлари устидан назоратни янада кучайтириш, 1947 йилдан 1953 йилгача бўлган даврда ўта хавfli жиноятчиларга жазо сиёсатини кучайтириш ва амнистия беришдан бутунлай воз кечиш қабилар, Иккинчи жаҳон уруши даврида ва 1953 йил, яъни Сталин вафот этган йилгача амнистия институтининг кейинги турғунлиги ҳолати билан тавсифланади.

Тўртинчи давр инсонпарварликнинг ривожланиши ва натижада қабул қи-

лингана амнистия хужжатлари сонининг кўпайиши, амнистия бўйича озод қилиш имконияти таъминлангани (ҳам жиноий жавобгарликдан, ҳам жазодан), амнистия хужжатларини қабул қилишнинг сиёсий сабаби ва умумиттифоқ миқёсида қабул қилиш имконияти юзага келган 1950 йилларнинг ўрталаридан СССРнинг қулашигача бўлган даврни ифодалайди.

Бешинчи давр 1991 йилдан ҳозирги кунгача республика миқёсида амнистия эълон қилиниши билан ажралиб туради, фақат битта давлат органига – парламентага амнистия хужжатини бериш ҳуқуқини бериш билан тавсифланади [10, 12-б.].

Кузатиш мумкинки, амнистия мустақилликкача бўлган даврда ўзининг тўла ифодасини топа олмаган. Демократик ислохотлар сабабли амнистия институти тўла маънода ўз ҳуқуқий табиатини намоён қилди.

Е.В. Скутинанинг фикрича, амнистия ҳуқуқий институти ижтимоий муносабатларнинг турли соҳалари (конституциявий, жиноий процессуал, ижтимоий ва жиноий-ижроия қонунчилиги) билан боғлиқ бўлиб, жамоатчилик билан алоқалар тизимини тартибга солиш, инсонпарварлик тамойилини амалга ошириш, жиноят содир этган шахсларнинг индивидуал равишда аниқланмаган тоифасини жиноий жавобгарлик, жазо ва судланганликдан озод қилиш билан боғлиқ нормалар тўпламидир.

Амнистия хужжати қонуности хужжат сифатида муайян бир жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонунчилигига ўзгартириш киритмайди. У фақат жиноят содир этганларнинг тақдирини юмшатади ва давлат томонидан уларга нисбатан инсонпарварлик ва раҳмшафқат намоён бўлишини англатади.

Амнистияни тўла маънода инсонпарварликнинг яққол ифодаси дейиш мумкин.

Амнистия институтининг қуйидаги хусусиятларини таъкидлаб ўтиш мумкин:

1. Нормативлик. Амнистия хужжати, яъни давлат ҳокимиятининг юқори органи томонидан белгиланган ҳулқ-атвор қоидалари номуайян шахслар доирасига тааллуқли ва барча органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган, жиноий жавобгарликни амалга ошириш билан боғлиқ қонун нормаларидир;

2. Худуд бўйича амал қилиши. Амнистия хужжати бутун давлат юрисдикцияси фаолият юритадиган бутун худудга нисбатан қўлланилади;

3. Амнистиянинг муддат бўйича чекланганлиги;

4. Амнистия орқага қайтиш кучи билан тавсифланади: амнистия акти ўз таъсирини амнистия хужжати чиқарилаётганда амалда ва қонуний равишда тугатилган жиноят содир этган шахсларга қаратилади;

5. Амнистия хужжатининг кучга кириши тартиби ушбу хужжатнинг ўзида (эълон қилинган пайтдан бошлаб ёки амнистия эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб) белгилаб қўйилади;

6. Юридик техникага кўра, амнистия тўғрисидаги қарорлар иккита турга бўлинади: амнистия тўғрисидаги қарор ва амнистияни қўллаш тартиби тўғрисидаги қарор;

7. Амнистия мақсадлари умумий ва ўзига хос турларга бўлинади. Умумий мақсадлар инсонпарварлик нуқтаи назардан келиб чиқади, бунда давлат йўлдан адашган фуқароларига ёрдам беради. Қуролли можаролар билан боғлиқ бўлган амнистия актларида аниқ мақсадларга эришилади;

8. Амнистия актининг универсал характери уни жиноят процессининг исталган босқичида, жумладан, суд ҳукмини ижро этиш босқичида қўллаш имкониятида намоён бўлади;

9. Амнистия акти инсонни реабилитация қилиш эмас. Амнистия – бу одамнинг қилган қилмиши учун кечирилиши;

10. Амнистия актининг ўзига хос хусусияти қонуний куч билан қонунга тенг бўлишида ҳам намоён бўлади. Шунга қарамай, амнистия муайян жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонунчилигига ўзгартириш киритмайди ва жинойий қилмишни декриминаллаштирмайди [11, 15-б.].

Ўзбекистон Конституциясининг 93-моддасига биноан, афв фақат Президент томонидан, амнистия акти эса Президент тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан эълон қилинади. Амнистия актларини қўллаш масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ва судлар томонидан кўриб чиқилади. 2008 йилдан бошлаб амнистия актини қўллашга оид якуний қарорни фақат судлар чиқариши белгилаб қўйилган. Афвни қўллаш масаласини эса Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия ҳал қилади. Амнистия акти чиққандан кейин уни кимларга қўллаш масаласини ҳал қилиш узоққа чўзилади ва кўплаб ташкилий жараённи ўз ичига олади. Аммо афвни қўллаш кўп вақт ва тартибни талаб қилмайди. У қабул қилиниши билан дарҳол ижро этилади, бунинг учун яна алоҳида босқичлардан ўтиш шарт эмас [12].

Тадқиқот натижалари таҳлили

Романо-герман ҳуқуқ оиласи мамлакатларининг барчасида ҳам амнистия институти йўқ. Европа Иттифоқининг аксарият давлатлари ўз қонунларида жинойий жавобгарлик ва жазодан озод қилишни одатда афв этиш йўли билан таъминлайдилар. Амнистия эълон қилиш имконияти қонун билан назарда тутилган бўлса ҳам Европа мамлакатларида у камдан-кам ҳолларда қўлланилади.

Амнистия англо-саксон ҳуқуқ оиласи мамлакатлари, хусусан, АҚШ, Канада, Буюк Британияга қўлланилади. Ушбу мамлакатлар жинойий жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг “пардон” атамаси деб номлан-

ган, давлат томонидан кечирилиши билан боғлиқ бўлган мураккаб институтдан фойдаланадилар. Жиноят кодексида амнистияни қўллаш шартлари, асослари ва тартиби белгиланмаган бўлиб, институтнинг тартибга солиниши прецедентларда мавжуд. Улар бутунлай сиёсий ҳокимиятнинг иродасига боғлиқдир.

О.В. Левашовнинг таъкидлашича, амнистия ҳуқуқни қўллашнинг индивидуал ҳужжати сифатида қўлланилишининг асосий шарти (махсус ваколатларга эга бўлган органнинг қонуний ҳаракати) амнистия акти кучга киргунга қадар жиноят содир этилганлиги ҳисобланади. У амнистия тартибини қўллаш тўғрисидаги ҳужжатлар билан белгиланади ва умумий, мажбурий деб таърифланиши мумкин. Амнистия уни эълон қилишнинг ижтимоий асосларига ва ҳар бир аниқ ҳолатда унинг қўлланилишига қаратилганлиги сабабли алоҳида аҳамиятга эга [13, 20-б.].

Амнистияни барча суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун қўллаш мажбурий эканини кўриш мумкин. Амнистия, қоида тариқасида, оғир ва, айниқса, ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, шунингдек, жазони ўташдан қочган шахсларга нисбатан ҳам. Амнистиядан фарқли ўлароқ, афв этиш, жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар, барча шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Жиноят қонунининг инсонпарварлик принципи асосида шахснинг жисмоний маълумотлари ҳам ҳисобга олинади. Бу соғлиқ, ногиронлик, ҳомиладорлик, оилавий аҳвол, қарамоғида бўлганлар борлиги ва бошқаларни ўз ичига олади. Президент ва парламент жиноятчини нафақат жиноят субъекти сифатида, балки унинг ўзига хос хусусиятлари ва фазилатлари билан ўзига хос шахс сифатида кўриб чиқишга мажбурдир. Амнистия ва афв этиш актлари натижасида шахсни озод қилишда нафақат унинг ижобий шахсий хусусиятларини, балки салбий жиҳатлари-

ни ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки айбдор шахснинг шахси унинг ўзига хос хусусиятлари ва сифатларини ҳисобга олган ҳолда бир бутун сифатида акс эттирилиши лозим. Амнистия ва авф этилган маҳкумлар орасида айримларининг янги жиноят содир этиш эҳтимоли катта бўлади. Улар сирасига қуйидагилар киради:

- рецидив жиноятчилар;
- салбий хулқ-атворга эга шахслар;
- безорилик, зўравонлик ва ўғирлик жиноятини содир этган шахслар;
- вояга етмаган жиноятчилар.

Олим ва мутахассислар кечиримлилик масаласига турлича муносабат билдиради. Чунончи, И. Бекқариа унга салбий муносабат билдириб, “жазо энгиллаштирилгани сари шафқат ва кечиримли бўлишга зарурат камайиб бораверади”, деган эди. Унинг фикрича, жазолар тўғри тайинланадиган, суднинг қарори эса адолатли бўлиши таъминланадиган қонун ҳужжатларида кечирिशга ўрин бўлмаслиги лозим.

И. Бекқариа “кечириш институти”нинг Жиноят кодексига киритилишига мутлақо қарши чиққан. У жиноят кечирилиши мумкинлиги ва уларнинг оқибати жазо билан хотима топиши шарт эмаслигини одамларга кўрсатиш уларда жазосизлик туйғусини юзага келтиради ҳамда ҳамонки кечирिशга йўл қўйилар экан, бу ҳолат уларга ҳукмнинг ижро этилиши одил судловдан кўра кечирилмаган шахсга нисбатан ҳокимиятнинг зўравонлиги бўлиб кўринади, деб ҳисоблайди [14, 252-б.].

И. Бекқарианинг фикрига муайян маънода қўшилиш мумкин. Чунки жазо сиёсатининг анча энгиллашиши шахсларда қонундан кўрқув, ҳурмат ҳисси йўқолишига ҳисса қўшади.

Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, амнистия акти асосида муайян шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш жиноят иши кўзғатилган босқичда уни кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор билан, тергов босқичида ёки тергов

тугаб ҳукм чиқарилган ишларга нисбатан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор билан, суд муҳокамаси босқичида эса жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги суд ажрими билан амалга оширилади. Амнистия актига кўра тергов органлари томонидан тугатилиши лозим бўлган ва амнистия акти кучга кирган кунда мазкур органлар иш юритувида бўлган жиноят ишлари судларга тааллуқли эмас. Иш амнистия актини қўллаш тартибига хилоф равишда судга юборилган ҳолларда, судья ишни ЖПКнинг 395, 396-моддаларига мувофиқ, ЖПК 385-моддаси талабларини бажариш учун прокурорга қайтариши керак. Жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиб, улардан айримларига нисбатан иш тергов органи томонидан амнистия актига асосан тугатилиши лозим бўлган ҳолларда ҳам суд шундай қарор қабул қилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 5-бандига кўра, “Жиноят кодекси 68, 76 ва 79-моддаларига мувофиқ, амнистия акти қўлланилиши натижасида қуйидаги ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин:

шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши;

маҳкум асосий ва ижро этилмаган кўшимча жазодан озод этилиши;

маҳкумга тайинланган асосий ва ижро этилмаган кўшимча жазонинг қисқартирилиши (камайтирилиши);

маҳкум жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши;

маҳкумга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми энгилроғи билан алмаштирилиши;

жиноят содир этган шахсдан судланганлик муддатидан илгари олиб ташланиши.

Н.В. Осмоловская фикрича, амнистиянинг асосий жиҳати шундаки, у давлатнинг жазо сиёсати воситаси бўлиб, жино-

ят ҳуқуқи соҳасига тааллуқлидир. Лекин уни амалга оширишнинг махсус тартиби мураккаблиги туфайли бутун тизим сифатида қаралиб, мураккаб, тармоқлараро характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Амнистия акти норматив-ҳуқуқий ҳужжат характерига эга, қарор шаклида расмийлаштирилади. Амнистия тўғрисидаги қонунда мажбурий хулқ-атвор қоидалари сифатида ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлиб, улар шахсларнинг аниқланмаган доирасига нисбатан қўлланилиш учун мўлжалланган, ушбу нормалар қонунларни қўллашда махсус ваколатли шахслар ёки давлат органларининг қарорлари шаклида амалга оширилади [15, 10-б.].

Амнистия актида шахсларнинг нома-ном кўрсатилмаслиги, у муайян доирадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши, мамлакатнинг бутун суд-ҳуқуқ тизимини қамраб олувчи механизм эканига ижобий хусусиятга эга ҳодиса сифатида қараса бўлади.

Амнистия нафақат қонуний, балки сиёсий хатти-ҳаракат сифатида ҳар доим муайян бир ирода ва манфаатга боғлиқ бўлган мақсадларни ўз ичига олади. Д.В. Кохманнинг фикрича, амнистия давлатнинг барча қонунчилик тизимига кириб бориши ва фақат жиноят қонунининг предмети бўлиши мумкин эмас. Айбларни давлат томонидан кечиритиш институти сифатида амнистия кўплаб қонун ҳужжатларида мумкин (тушанарсиз!!!). Амнистия қўлланиладиган ижтимоий муносабатлар муайян ҳуқуқ соҳаси томонидан тартибга солинади ва унинг қўлланилиш босқичига боғлиқдир (масалан, жиноят иши қўзғатиш, жиноятларни дастлабки тергов қилиш ва суд жараёни, жазони ижро этиш). Жиноий амнистия институти ташкил этувчи барча ҳуқуқий ҳужжатларни таснифлаш икки мезон бўйича амалга оширилади: ҳаракатнинг вақти ва ҳуқуқий оқибатларнинг бошланишига сабаб бўлиш жиҳати.

Амнистия актлари умумий ёки маҳаллий бўлиши мумкин. Умумий амнистия мамлакатнинг бутун ҳудудига қўлланилади; чекланмаган вақт ичида амал қилади; баданга оғир шикаст етказиш ёки одам ўлдириш билан боғлиқ жиноят содир этганлиги ёки жиноят ишларида жабрланувчи деб тан олинган шахсларнинг розилигини олган ҳолда, етказилган зарарни қоплаш шarti билан, айбланувчи амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинади.

Маҳаллий амнистия муайян ҳудудга тааллуқлидир ва ёки муайян воқеага боғлиқдир. Жавобгарликдан озод этилиши мумкин бўлган шахслардан шартларни бажариш талаб қилиниши шарт (қуролли қаршиликни тўхтатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёки махсус тузилган комиссияларга иқдор бўлиш, қуролни топшириш, гаровга олинганларни озод қилиш). Санаб ўтилган шартларни бажариш учун майян муддат белгиланади. Шартларни бажариш учун ажратилган муддат тугаган кундан бошлаб у ўз кучини тўхтади [16, 9-б.].

З.М. Артиковнинг таъкидлашича, давлатнинг рағбатлантириш институтига иккита субинститут - амнистия ва афв этиш киради ва улар амнистия ва афвни амалга ошириш мумкин бўлган ҳуқуқ соҳаларига тааллуқлидир. Амнистия ва афв этиш ҳуқуқий жиҳатдан икки хил тушунчадир ва уларни қўллаш жараёнида мустақилдир. Кечирим ҳам, амнистия ҳам кечиритиш ғоясига асосланади, яъни бу ғоя ким бўлишидан қатъи назар, жазо қонуни қўлланилишини тўлиқ ёки қисман йўқ қилиш ёки уни юмшатиш ҳисобланади [17, 14-б.].

Амнистия ва афв тушунчалари кўпгина адабиётларда ёнма-ён тилга олинади. Лекин улар ўзининг бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради.

Амнистия жиноят содир этган шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатиладиган инсонпарварликнинг олий намунаси бўлиб, унинг луғавий маъноси

“кечириш”, “гуноҳидан ўтиш”ни англатади. Бошқача айтганда, амнистия жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, жазо муддатини камайтириш ёхуд ушбу шахсларнинг судланганлик ҳолатини муддатидан илгари олиб ташлашдир.

Бундан кўзланаётган асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, адашиб жиноят кўчасига кириб қолган шахсларга имконият бериб, уларни маҳалласи, оиласи ва фарзандлари бағрига қайтариб, жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашдан иборатдир [18].

Барча жиноятлар қурбонларининг одил судловга мурожаат қилиши мумкинлиги ва етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги нормалар мавжудлигига қарамай, амнистия актларини чиқаришда жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлаш муаммоси етарлича ҳал қилинмаган. Амнистия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун мажбурий асосдир.

Хулоса

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, амнистия институти жиноят қонунларининг либераллаштирилиши шароитида муҳим аҳамият касб этади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф этилади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 68-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ:

“Жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Амнистия муайян синов муддати билан қўлланилади ва ушбу муддат давомида шахс жиноят содир этмаган тақдирда, шахс амнистия асосида жавобгарликдан озод қилинган, деб ҳисобланади.

Амнистия жабрланувчига жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилмайдиган ҳолатни таъминлаш шарти билан қўлланилади”.

Иккинчидан, Жиноят кодексига “Амнистия акти қўлланилмайдиган ҳолатлар” деб номланувчи янги 68¹-модда киритилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу моддада “Илгари амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинган шахслар такроран жиноят содир этганда, амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинмайди”, деб белгиланиши лозим.

Учинчидан, Жиноят кодексига “Амнистия асосида озод этилганларга ижтимоий-иқтисодий кафолатлар” деб номланувчи янги 68²-модда киритилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу моддада “Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинган шахслар давлат томонидан давлат дастури асосида иш ва уй-жой билан таъминланади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланади”, деб белгиланиши лозим.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi [Constitution of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent, O‘zbekiston, 2020, 18 p.
2. O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. 2019 yil, 1-son [The Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent, Adolat, 2020, 21 p.
3. Usmonaliev M. Jinoyat huquqi. Umumiy qism. Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik [Criminal law. General section. Textbook for universities]. Tashkent, Yangi asr avlodi, 2005, 662 p.

4. Rustamboev M. Jinoyat huquqi [Criminal law]. Tashkent, ILM ZIYO, 2011, vol. 2.
5. Yakubov S. Jinoyat huquqi. Umumiy qism [Criminal law. General section]. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2009.
6. Vasilyeva I.A. Amnistiya i ee realizatsiya. Avt. dis. kand. jurid. nauk [Amnesty and its implementation. Abstract of the candidate of legal sciences]. Omsk, 2003, 28 p.
7. Kokotova D.A. Sovremennaya rossiyskaya amnistiya v kontekste idey Ch. Bekkaria. Avt. dis. kand. jurid. nauk [Contemporary Russian amnesty in the context of C. Beccaria's ideas. Abstract of the candidate of legal sciences]. Ekaterinburg, 2017, 24 p.
8. Semenova O.V. Amnistiya po zakonodatel'stvu Rossii i stran-uchastnic SNG: ugolovno-pravovoy i kriminologicheskiy aspekt. Avt. dis. kand. jurid. nauk [Amnesty under the legislation of Russia and the CIS countries: criminal and criminological aspects. Abstract of the candidate of legal sciences]. Rjazan', 2005, 32 p.
9. Kazaryan K.V. Yuridicheskaya institucionalizatsiya migratsionnoy amnistii. Avt. dis. kand. jurid. nauk [Legal institutionalization of the migration amnesty. Abstract of the candidate of legal sciences]. Rostov-na-Donu, 2008, 28 p.
10. Lepeshev V.A. Osvobojdienie ot ugolovnoy otvetstvennosti i nakazaniya aktom amnistii. Avt. dis. kand. jurid. nauk [Release from criminal liability and punishment by an act of amnesty. Abstract of the candidate of legal sciences]. Krasnoyarsk, 2006, 12 p.
11. Skutina E.V. Amnistiya v ugolovnom sudoproizvodstve. Avt. dis. kand. jurid. nauk. [Amnesty in criminal proceedings. Abstract of the candidate of legal sciences]. Ekaterinburg, 2009, 15 p.
12. Available at: <https://hordiq.uz/>.
13. Levashova O.V. Amnistiya i pomilovanie kak pooshhritel'nye normy ugolovnogo prava Rossii. Avt. dis. kand. jurid. nauk [Amnesty and Pardon as Encouraging Norms of Russian Criminal Law. Abstract of the candidate of legal sciences]. Tambov, 2007, 20 p.
14. Berdiev Sh. Jinojat qonunlarining liberallashtirilishi jarayonida jinoiy javobgarlikdan ozod qilishni takomillashtirish muammolari. Dis. jurid. fan. dokt. [Problems of improving exemption from criminal liability in the process of liberalization of criminal law]. Doctor of Law sciences]. Tashkent, 2011, 252 p.
15. Osmolovskaja N.V. Amnistiya i pomilovanie kak sredstva korrektsirovaniya karatel'noy politiki gosudarstva. Avt. dis. kand. jurid. nauk [Amnesty and pardon as a means of correcting the punitive policy of the state. Abstract of the candidate of legal sciences]. Tyumen', 2006, 10 p.
16. Kohman D.V. Pravovoy mehanizm realizatsii amnistii v rossiyskoy federatsii i social'nye posledstviya ee primeneniya. Avt. dis. kand. jurid. nauk [The legal mechanism for the implementation of amnesty in the Russian Federation and the social consequences of its application. Abstract of the candidate of legal sciences]. Tyumen', 2019, 9 p.
юридического университета

Аннотация. В этой статье рассматривается изучение культуры и духовности Восточного Возрождения, а передача богатого культурного и духовного наследия наших великих гениев подрастающему поколению поднялась до уровня государственной политики. Когда мы смотрим на длительные периоды исторического развития человечества, мы видим, что жизнь сама по себе доказывает, что ни одно общество, ни одно государство не может развиваться без науки, просвещения, благородных идей и идеологии. После обретения независимости Узбекистан поставил перед собой великую цель – построить демократическое государство, основанное на верховенстве закона. Для достижения этой благородной цели были заложены основы общества, основанного на правовых демократических принципах. В этой работе приоритет был отдан исследованию и применению великого наследия наших великих гениев в нашей жизни. В данной

статье представлена информация об образе жизни наших предков и бесценном научном наследии, которое они создали. В период просвещения, особенно в средние века, он достиг своего пика и процветания. За это время выросли тысячи наших великих мыслителей, ученых и поэтов, которые внесли большой вклад в развитие мировой науки. В данной статье подчеркивается, что священный долг каждого из нас – изучать и воплощать в жизнь великое историческое, культурное и духовное наследие наших великих предков, покорять вершины науки, повышать престиж нашей страны.

Ключевые слова: великое историческое наследие, цивилизация, Евразия, Возрождение, Восточное Возрождение, научное наследие, международные отношения, религиозная толерантность.

THE ETERNAL SCIENTIFIC HERITAGE OF EASTERN RENAISSANCE THINKERS

Azimov Xakimali Imomovich,

Candidate of Historical Sciences,
Associate Professor, Tashkent State University of Law

Abstract. *It is noteworthy in the article that a comprehensive study of the culture and spirituality of the Eastern Renaissance, the transmission of the rich cultural and spiritual heritage of our great geniuses to the younger generation has risen to the level of state policy. When we look back at historical development of humanity, we see that life itself proves that no society, no state can develop without science, enlightenment, noble ideas and ideology. After gaining its independence, Uzbekistan set a great goal to build a democratic state based on the rule of law. In pursuit of this noble goal, the foundation of a society based on legal democratic principles were laid. In this work, priority was given to a comprehensive study, research and application of a prodigious heritage of great geniuses in our lives. Efforts have been made to provide sufficient information about life path of great ancestors and the rich scientific and creative heritage they have created. During the period of enlightenment, especially in the middle Ages, it reached its peak and flourished. During this period, thousands of our great thinkers, scientists and poets grew up and made an invaluable contribution to world science development. This article emphasizes that it is a sacred duty of each of us to thoroughly study and implement the great historical, cultural and spiritual heritage of our ancestors, to conquer the peaks of science, to enhance the prestige of our country and its glory.*

Keywords: *invaluable historical heritage, civilization, Eurasia, Renaissance, Eastern Renaissance, scientific heritage, international relations, religious tolerance.*

Буюк цивилизациялар чорраҳасида жойлашган юртимизда қадимдан илм-фан, маданият юксак даражада тараққий этиб келган. Буюк даҳоларимизнинг илм-фан соҳасида эришган ютуқлари нафақат ўз даври, балки ҳозирги замон тараққиёти учун ҳам муҳим омилдир. Дунё давлатларининг юксак тараққиёт йўлида бой маданият ва маънавий мерос, ривожланган илм-фан муҳим роль ўйнагани яққол кўринади. Шу маънода, олдимизга қўйилган мақсад аждодларимиз яратган бой

маданият ва маънавий меросни атрофлича ўрганиш баробарида уни бугунги жамият ва давлат тараққиётига йўналтиришдир. Ўзбекистон янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга бел боғлаган экан, бунда, албатта, Ватанимиз тарихида рўй берган иккита Ренессанс даврини етарлича ўрганиш ва уни бугунги кунимизга татбиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев айтганидек, “Буюк аждодларимизнинг бетакрор

ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур” [1, 1-б.].

Инсониятнинг кейинги цивилизацияси учун ўрта асрлар Шарқ алломалари ва кейинги давр мутафаккирларининг машаққатли, айна вақтда сермазмун ҳаёт йўллари, улар яратган улкан тарихий, маданий ва маънавий мерос мислсиз аҳамият касб этди. Дарҳақиқат, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бундай деган эди: “Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масалаларини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ. Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади” [2, 29-30-б.].

Уйғониш атамасини (итальянча “ренессанс” – уйғониш) даставвал итальян гуманистлари ишлатганлар. Жумладан, италиялик ёзувчи Ж.Бокаччо бу атамани Жотто ижодига қарата, “у антик санъатни уйғотди”, деб биринчи бор қўллаган эди. Ренессанс бутун бир даврни англатувчи тушунча сифатида санъатшунос Ж.Вазари (1511–1574 йиллар)нинг “Машҳур санъаткорлар ҳаётидан лавҳалар” китобида (1550

йил) тилга олинган. Масалага қизиқиш ортиб, илмий изланишлар кўпая боргани сайин Уйғониш тушунчаси, бу давр маданиятининг хронологик ва географик чегаралари, уни даврлаштириш хусусида турлича фикрлар билдирила бошланган. Й.Хейзинг “Ўртаасрнинг куз фасли” асарида Уйғониш даврини ўрта аср маданиятининг интиҳоси, деб ҳисобласа, бошқа олимлар Уйғониш даври янги давр маданиятининг бошланиши, деган фикрни билдиришади. Уйғониш даври Хитойда (Конрад), Кореяда (Тен), Эронда (Брагинский, Никитин), Ҳиндистонда (Селичев), Туркияда (Меллов), Арманистонда (Чалоян), Озарбайжонда (Ғажиев), Грузияда (Нуцубидзе, Натадзе) турли даврларда кечгани ҳақида айрим маълумотлар келтирилади.

Мазкур тадқиқот ишида Шарқ Уйғониш даври ва Амир Темур даврида барча соҳаларда рўй берган юксак тараққиёт омилларини манбалар асосида солиштириб ўрганиш мақсад қилиб қўйилди. Мазкур тадқиқот натижаларини бошқа тадқиқотлар билан таққослаб кўришга ҳаракат қилинди.

Халқимиз ўзининг узоқ ва мураккаб тарихида босқин ва талончиликларга қарши кўп бора озодлик ва мустақиллик курашлари олиб борди. Озодликка интилиш ҳаракати халқлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросларда уйғунлашган. Ўрта Осиё моддий ва маънавий меросида умуминсоний аҳамиятга молик жамики маданият ютуқлари ижодий уйғунлашганидек, айна пайтда минтақа маданияти ҳам бошқа халқлар маданиятларига самарали таъсир кўрсатди, уларни бойитди. Мустақиллик ва миллий маданият Уйғониш ҳодисалари билан моҳиятан узвий боғлиқлиги ҳақида академик М.М. Хайруллаев бундай ёзади: “Мустақиллик ва Уйғониш, мустақиллик ва юксалиш узвий боғлиқдир, у биздан ақл-идрокни, билимни, истеъдоду қобилиятни, фаолликни, куч-ғайратни талаб этади” [3, 71-74-б.].

Инсон маънавиятининг юксалиши қай даражада муҳим аҳамиятга эга экани доимо алломалар эътиборида турган. Жумладан, Низомий Ганжавийнинг “Иқболнома” аса-рида баён этилишича, Искандар шимолда яъжуж-маъжужлар йўлини тош деворлар билан тўсгач, йўлини давом эттириб, эътиқодлари тўғрилиқ ва ростгўйлик асосига қурилган, мол-мулклар ҳамма ўртасида баробар тақсимланган обод бир мамлакатга келиб қолади. Бундан ҳайратланган Искандар улардан бу ҳолни тушунтириб беришини сўрайди. Шунда улар: “Одамларимиз қаноатли, диёнатли бўлгани учун бир-бири билан мол-дунё, давлат-бойлик талашмайди, шунинг учун ўғри ҳам, қароқчи ҳам йўқ. Нафс кетидан қувмаймиз, баравар меҳнат қиламиз, ҳосилдан баравар баҳраманд бўламиз. Эккан буғдойимизнинг бир донаси етти юз дона бўлиб қайтади. Худо бизга қут-барака берган, биз ҳам Худога таваккал қилиб яшаймиз. Ғийбат, ҳасаддан ҳолимиз, ўзгалар айбига эмас, ўз айбимизга қараймиз. Барчамиз мамнунмиз, бутун олам аҳли билан меҳру шафқатда бўламиз, бошқалар бойлигига кўз олайтирмаймиз”, деб жавоб қайтаради [4, 52-53-б.]. Бу жавоб Искандарни ҳайратга солади. Низомий тасвирича, ер юзида адолат, тенглик ва эзгу хулқни жорий этмоқчи бўлган Искандар одамларнинг хушнуд кайфияти ва ҳаётдан розилиқ қиёфаси, ибратли хулқ-атвори, меҳнаткашлиги, ижодкорлиги, бир-бири билан иноқлигини кўриб, ўзи орзу қилган жамият худди шу мамлакат эканини англаб етади. Искандарнинг хуш ахлоқли одамлар ва одил жамиятга дуч келиши ва жаҳонгирликдан воз кечиб, пайғамбарлик йўлини тутишини баён этиш орқали Низомий жамиятда тўқинлик ва фаровонликка эришиш мумкинлигига ишора қилади.

Она заминимиздан минглаб буюк мутафаккирлар етишиб чиқди. Уларнинг улкан илмий мероси Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишимизда мустақкам замин

бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: “Бугунги форумнинг нечоғли муҳим ва долзарблиги унинг “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” деб номланишидан ҳам яққол кўриниб турибди. Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлиқ ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради. Евроосиёнинг “юраги”да жойлашган минтақамиз Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк бўлиб, Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан чегарадошдир” [5, 1-б.].

Давлатимиз раҳбари 2016 йилда Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилиши маросимида Имом Бухорий мажмуаси ёнида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифини илгари сурди. Бу муҳим таклифнинг ҳаётга татиқ этилиши тарихий аҳамиятга молик иш бўлди.

Президентнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони шунингдек, Олий Мажлисга 2017 йил 22 декабрдаги, 2018 йил 28 декабрдаги ҳамда 2020 йил 24 январдаги Мурожаатномалари ватанимиз тарихида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Буюк даҳоларимизнинг бебаҳо улкан тарихий меросини атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш, уни ўсиб келаётган ёш авлод қалбига, онгига сингдириш долзарб масалалар сирасига киритилиши муҳим аҳамиятга моликдир. Миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик масалаларига ҳам устувор аҳамият қаратилгани диққатга сазовордир. Бу борада

Президентнинг 2017 йил 14 февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарорлар алломаларимизнинг бой маданий ва маънавий меросига бўлган ғоят юксак эътибордан далолатдир. Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, нафақат ватанимизда, балки халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этиш, кадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш барқарор ва фаровон келажак пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган ана шундай лойиҳалар ҳақида гапирганда, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этиш зарур. Шулар қаторида буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича махсус мактаблар ташкил этилди. Албатта, бизнинг бу ишларимиз чуқур илмий ва амалий асосларга эга. Маълумки, қадимий маданият ва ци-

визациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас” [6, 1-б.].

Имом Бухорий ўзининг ноёб қобилияти, ўта кучли иқтидори билан илм аҳлини лол қолдирган. Ҳадис илмига ўта фидойилик, ақл-заковатини бахшида этиш Имом Бухорийга шон-шараф келтирди, уни ислом дунёсининг энг буюк алломаларидан бири сифатида танитди. 825 йили Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Маккага келиб, ҳаж ибодатини адо этади. Онаси ва акасини Бухорога қайтариб, ўзи Маккада қолади. Бу ердаги машойихларнинг илмий йиғинида қатнашади. 827 йили Мадинага боради. Бир неча тарихчиларнинг таъкидлашича, Бухорийнинг Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жиддага қилган сафари 6 йил давом этган. Сўнг Басра, Куфа ва Бағдодга сафар қилади. Шом ва Мисрга ўтади. Бундан ташқари, Хуросон, Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибол каби шаҳарларда бўлиб, у ердаги олимлардан сабоқ олди ва ҳадислар тўплади. Хорижий юртлардаги сафардан кейин Бухорога қайтгач, ҳадис илмини тарғиб этишга киришади. У зотнинг бу саъй-ҳаракатлари Бухоро ҳукмдори Холид ибн Аҳмад аз-Зухдлийга хуш

келмайди. Шу сабабли Бухорий Бухорони тарк этиб Пойкентга, кейин эса Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига келиб яшашга мажбур бўлади ва шу ерда вафот этади. Бухорий бутун фаолияти давомида илм кишиларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Тижорат қилганда топган даромадидан ойига беш юз дирҳамдан фақиру мискинларга, илм толибларига сарфлаган. Шахсий ҳаётида ортиқча дабдаба ва сарф-харажатларга йўл қўймаган.

Имом Бухорий 20 дан ортиқ китоб тасниф этган. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) деб номланган 4 жилд (жуз)дан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишонarli ва мукаммалдир. Асар бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган. Шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, 1991–1996 йилларда 4 жилдда нашр этилди. Мазкур муборак китобга 7275 та энг саҳиҳ (ишонarli) ҳадис киритилган бўлиб, улар ниҳоятда қимматли тарбиявий-маърифий аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик шарофати билан Бухорийнинг ўлмас мероси эл-юртига қайтди. Вазирлар Маҳкамасининг “Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори (1997 йил 29 апрель) асосида Бухорийнинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар қилинди. 1998 йил 23 октябрда Самарқандда юбилей тантаналари бўлиб ўтди. Аллома абадий кўним топган Челак туманидаги Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди. Давлатимиз раҳбари 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этганидек, “Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари “Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қил-

ган нарсаи берилади”, деган ҳадис билан бошланишида, албатта, жуда чуқур маъно бор” [7, 1-б.].

Етук муҳаддис аллома сифатида ислом оламида Имом ат-Термизийнинг номи ҳам маълум ва машҳурдир. Имом ат-Термизий ўз ижодий фаолияти даврида кўплаб асарлар яратди. Унинг маданий меросида, шубҳасиз, “Ал-Жомеъ” асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Ал-Жомеъ ал-кабийр” (“Катта тўплам”), “Саҳиҳ ат-Термизий”, “Сунан ат-Термизий” (“Термизий суннатлари”) номлари билан ҳам юритилади.

Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири “Аш-шамоил ан-набийя” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”)дир. Бу асар “Аш-шамоил муҳаммадийя”, “Аш-шамоил фи шамоил ан-набий саллоллоху алайҳи вассаллам” номлари билан ҳам машҳур [8, 54-61-б.].

Яна бир буюк аждодимиз Ҳаким ат-Термизий ўз асарларида илмга алоҳида урғу беради, илмнинг хос жилваларини теран кузатади. Илмни нур деб эътироф этади. Алломанинг “Масоил ат-таъбир” (“Таъбир масалалари”) асарида қуйидаги фикрлар баён этилади: “Илмли инсон – Аллоҳга яқин киши”, “Илм – танҳоликда дўст”, “Илм – қийналган онларда нажот”, “Илм – йўлчи юлдуз”, “Илм – дўстлар даврасида безак”, “Илм – жаннатга элтувчи маёқ” ва бошқалар. Ҳаким ат-Термизийнинг илм зикрида айтган фикрлари у Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларидан баҳраманд бўлганига тўлиқ гувоҳлик беради: “Илм эгалланг! Илм саҳрода – дўст, ҳаёт йўлларида – таянч, ёлғизлик дамларида – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда – мадакдор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир”. Шунинг исботи сифатида Ҳаким ат-Термизий тағин Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ажойиб бир ҳадисига эътиборни тортади: “Ҳар қандай илмнинг боши Аллоҳ илми (раъс ал-илм)дир. Ҳатто алломанинг қабр

тошида Расулulloх (с.а.в.)нинг бир ҳадиси битилган ва у яхлит қоида асосида қурилгандек жаранглайди: “Ҳар ким гуноҳ изидан бўлса, дўзах унинг оёғи остидадир, ҳар ким илмнинг изидан бўлса, жаннат унинг оёғи остидадир”. Ҳаким ат-Термизий айтади: “Зинҳор менга нисбат беришларини истаб бирор варақ ёзмадим, лекин энг қийналган онларимда китобларим менга тасалли берар эди”. “Ислом – илм, иймон – илм, тавҳид (Аллоҳ ягоналиги) – илм, маърифат – Аллоҳ илми”, деган Ҳаким ат-Термизий асарларида илм ва ҳикмат (донишмандлик) сўзлари маънодош сифатида ишлатилади. Илм мутолаа давомида шаклланади. Ҳаким ат-Термизий асарлари саҳифаларида донишмандона ҳикматлар ва ғоялар, кўзланган муддаоларнинг ўзи етакчи мавзу, чунки бу донолик намуналари инсонларни ҳамиша эзгулик сари даъват этади. Алломанинг мўъжизакор қалами самараси бўлмиш ҳикматларнинг маъно ва мазмуни беқиёс, уларда дунё изтироблари, бандаларининг ножоиз қилиқлари нишонга олинади. Банда гоҳо ўзини ожиз ва нотавон ҳис қилади, ўзини хўрланган деб билади. Ана шундай кимсаларга қарата “Наводир ал-усул”да “Инсоннинг умидсизликка тушиши бу унинг Аллоҳни билмаганидандир”, дейилади. Аллоҳни таниган банда зинҳор тушкун кайфиятда бўлмайди, тақдирдан нолиш Аллоҳ бандаси учун бегонадир: “Банда қисматдан эмас, ўзининг ёмон нафсидан ўпкалаши лозим”.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389 йиллар) ҳазратлари Ҳаким ат-Термизийга юксак баҳо беради ва унинг таълимотини ҳамиша эътироф этади. Нақшбанднинг Ҳаким ат-Термизий зикрида изҳор этган фикрлари Жомий (1414–1492 йиллар)нинг “Нафоҳат ал-унс” ва Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарларида келтирилади.

Ҳаким ат-Термизий Абу Муҳаммад Мансур Қозий, Абу Мансур Али Хиравий, Абу Али Ҳасан Журжоний, Абубакр Варроқ, Аҳмад бин Муҳаммад бин Исо, Муҳаммад

бин Жаъфар сингари ўнлаб буюк шахсларнинг устозидир. Алломадан бизга қадар “Китоб-ул-эҳтиётот одамия”, “Китоб ул-ақд ва ҳаво”, “Баён ул-касб”, “Адаб уннафс”, “Китоб ул-фуруқ” сингари элликдан зиёд асар мерос бўлиб қолган. Ҳаким ат-Термизийнинг ижоди ҳақида ёзган муаллифлар унинг асарлари сонини турлича келтирадилар. Баъзи тадқиқотчилар уларнинг саноғи 400 га яқин деб айтсалар, бошқалари 80 та асар яратган, деб ёзадилар. Алломанинг асарлари турли мавзуларда бўлиб, уларнинг йўналишлари ҳам турличадир [9, 1-150-б.]. Шарқда, айнан Ўрта Осиё заминидан 9-12 асрда юз берган Уйғониш жараёни натижаси нафақат диний, балки дунёвий фанлар ривожига ҳам алоҳида юксалиш босқичи бўлди. Уйғониш даври ўз юксак ақл-заковати, салоҳияти, изланишлари билан фаннинг кўплаб соҳаларида муҳим кашфиётлар қилган буюк даҳоларни етиштириб берди. Уларнинг дурдона асарларида миллий ғоянинг тарихий негизлари такомиллаштирилди, шунингдек, жаҳон фанининг тиббиёт, фалакиёт, математика, жуғрофия, тарих, геология, геодезия, минерология, фармакология ва бошқа йўналишларининг тамал тоши яратилди. Бу муқаддас заминдан етишиб чиққан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Низомулмулк ва бошқа буюк сиймолар номини ҳақли равишда эҳтиром билан тилга оламиз.

Абу Жаъфар (Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) буюк математик, астроном, географ, фан тарихидаги илк қомусий олимлардан. Хоразмийнинг 20 дан ортиқ асаридан ўнтачаси бизга тўлиқ, қисман ёки айрим парчалар тарзида етиб келган. Шу асарларнинг ўзиёқ ал-Хоразмий инсоният цивилизациясига, унинг ғоявий жиҳатдан юксалишига буюк ҳисса қўшган олим эканини кўрсатади. Америкалик фан тарихчиси Жорж

Сартон Хоразмийни “ўз замонасининг энг буюк математиги, агар барча ҳолатлар эътиборга олинса, барча замонларнинг энг буюк математикларидан бири”, деб эътироф этган. Шунингдек, италиялик шарқшунос олим К.Наллино Хоразмийга юксак баҳо бериб, бундай деган эди: “Европадаги ҳеч бир халқ Хоразмий эришган ютуққа эришишга ва бундай асар яратишга қодир эмас эди” [10, 40-б.]. Хоразмий илмий меросини ўрганиш ва унинг фан тараққиётига қўшган ҳиссасини тарғиб қилишда олимлардан Ж.Сартон, Э.С.Кеннеди, Д.Кинг (АҚШ), С.А.Наллино (Италия), Х.Земанек (Австрия), А.Аллар (Бельгия), Р.Рачед (Франция), С.Брокелман, Д.Самплоиниус (Германия), М.М.Рожанская (Россия) ва бошқалар ҳам муҳим ҳисса қўшган. Урганч давлат университети, Ўзбекистоннинг турли жойларида кўплаб мактаб ва бошқа жойлар Хоразмий номи билан аталган [8, 36-44-б.].

2017 йил 14 мартда Президентнинг “Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросини қадрлаш, уни асраб-авайлаш, ёш авлод онгига чуқур сингдириш мақсадида мазкур университетга Муҳаммад ал-Хоразмий номи берилиши, шунингдек, 2018 йилда аллома таваллудининг 1235 йиллигини кенг нишонлашга қаратилган бир қатор муҳим вазифалар амалга оширилиши тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган, фан ривожига улкан ҳисса қўшган қомусий олимлардан яна бири Абу Райҳон Беруний (973-1048) ҳам адолатли жамиятни орзу қилган. Беруний 150 дан зиёд асар яратган бўлиб, уларнинг 31 таси бизгача етиб келган. Шу ўринда айтиш жоизки, немис шарқшунос олими Готхардт Штрот Майрнинг 2001 йилда Европанинг нуфузли нашрларидан бирида эълон қилинган “Ал-Беруний: Ғарб

дунёси билмаган даҳо” мақоласи катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Унда ўрта асрлар Шарқ фани ва маданияти масалалари холисона баҳоланиб, Абу Райҳон Берунийни “янги давр фанининг илк намояндаси сифатида қабул қилиш лозимлиги таъкидланган” [11, 2-б.]. Абу Райҳон Берунийнинг “Минерология” асаридаги қуйидаги фикрлар эътиборга лойиқдир: “Инсон меҳнатини қадрлаш ва моддий рағбатлантириб туриш натижасида давлат мустаҳкам ва барқарор, ўлка маъмур, халқнинг турмуши эса фаровон бўлади. Ана шунинг учун ҳам заковатли ҳукмдорларнинг вазифаси юқори табақалар ўртасида адолатли, кучлилар билан заифлар ўртасида ижтимоий тинчлик ва инсонпарварлик принципларига асосланган қонунни ўрнатишдан иборатдир”. Ҳоким қатъиятли ва фуқаролар ҳақида кўпроқ қайғуриши лозим, деб ҳисоблайди олим.

Америкалик олим Сартон XI асрга “Беруний асри” деб таъриф бергани таҳсинга лойиқдир. Дарҳақиқат, Абу Райҳон Берунийнинг жаҳон илм-фани равнақида қўшган бебаҳо ҳиссаси асрлар оша мангуликка муҳрланди. У ҳам ўтмишдаги алломалар сингари жамият тараққиёти ва истиқболни фан равнақида кўради: “Илмлар кўпдир, - дейди аллома, - улар замон иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларни илмларга рағбат қилиш, илм ва илм аҳлини ҳурматлаш ўша иқболнинг белгисидир. (Айниқса) ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади” [12, 21-б.].

Умуман, Абу Райҳон Берунийнинг илм-фан, маданият, маънавият ҳақидаги таълимоти, биродарлик, тенглик, адолат, тўғрилиқ, инсонпарварлик каби умуминсоний ғоялари миллий тафаккур тарбияси шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Ибн Сино – Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али (980-1037)

жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олим. Ғарбда Авиценна номи билан машҳур. Унинг 5 жилдли “Китоб ал-қонун фит-тиб” (“Тиб қонунлари”) асари айнан тиббиётга оид беназир дастуриламалдир.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзuidaги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек: “Биз доим ғурур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машҳур бўлган, “Тиб қонунлари” деб аталган ўзининг бебаҳо фундаментал асари билан Ибн Сино кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берди, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солди. Бежиз эмаски, бу китоб Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида тиббиёт илми айна шу асар асосида ўқитиб келинган”.

Турли манбаларда Ибн Сино 450 дан ортиқ асар ёзгани қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 242 (160) таси етиб келган. Шулардан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб, қолганлари мантиқ, психология, тиббиёт, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган. Олимнинг фалсафий қарашлари “Китоб ал-ишорат тил мантиқ вал-ҳикмат” (“Мантиқ ва фалсафанинг ишоралари”), “Донишнома” (“Билим китоби”) ва бошқаларда ўз аксини топган. Ибн Синонинг дунёқараши Аристотель таълимоти ва Форобий асарлари таъсирида шаклланди. У жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинади-

ган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини айтади. Ибн Сино ўзининг бой ва серқирра илмий мероси билан кейинги давр Шарқ ва Ғарб маданияти ривожига катта таъсир кўрсатди.

Ўзининг адолатли жамият тўғрисидаги қарашларини тўла асослаб берган қомусий ақл эгаси, донишманд мутафаккирларидан яна бири Абу Наср Форобийдир (873–950). Форобийнинг инсон ва жамият, уларнинг ўзаро таъсири, давлат, сиёсат, уруш ва тинчлик, адолат каби масалаларга бағишланган асарлари сирасига “Фозил одамлар шахри”, “Шаҳарни ўрганиш ҳақида”, “Уруш ва тинч турмуш ҳақида”, “Бахт-саодатга эришиш ҳақида рисола”, “Давлат арбоблари ҳақида ҳикматлар” кабилар киради.

Форобий барча шаҳарларни, давлатларни фозил ва жоҳилга ажратади. “Фозил шаҳар шундай шаҳарки, - деб таъкидлайди у, - унда одамлар уларни бахт-саодатга элтувчи ишларда бир-бирларига ёрдам беришни мақсад қилиб қўядилар. Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида бир-бирларига ёрдам бериш учун бирлашган жамоа фозил жамоа ҳисобланади. Барча шаҳарлари бахт-саодатга эришиш мақсадида бир-бирларига ёрдам берувчи халқ фозил халқдир. Шундай қилиб, барча халқлар ҳақиқий бахт-саодатга эришиш йўлида бир-бирларига ёрдам берсалар, ер юзи фозилликка эришади, бахт-саодатга олиб боради...”.

Форобий давлат ва жамиятни бошқаришда шоҳ ўн икки хислатга (Юсуф Хос Ҳожиб ҳам шунча хислатни кўрсатган) эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Бундай бошлиқ соғ-саломат, фаросатли, тезда масалани аниқлаб олувчи, хотираси ва зеҳни ўткир, нотик, илм олишга қизиққан ва ўз билимини доими ошириб борадиган, турли ҳаёт лаззатларидан ўзини тия оладиган, адолатпарвар, ҳақгўй, ёлғон ва хушомадни ёмон кўрадиган, номусли, ориятли, бу дунё бойликларига қизиқмаган, қатъиятли, саботли ва энг муҳими донишманд инсон бўлиши лозим. Форобий орзу қилган иде-

ал шаҳар-давлатларнинг асосий вазифаси тинчликни таъминлаш, адолат ғояларини ҳимоя қилиш, одил судловни ўрнатиш кабилардир. Форобий эллин маданияти донишмандлигининг ҳадсиз билимдони эди. У Платон, Аристотелнинг барча фалсафий, табиий, илмий, Птолемейнинг осмон жисмлари ҳаракати, Александр Афродизийнинг руҳ, Галеннинг тиббиёт ҳақидаги асарлари, шунингдек, Эпикур, Зенон, Евклид, Порифирий рисоаларига тақриз ва шарҳлар ёзди. Агар илм-фан ривожига ўзининг қўшган буюк хизматлари учун Аристотель “биринчи муаллим” деган эътирофга сазовор бўлган бўлса, Форобий эллин донишмандлигини, Аристотелни яхши билгани, қомусий ақли ва илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшгани учун “Ал-Муаллим ас-Соний” – “Иккинчи муаллим” – “Шарқ Аристотели” деган мўътабар нисба олди. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантирди ва 160 дан ортиқ асар яратди. Форобийнинг илмий-фалсафий мероси, давлатчилик борасидаги улкан сиёсий таълимоти халқимизнинг буюк маънавий бойлиги сифатида асрлар оша авлодлар учун хизмат қилаверади [8, 69-70-б.].

Адолатли давлат бошқаруви тўғрисидаги қарашлари билан машҳур бўлган, ўрта асрда яшаб ўтган мутафаккир ва давлат арбобларидан бири Низомулмулкдир (1018-1092). Унинг “Сиёсатнома” асари ўлмас дурдоналар сирасига киради. Салжуқий шоҳларга 30 йил ҳалол вазирлик қилиб, ўз номини сўнмас шон-шухратга чулғаган Низомулмулк марказлашган кучли давлат учун кураш олиб бориш билан бирга бу борадаги ўз кузатувларини жамлаб, умумлаштирган ҳолда кўплаб амиру умаролар, давлат арбоблари, сиёсатчилар учун зарур қўлланма хизматини ўтаб келган ажойиб китоб яратди. Унда давлатни бошқаришдаги энг майда масалалардан тортиб, ғоят йирик ва муҳим муаммолар-

гача ҳаммасини ўзи яшаб турган даврга қадар тўпланган сиёсий тажрибадан келиб чиққан ҳолда атрофлича ёритиб берди. Асарда адолат ғояси устувор аҳамият касб этади. Муаллиф адолатли давлат, фаровон жамиятнинг барпо этилишини адолатпарвар, халқпарвар ва илмпарвар шоҳ билан боғлаб ифода қилади. Айни пайтда шоҳ билан раъият (халқ) ўртасидаги алоқалар ҳам қандай тартибда бўлишини кўрсатади.

“Барча ишларни маслаҳат билан амалга ошириш подшоҳнинг мустаҳкам ирода-сидан, оқиллиги ва кенг дунёқарашидан далолат беради, - деб ёзади Низомулмулк. - Ҳар бир киши муайян бир нарса тўғрисида кўпроқ ёки камроқ билади. Агар подшоҳ бирор ишни амалга оширмоқчи ёки қандайдир заруриятни ҳал этмоқчи бўлса, у, албатта, доно қариялар ва улуғлар билан машварат ҳамда кенгаш қилмоғи лозим. Ҳар бирлари ўз фикрларини билдириб, подшоҳ раъйи билан солиштириб, бир-бирларининг фикрларини эшитиб ва ҳар томонлама ўйлаб, кейин ўртада маъқуллаган фикрни танлайдилар. Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак” [13, 36-37-б.].

“Сиёсатнома” марказлашган давлат тузишга даъват этиб, кучли давлат маҳкамаси, армия ва бошқа “текшириш воситалари”ни яратишга чақиради. “Сиёсатнома”нинг энг қадимий нусхаси Британия музейида (АДД 23516) ҳамда Берлинда сақланади. Бу нусхалар 1168-69 йили Урмия шаҳрида амир-ҳожиб Алп Жамолдин фармонига биноан кўчирилган, Чарлз Шеффер 1291 йили кўчирилган бошқа нусхадан фойдаланиб, асарни француз тилига ўгириб, 1893 йили нашр этган. 1914 йили Калькуттада асарнинг тошбосма нусхаси ҳам чоп қилинган. Кейинчалик, 1932 йили Техрон шаҳрида Иброҳим Халҳолий иштирокида “Сиёсатнома” асари беш нусха асосида солиштирилиб, босмадан чиқарилган. Бу асарни Б.Н.Заходер кўп йиллик

тадқиқотларидан сўнг 1949 йили рус тилига таржима қилиб, нашр эттирди. 1960 йили асар инглиз тилида чоп қилинди. “Сиёсатнома”нинг яна бир нашри 1989 йили Душанбеда амалга оширилди [14, 3-7-б.].

Ёзма адабиётимиз нодир манбалари – Юсуф Хос Ҳожиб (11-аср)нинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакий (12-13-асрлар)нинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” китобларида эзгу ғоялар ўз аксини топган. Аҳмад Югнакий дунёдаги эзгулик доимий муҳофазага, эътиборга муҳтож эканини қайта-қайта уқтиради. Чунки ёвузлик тез тарқалувчи, агар вақтида пайи қирқилмаса, инсоният ҳаётини, онгу шуурини чирмовуқдай эгаллаб, одамзодни ҳалокатга дучор қилиши муқаррарлигини айтади:

Боши кетган эзгуликнинг сўнгги ҳам кетгусидир,

Ёвузликнинг боши келгач, охири ҳам келажак.

Шуни қайд этиш жоизки, бизнинг мақсадимиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдир. Бу борадаги ишларни амалга оширишда маданий ва маънавий меросимиз, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга таяниш энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ўзбекистон китоб фондларида сақланаётган 100 мингтадан зиёд қўлёзма асарнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Европа ва Осиёнинг Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларидаги кутубхоналарнинг “олтин фонд”ини ташкил этади. Бу, энг аввало, ўрта асрларда яшаб ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, ке-

рак бўлса, янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир” [15, 1-б.].

Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тобора мустаҳкам бўлиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир” [7, 1-б.].

Хулоса шуки, аждоқларимиз томонидан бугунги авлод ва бутун инсоният учун улкан аҳамиятга молик бўлган бебаҳо маданий ва маънавий мулк яратилди. Таҳлиллар ва ўрганишлар натижасига таяниб шуни айтиш мумкинки, ўлкамиз ҳудудида Шарқ Уйғониш даврида ва Амир Темур даврида барча соҳаларда рўй берган юксак тараққиётнинг бош омили илм-фан тараққиёти ва унга қаратилган юксак эътибор билан боғлиқ. Айнан шу омил бугун амалга оширилаётган ўзгаришлар ва ислохотларнинг бош мезони бўлаётгани эса мамлакатимизда Учинчи Ренессанс учун пойдевор қўйилаётганининг далолатидир.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир. Барчамизга ана шу улуг сафда бошқаларга ибрат ва намуна бўлиш, жонажон Ватанимиз, азиз халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш насиб этсин!” [16, 1-б.].

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi [Speech by President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the Day of Teachers and Coaches]. People's word, 2020, October 1.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch [High spirituality is an invincible force]. Tashkent, Ma'naviyat Publ., 2008, pp. 29-30.
3. Xayrullayev M. O'rta Osiyoda ilk Uyg'onish davri madaniyati [Early Renaissance culture in Central Asia]. Tashkent, 1994, pp. 71-74.
4. Komilov N. Hikmat va ibrat dostoni [An epic of wisdom and example]. Tashkent, Tafakkur Publ., 2003, no. 4, pp. 52-53.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Samarqand shahrida bo'lib o'tgan "Markaziy Osiyo: yagona tarix va umumiy kelajak, barqaror rivojlanish va taraqqiyot yo'lidagi hamkorlik" mavzusidagi xalqaro konferensiyada so'zlagan nutqi [Speech by President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the International Conference "Central Asia: Common History and Common Future, Cooperation for Sustainable Development and Progress" in Samarkand]. People's word, 2017, November 11.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. People's word, 2017, December 23.
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. People's word, 2018, December 29.
8. Ma'naviyat yulduzlari (Markaziy osiyolik mashhur siymolar, allomalar, adiblar) [Stars of Spirituality (famous Central Asian figures, scholars, writers)]. M. Xayrullayev, Tashkent, Abdullah Kodiri National Heritage Publishing House, 1999, pp. 54-61, 69-70.
9. Choriyev Z., Annayev T. va boshqalar. Al-Hakim At-Termiziy [Al-Hakim At-Termizi]. Tashkent, Yangi asr avlodi Publ., 2008, pp. 1-150.
10. Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy. Tanlangan asarlar. Ma'naviyat yulduzlari (Markaziy osiyolik mashhur siymolar, allomalar, adiblar) [Stars of Spirituality (famous Central Asian figures, scholars, writers)]. M. Xayrullayev. Tashkent, Abdullah Kodiri National Heritage Publishing House, 1999, 40 p.
11. Shodiyev N. Sharq tafakkuri [Eastern thinking]. Jamiyat Publ., 2007, July 6.
12. Abu Rayhon Beruniy. Tanlangan asarlar [Abu Rayhon Beruni]. Selected works, 1966, vol. 3, 21 p.
13. Nizomulmulk. Siyosatnoma yoki Siyar ul-mulk [Policy or Siyar ul-mulk]. Tashkent, Adolat Publ., 1997, pp. 36-37.
14. Nizomulmulk. Siyosatnoma.(Siyar ul-muluk) [Policy or Siyar ul-mulk]. Sh.Xolmurod. Authors of Persian translations, prefaces and commentaries Sh. Vohid, A. Erkinov. Tashkent, Yangi asr avlodi Publ., 2017, pp. 3-17.
15. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning 2014-yil 15-16 may kunlari Samarqand shahrida "O'rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidagi roli va ahamiyati" mavzusida o'tkazilgan xalqaro konferensiyada so'zlagan nutqi [Speech by the First President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov at the International Conference "Historical Heritage of Medieval Oriental Scholars and Thinkers, Its Role and Importance in the Development of Modern Civilization"]. Samarkand, 2014, May 15-16, Ma'rifat Publ..
16. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 29-dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis on 2020, December 29]. People's word, 2020, 30 December.

17. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 24-yanvarda Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis on January 24, 2020]. People's word, 2020, January 24.
18. Karimov I.A. Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q [There is no future without historical memory]. Tashkent, O'zbekiston Publ., 1998.
19. Choriyev Z., Annayev J., Annayev T. Al-Hakim at-Termiziy tavalludi va hayoti sanalariga doir [On the dates of birth and life of Al-Hakim at-Termizi]. Jayhun, Termez State University Bulletin, 2006, no. 3-4.
20. Shakabilovich S.S., Davletbaevich I.K., Rikhsivoeva S.A. Priority directions for the development of civil society in Uzbekistan. Solid State Technology, 2020, 63 (4), 472 p.
21. Shohistahon U., Hakimali A., Makhruya K., Bakhtigul M., Maksuda T. The History of the Unani Medicine in Central Asia. International Journal of Recent Technology and Engineering, 2019, 8 (3), pp. 4550-4553.
22. Azimov X. Gumanizm uzbekskogo naroda v godi vtoroy mirovoy voyni [Humanism of the Uzbek people during the Second World War]. Review of law sciences, 2020, no. 3.
23. Shohistahon U., Hakimali A. A History of Historiography and some Sources of the Period of Amir Temur and Temurids. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJRTE) Published by Blue Eyes Intelligence Engineering & Sciences Publication, 2019, pp. 4819-4823.
24. Azimov H. In the Socio-economic Life of Uzbekistan, the Role of Women: Changes and Development Trends. International Journal of Pharmaceutical Research, 2020, Dec., vol. 12, Supplementary Issue 3.

YURIDIK FANLAR AXBOROTNOMASI
ВЕСТНИК ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК
REVIEW OF LAW SCIENCES

Huquqiy ilmiy-amaliy jurnal

Правовой научно-практический журнал

Legal scientific-practical journal

2021/1

БОШ МУҲАРРИР:

Ҳакимов Раҳим Расулжонович

Тошкент давлат юридик университети ректори,
ю.ф.д., профессор

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ:

Салаев Нодирбек Сапарбаевич

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,
ю.ф.д., профессор

Масъул муҳаррир: **Салоева Ҳилола Равшан қизи**

Муҳаррирлар: А. Каримов, Ф. Муҳаммадиева,
С. Тошева, Е. Яролик

Техник муҳаррирлар: У. Сапаев, Д. Ражапов

Таҳририят манзили:

100047. Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35.
Тел.: (0371) 233-66-36 (1169)

Веб-сайт: www.tsul.uz

E-mail: lawjournal@tsul.uz

Журнал 05.04.2021 йилда типографияга
топширилди. Қоғоз бичими: А4.
Шартли 17,52 б.т. Адади: 100. Буюртма: № 32.

ТДЮУ типографиясида чоп этилди.